


ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

3
№ 4

8

АВГУСТ



ТОШКЕНТ
1947

100. 762.339

уйғун

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

5 парда, 6 кўринишли драма

Қ А Т Н А Ш У Ч И Л А Р

Комилжон Қўлдошев — колхозчи, сўнг жангчи.
Ма'рифат хола — Комилжоннинг онаси.
Тошхон — Комилжоннинг синглиси.
Қодир Рустамов — колхозчи, сўнг жангчи, Комилжоннинг ўртоғи,
Тожиҳон — колхозчи қиз.
Нурмат — Колхоз раиси.
Нугмонжон — раиснинг ўғли.
Бўривой — омборчи.
Миша — жангчи.
Ольга Петровна } йўловчилар.
Мария Ивановна }
Попов — батальон командири, капитан.
Петров — Поповнинг сяссий ишлар бўйича ёрдамчиси. Лейтенант.
Почтальон.
Алоқачи.
I, II, III, IV, V жангчи.

Колхозчилар, жангчилар, немислар, йўловчилар.

Воқиа 1941—45 йиллар ичида ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Қишлоқ Чорсу. Майдон бир чекада ҳовуз. Қирғоғида дарахтлар. Рўпарада Комилжонларнинг эшиги. 41-нчи йил июни. Дам олиш куни, эрталаб. Саҳна бўш. Бироздан сўнг, кўлида бир даста гул кўтариб, Бўривой киради. У, Комилжонларнинг эшигини тақиллатмоқчи бўлади, аммо жур'ат қилаолмайди. Шу маҳалда эшик очилиб, ичкаридан Комилжон чиқиб келади. Бўривой шошилиб гулни ерқасиغا яширади.

Комил — Ҳа, Бўривой ака, келинг, каллайи саҳарлаб нима қилиб юрибсиз?

Бўривой — Ҳа, энди виходнойчилик, ўзларини бир зиёрат қилай деб келган эдим.

Комилжон — Раҳмат, қўлингиздаги нима?

Бўривой — Ҳа... ҳалиги... гул (*гулни кўрсатади*).

Комил (*кулади*). — Янгилик. Бўривойга гул—шойи иштонга жуи жияк.

Бўривой — (*кулиб*). Ҳа омборчиларнинг гул ушлаши қоидада йўқ гапми?

Комил — Ахир инсоф қилинг-да. Бўривой—гул. Гул ҳам ярашганга ярашар экан. Сизга ярашмабди. Буёққа беринг.

Бўривой — Узур. Эгаси бор.

Комил — Шундайми? Демак мени эмас, бошқа кишини зиёрат қилгани келган экансиз-да?

Бўривой — Йўқ, йўқ, сизни зиёрат қилгани келганим аниқ... Табрик қиламан, бригадангиз бу чопиқда ҳам ютиб чиқди.

Комил — (*хурсанд*). Дарров қаёқдан эшитақолдингиз?

Бўривой — Қишлоқда дув-дув гап. Киройи бригадир бўлса, Комилжондақа бўлсин. Тўртинчи чопиқни ҳам муддатидан олдин қойилмақом қилворди, дейишаётинди. Эшитиб кўп хурсанд бўлдим. Энди мукофотнинг ёғлигини ҳам ўзлари олар эканлар-да?

Комил — Ҳали, мукофотга арзирлик иш қилганимиз йўқ.

Бўривой — Камтарлигингизга қул бўламан. Гап бундай, кечқурун лип этиб омбор томонга бир ўтсалар, қулинг ўргулсин моллар келган, ўзлари хоҳлаганларини танлаб олсалар.

Комил — Мукофот бўлса беришар, омбор томонга ўтишимнинг нима ҳожати бор?

Бўривой — Э бродар, жуда ҳам соддасиз-да. Правления берадиган мукофот ўз йўли блан, бу ўз йўли блан. Бу хуф'я мукофот.

Комил — Хуф'я? Битта-яримта билиб қолса нима бўлади?

Бўривой — Иккаламиздан бўлак ҳеч ким билмайди, ким билиб ўтирибди?

Комил — Битта киши бор билиб қолади-да.

Бўривой — Ким экан у?

Комил — Виждон.

Бўривой — Ҳае... оббо сизе... хайр, хайр... Сизга сидқидил блан дўстлик изҳор қилиб, виждонсиз бўлиб қолдикми? Нима мен виждонсиз бўлиб омбордаги молларни кўчага олиб чиқиб бегонага сотаётибманми? Сизга ўхшаш донгдор колхозчига кўнглим тусаб бир нарса берсам гуноҳми? Янглишасиз, бродар, бизда ҳам виждон бор!

Комил — Жаҳлингиз чиқмасин Бўривой, сиз виждон деб кўтариб юрган нарса жиғилдон. Виждон—жиғилдон. Эшитилишда фарқсиздек бўлиб эшитилади, ammo аслда фарқи катта, виждон блан жиғилдон сув блан ўтдек бир-бирига ёв. Жиғилдон хуруж қилган ерда виждонга йўл йўқ. Жиғилдон касали эскидан салқит бўлиб қолган касал. Қани энди, орамиздаги, ба'зибир сизга

ухшаш жигилдон касалига мубтало булганлардан батамом қутасак. Ушанда колхозимизнинг бир бойлигига юз бойлик, юз ҳуснига минг ҳусн қушилган бўлар эди.

Бўривой — Жуда тўғри гапирдилар. Хатомизни бўйинимизга оламыз.

Комил — (кулиб). Аммо лекин сизга қойилман, дун'ёда сизнинг бўйингиздан бақувват бўйин бўлмаса керак. Агар сиз бўйингизга олган хатолар филга ортилса, филнинг бели чўрт узилиб кетарди. Аммо сиз бардош берасиз.

Бўривой (кулиб). — Оббо Комилжон-е, оббо Комилжон-е. Сизга жуда устасиз-да. Шундақанги дўндириб гапирасизки, ма'носи аччиқ бўлса ҳам, кулмай пложимиз йўқ.

Комил — Лекин битта йиғлатаман ҳам.

Бўривой — Яна қандай гуноҳ қилиб қўйдик?

Комил — Ҳалиги гапингизни рансга айтаман.

Бўривой — Чакки қиласиз. Тонаман. Гувоҳ йўқ, исбот қилаолмайсиз.

Комил — Оббо сиз-е. Буёғини ҳам тўғрилаб юраман, денг?

Бўривой — Бўлмасамчи.

Комил — Лекин барибир бир кун эмас-бир кун қўлга тушасиз. (Кетади).

Бўривой — Тавба. Ташвиш устига-ташвиш, дард устига-дард (ичкаридан икки челақ кўтариб Тошхон чиқади).

Тошхон — Яна қанақа дард?

Бўривой — (шошиб). Эҳа... келсинлар... салом алайкум. (Кўришгани қўл чўзади).

Тошхон — (қўл бермай). Кўрганимиз, кўришганимиз... Кечира-сиз, қўлим банд.

Бўривой — Ўзларини бир зиёрат қилай деб, келган эдим.

Тошхон — Нима мен авлиёмидим, зиёрат қиладиган?

Бўривой — Авлиёдан ҳам катта, фаринтасиз.

Тошхон — Иккита кампир ҳам шунақа деятувди.

Бўривой — (ноқулай вазиятга тушади, нима қилишини билмай гул узатади). Айтгандек, атайлаб ўзларига гул келтирган эдим.

Тошхон — Чакки овора бўлибсиз. Менга гул керак эмас, ҳовлим тўла гул.

Бўривой — Бу гул бошқача гул.

Тошхон — Қоғоз гулми?

Бўривой — Йўқ, муҳаббат гули.

Тошхон — Яна муҳаббат!

Бўривой — (қўрқиб). Йўқ-йўқ.

Тошхон — Тавба, челақни аяйман-да, бўлмаса (Бўривойнинг бошига имо қилиб) муҳаббатингизни қоқиб ташлардим.

Бўривой — Муҳаббат шунчалик ёмон нарсами?

Тошхон — Келинг, энсамни қотирманг, келишадиган гапни гапиринг.

Бўривой — Энди, Тошхон, синглим, инсоф ҳам керак. Бировни бунчалик қийнайбериш ҳам ярамайди. Жуда қонимга ташна бўлиб кетдим.

Тошхон — (кулиб). Баттар бўлинг.

Бўривой — Шу кечаю-кундузда жонимни қўйишга жой тополмай юрибман.

Тошхон — Жой топиб берайми?

Бўривой — Худди шу муддао блан даргоҳларига келдим-да ўргилсин,

Тошхон — Бундай қиласиз... (гапираолмай кулади).

Бўривой — (бетоқат). Хўш, хўш?

Тошхон — (кулкидан аранг тўхтаб). Бир эски латта топасиз-у, жонингизни тугиб, омборнинг шипига, чичқон тегмайдиган жойга илиб қўясиз... (яна кулади).

Бўривой — (хафа). Қуллик-е... самимий маслаҳатлари учун... Онангиз Тошхон деб, бекорга ном қўймаган экан. Кўнглингиз тош-а.

Тошхон — (кулкидан тўхтаб). Ундан ҳам баттар... Хафа бўлдингиз чоғи. Узингизга қийин. Мен, ҳадеб бўлар бўлмаста хушомад қилаберадиган кишиларни ёмон кўраман. (Ховуз томонга қараб йўл олади).

Бўривой — (челакка ёпишиб). Менга беринг мен олиб келиб берақолай.

Тошхон — Оғир иш қилиб ўрганмагансиз, жабр бўлади-ку?

Бўривой — (гулли бир чекага қўйиб, Тошхоннинг қўлидан челакларни олади.) — Э, икки челак сув ташибелмасам йигит бўлиб нима қилиб юрибман?

Тошхон — Менга икки челак эмас, кўпроқ керак.

Бўривой — Ҳарқанча сув бўлса ҳам ташийверамиз (ҳовуздан сув ташийбошлайди). Бу сувни қаёққа қуяман?

Тошхон — Шундай, эшикнинг ёнида катта қозон турибди, ўшанга. (Тошхон кулиб Бўривойнинг сув ташишини кузатади. Бўривойнинг сур'ати борган сари сусаяборади).

Бўривой — (икки қатнагач). Бу, дейман, Тошхон, агар қозонларингда ош қилингундек бўлса, бутун қишлоққа етса керагов.

Тошхон — Ҳа, жуда баракалик қозон, ўзига ҳам юз челак сув кетади. Ҳали кўп ташийсиз. (Бўривойнинг руҳи тушади, Тошхон оғзини босиб кулади).

Бўривой — (учинчи қатнагач). Бу, ҳали, челакларингиз кўзимга кичпкроқ кўриган эди, йўқ, дуруст, хийла катта челаклар экан.

Тошхон — Ҳа, бу челаклар резинкадан қилинган. Сув ташиган сайингиз чўзилиб, каттайиб, оғирлашиб кетаверади.

Бўривой — Ростини айтсам, хў ўша белимни арава босганда ўнгирмай кетган экан, мана олти челак сув ташидим-у, белим зирқираб қолди.

Тошхон — (кулиб). Баттар бўлинг.

Бўривой — (жаҳли чиқиб). Йўқ, синглим, мен жуда жиддий гапираётиман.

Тошхон — Челакни буёққа беринг! (Челакларни олади) суф, сиздақа олти челак сув ташиб, топ ташаб қоладиган йигитга! Боринг йўлингиздан қолманг!

Бўривой — Хўб, яна кўришамиз (кетабошлайди).

Тошхон — Кўришиб бўбсиз! (Кулиб). Гулингиз қолди.

Бўривой — Янгисини кетираман, бу гул сўлиб қолди (кетади).

Тошхон — Мол эгасига ўшамаса ҳаром ўлади, деганлари рост (кулиб ҳовуз томонга йўл олади. Тожиҳон келади).

Тожиҳон — Шўрликни хафа қилиб юбордингиз чоғи.

Тошхон — Вой, келинг. Баттар бўлсин, ўзига қийин.

Тожиҳон — Нега ҳазиллашасиз? Балки бечоранинг нияти холисдир.

Тошхон — Ниятини пишириб есин. Кўчада қолган юрагим йўқ. Ахир, ўртоқ, зиғирча ҳам яхши кўрмасам нима қилай?

Тожиҳон — Бўлмаса кимни яхши кўрасиз?

Тошхон — Ҳечкимни.

Тожиҳон — Юрагингиз тошданми?

Тошхон — Шунақага ўхшайди. Негадир, эркакларни ёмон кўраман... Битта-яримтаси қўлимдан ушлагундек бўлса, баданим жимиллашиб, жоним халқумимга келиб қолади.

Тожиҳон — Нима бало битта-яримтага қўлингизни ушлатдингизми?

Тошхон — Қочинг-е! Ахир кўришганда ушламайдимми? Шунинг учун ҳам эркаклар блан қўл бериб кўришмайман.

Тожиҳон — Бундан чиқдики, ҳали муҳаббатга рўбарў бўлмабсиз.

Тошхон — Шу муҳаббат деган нарсани ким ўйлаб чиқарди экан, а? Тегмасанг бўлмайди, чоғи. Тексанг яна нарғини ўйлайсан. Эркакларга осон, агар муроса келишмаса, ташлайди-ю кетабери. Қийин бўлганда бизга қийин.

Тожиҳон — Унақа эркак, эркак эмас, ҳайвон.

Тошхон — Мен ўшандақа эркаклардан кўрқаман-да.

Тожиҳон — Бизда унақа эркак оз. Бизда шундай асл йигитлар борки, ҳаммасини баравар севгинг келади ва севасан ҳам.

Тошхон — (чўчиб). Жинни-пинни бўлдингизми, ҳамма эркакни бирдан севиб?

Тожиҳон — Севишнинг ҳам ҳархили бор. Она болани яхши кўради, бу ҳам севги. Сингил акани яхши кўради, бу ҳам севги, дўст-дўстни яхши кўради, бу ҳам севги.

Тошхон — Бу бошқа севги. Мен оновнақа севги тўғрисида гапираёпман.

Тожиҳон — Менимча, ҳамма севги ҳам шунақа, ота-она, ака-ука, ёру-дўст севгисидай самимий ва оқибатли бўлса...

Тошхон — Мен ўшандақасини тополмай доғдаман-да.

Тожиҳон — Нуғмонжоннинг севгиси ўшанақа севги.

Тошхон — Қайдам... Хушомад қилса энсам қотади... Хўш сиз қайсибирини севасиз?

Тожиҳон — Иккаласини ҳам.

Тошхон — Нима бало, иккаласига бирдан тегмоқчимисиз?

Тожиҳон — Иккаласига ҳам тегмайман.

Тошхон — Нега?

То жихон — Биттасига тегсам, биттаси хафа бўлади, мен, иккаласини ҳам хафа қилишни истамайман. Иккаласи ҳам ақллик иккаласи ҳам асл, иккаласи ҳам донгдор йигитлар. Бири-биридан яхши.

Тошхон — Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бирнга кўнгил берардим, орани очди қилиб қўяқолардим.

То жихон — Айтишга осон.

Тошхон — Ахир уч киши бирдан қийналиб юргунча, бир киши қийналса яхшироқ эмасми?

То жихон — Хўб, биттасига тегдим, иккинчиси аламига чидолмай, ўзини-ўзи бир нарса қилиб қўйса нима қиламан?

Тошхон — (кулиб). Ўртоқжон, ваҳма бўбқопсиз.

То жихон — Ростини айтсам, шу кунларда ўзимнинг ҳам бошим қотган, нима қилишимни билмайман. Иккаласи ҳам: „Кимни севасан? Кимни дейсан?“ деб ҳар кун тиқилинч қилишади. Иккаласига ҳам „севмайман“, деб, жавоб бераман. Улар ишонишмайди. Яна тиқилинч қилишади. Шунинг учун кейинги кунларда улардан қочиб юрадиган бўлдим.

Тошхон — Борди-ю иккаласи, хафа бўлмаймиз, биримизни танла деса, қайси бирини танлардингиз? Қайси бирнга тегардингиз?

То жихон — Айтсам, битта-яримтага билдириб қўймайсизми?

Тошхон — Йўқ-йўқ, айтсам, тил тортмай ўлай. Тук-тук (эшик очилиб, Ма'рифат хола чиқади).

Ма'рифат — Ҳой қизим, сувга кетиб сув бўб қолдингми?

Тошхон — Ҳозир, ҳозир... Айтинг.

Ма'рифат — Ҳа, То жихон яхшимисан? Аяларинг омон-эсон ўтирибдими?

То жихон — Шукур.

Ма'рифат — Нега бизникига кемайдиган бўлиб қолдинг? Кегин. (Тошхонга). Мен дарров рансникига чиқиб келаман. Тезроқ бўлақол, қизим.

Тошхон — Ҳозир дедим-ку, кетабермайсизми. (То жихонга) Қани айтинг!

Ма'рифат — Ҳимм... яна, йигитларнинг ғийбатидир. Ҳа, қизи тушмагурлар. Сизларни тезроқ эрга бериб тинчитиб қўймасак, бўлмайдиганга ўхшайди.

Тошхон — Оббо. Шу кексалар ёшларни ишинга аралашмасда. Борадиган жойингизга тезроқ борақомайсизми?

Ма'рифат — Хўб, ойимқиз, мен кетдим. Ишингни тезроқ қил.

Тошхон — Хўб. Хўб. Хўб. Бўлдими? (Ма'рифат кетади) Хўш айтинг.

То жихон — Қўйинг, айтмайман... Кейин айтаман.

Тошхон — Оббо сиз-е. Бўлмаса яхши кўриш тўғрисида гапиринг. Яхши кўрган киши қанақа бўлади? Жазманини кўрганда қанақа аҳволга тушади, шуларни гапиринг.

То жихон — (кулиб). Сиз ҳам битта-яримтани яхши кўринг, биласиз қўясиз.

Тошхон — (юрагига муштлаб). Бу ўлгур юрак эмас, тош бўлса нима қилай?

(Узоқдан Нуғмонжоннинг хиргойиси эшитилади).

То жихон — Ана, жазманингиз келаётибди, ўшандан сўранг, айтиб беради.

(Ширакайф, хиргойи қилиб Нуғмонжон киради. Қизларни кўриб тўхтайдди).

Нуғмонжон — Ялписига салом бердик, чевар қизлар, севар қизлар. *(Қизлар кулади).* Эҳа, ҳали кулги ҳам бўб қолдикми? Тошхон саломберсам алиқ олмайсиз, нима арпангизни хом ўриб қўйдикми?

Тошхон — Вой, вой, нима дейди?!

Нуғмон — Ҳо, нима деганимни билмаётибсизми? Зийрак қиз, тийрак қиз, сийрак қиз.

Тошхон — *(кулиб).* Вой, вой, жинни-минни бўлганми?

Нуғмон — Ишқингизда жинни бўганим рост, аммо ҳали минни бўганим йўқ.

Тошхон — *(жиддий).* Нуғмонжон сал кайфингиз борга ўшайди...

Нуғмон — Сал эмас, анчагина.

Тошхон — Бўлмаса уйингизга, бориб ётинг.

Нуғмон — Парвойингизга кетирманг, мен жуда ҳам ширин ва безор маст бўламан. Бировга зигирча ҳам зарарим тегмайди. Ё, оғзимдан бирор чакки гап чиқдимми?

То жихон — Нуғмонжон бординг, дам олинг. Агар бу аҳволда юрганингизни раис кўриб қолса, хафа қилади.

Нуғмон — Дадамми? Э... хафа қилмаса ҳам хафаман.

Тошхон — Мусобақада ютқизиб қўйганингиз учун аламингизга чидалмай ичиб юрибсиз, чоғи.

Нуғмон — То жихон, ўртоғингизга тушунтириб қўйин, мен унақа майда, енгилтак йигитлардан эмасман. У ютиб чиқди нимаю, мен ютиб чиқдим — нима? Ҳаммамиз ҳам бир колхознинг боласимиз. Ҳаммамиз ҳам бир тупроққа тер тўкамиз, бир бордон мева узиб, бир даладан пахта терамиз.

Тошхон — Бўлмаса нега ичиб юрибсиз? Бунақангги ҳунарингиз йўқ эди-ку?

Нуғмон — Ишқингизга илиндиму, шу ҳунар пайдо бўлиб қолди.

Тошхон — Қочинг-е. Хушомад қилманг.

Нуғмон — Хушомад эмас, тўғриси шу. Мен сизни астайидил яхши кўраман. Сиз эса Бўривойга кўнгил бериб юрибсиз. Бўривойда ишқ нима қилади?

(Қўлида янги гул кўтариб Бўривой киради).

Бўривой — *(дарғазаб).* Раисваччаман деб, ҳаддингиздан ошаберманг!

Нуғмон — Э, шу ердამидингиз? Келинг.

Бўривой — Нима зеновайда бор юрак, омборчида йўқми?

Нуғмон — Сиз юрак, деб, кўтариб юрган нарса юрак эмас, чорак қадоқ гўшт *(қизлар кулади).*

Бўривой — Ўзингизни кўп ақллик қилиб кўрсатаберманг, бизда ҳам ақл бор.

Нугмон — Э, ҳалитдан нега сочингиз тўкилиб кетган, де сам, ақлининг зўрлигидан экан-да.

Тошхон — Йўқ, оғборда кўп юрганларидан куя еб кетган (*қизлар қотиб кулади, Бўривой жаҳл блан қўлидаги гулни ерга уради*).

Бўривой — Ҳали мен сизларга масқара бўлиб қолдимми? (*Нугмонга*) Менинг ҳусним сизникидан кам эмас, олифта йигит.

Нугмон — Йўқ. Жуда хушпичим, чиройлик йигитсиз. Истарангиз иссиқ, тухум пиширса бўлади, (*Кизлар кулади*).

Бўривой — Шошмай туринг, устингиздан раисга ариза бераман (*кетади*).

Нугмон — Ана холос. Ташвиш устига ташвиш. Ҳа майли), бўлганича бўлар.

Тошхон — Энди сиз ҳам сергап бўмаи, боринг.

Нугмон — Хўб, кет, десангиз, кетаман, (*кетатуриб*) лекин шуни яхши билиб қўйингки уволимга қоласиз. Бир кун эмас, бир кун бир қулоч арқон топаман-у, эшигингизни рўбарўсига келиб, ҳў анави дарахтга ўзимни осаман. Кейин пушаймон бўлиб юрасиз (*кетади*).

Тошхон — Мушча тош юраксиз? Бечорага бир оғиз ҳам ширин гап айтмадингиз-а?

Тошхон — (*кулиб*). Баттар бўлсин, ўзига қийин.

Тошхон — (*ўнг томонга қараб*). Вой, Комилжонлар келишатибди, мен кетаман.

Тошхон — Бизникига кирақолаилик.

Тошхон наридан-бери ҳовуздан сув олади ва Тошхон блан уйга кириб кетади. Комилжон блан Қодир киради.

Қодир — Аммо бопладинг.

Комил — Сен ҳам бўш келганинг йўқ.

Қодир — Ҳарқолда пойгани сен олиб чиқдинг, қойилман.

Комил — Э, ҳали кўп беллашамиз. Ишнинг йўғонлари энди чиқадиганга ўхшайди. Раис электр станца, янги клуб, яна алланималар қурмоқчи, икки йилда колхозни жаннатга айлантирмасам, номимни бўлак қўяман, деб юрибди.

Қодир — Аммо лекин расо тинчимайдиган, барака топгур, раисимиз бор-да.

Комил — Ҳа, бир ўйлаган нарсасини қилмасдан қўймайдиган хилидан.

Қодир — Хўш, бу, ўзингни янги уйинг қачон битади?

Комил — Ўлмасам, бу йил кузда битириб оламан.

Қодир — Ҳа, дуруст (*пауза*).

Комил — Юр, уйга кирайлик, гаплашиб ўтираммиз.

Қодир — Раҳмат, ишим бор (*пауза*). Бугун ҳаво жуда исийдиганга ўхшайди.

Комил — Ҳа... ғўзаларга яхши.

Қодир — Шундай...

Комил — Тошхонни кўриб турибсанми?

Қодир — Ҳа... кўриб турибман.

Комил — Нима дейди?

Қодир — Ҳечнарсa демайди... нима эди?

Комил — Мен сенга бирор нарса айтмаганмикан деб, уйлаган эдим...

Қодир — Нима дейяши мумкин?

Комил — Масалан... бизнинг муҳаббатимизга ҳалал берма, дейиши мумкин эди.

Қодир — Менимча буни сенга айтади.

Комил — Астайидил айтчи, менга дўстмисан?

Қодир — Дўстлигимга шубҳанг борми?

Комил — Бўлмаса, дўстлик қилу, йўлямни тўсма.

Қодир — Бошқа ҳамма нарсани сўра, тайёрман. Ҳатто жонингни бер де, берай. Аммо бу илтимосдан воз кеч.

Комил — Ахир қишлоқда қиз кўп-ку, бошқасини севсанг бўлмайдимми?

Қодир — Мен таллаб севолмайман. Мен учун Тожихоннинг севгисидан бўлак севги йўқ.

Комил — У сени севмагандан кейин, сенинг севганингдан нима фойда?

Қодир — У ҳам мени севади.

Комил — Ўз оғзи блан айтдими?

Қодир — Қайси қиз ўз оғзи блан севаман, деб айтар экан?

Комил — Астайидил севса, айтади.

Қодир — Нима, сенга айтдимми?

Комил — Агар сен ўртада турмасанг, айтган бўлар эди.

Қодир — Ўртада турган мен эмас, сен.

Комил — Йўқ, сен.

Қодир — Йўқ, сен.

Комил — Қодир, юрагим блан ўйнашма, оқибати ёмон бўлади.

Қодир — Бу севгидан мени ҳечнарсa қайтараолмайди.

Комил — Ғазабимни кўзгама, кейин пушаймон бўласан.

Қодир — Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор.

Комил — Қодир, ҳаддингдан ошма! (*Урмоққа қўл кўтаради*).

Қодир — (*Комилнинг қўлини ушлаб*). Қўлингга эҳтиёт бўл, ўзингга керак бўлади.

(*Шовқинга Тошхон блан Тожихон чопиб чиқади*).

Тошхон — Ҳой, ҳой, силарга нима бўлди! Бу нимаси? Битта-яримта эшитса нима дейди?

Комил — Тожихон, қонимизга ташна бўлиб кетдик. Ажрим қилиб бер, кимни дейсан?

Тожихон — Иккаларингни ҳам демайман. Худо, хайрларингни берсин, мени тинч қўйинглар.

(*Йиғлайди. Жимлик. Ҳовлиқиб Бўривой киради*).

Бўривой — Нима тўпалон? Шовқинларинг гузарга эшитилаётибди, айб эмасми?

Тошхон — (*энсаси қотиб*). Нимаси айб? Нима, ўғирлик қилаётибдимми, айб бўлса? (*Нуғмон киради*).

Нуғмон — Ким у, ўгирлик қиладиган. Мен ўшаларни бир кўриб қўяй.

Тошхон — Оббо, энди бир кам сизмидингиз? (*Секин-аста колхозчилар тўпланишабошлайди*).

Колхозчилар — Нима гап? Кимни ким урибди?

Тошхон — Ҳечгап йўқ. Ҳечкимни ҳечким ургани йўқ.

(*Бир ёқдан Ма'рифат, иккинчи ёқдан Нурмат киради*).

Нурмат — Нима жанжал? Нима ғавғо? Агар кучга тўлиб юрган бўлсаларинг, кучларингни майдонда кўрсатинглар! Жанжалнинг каттаси чиқиб қолди (*ҳамма жим, ҳамма ҳайрон*).

Ма'рифат — Нима гап раис?

Нурмат — Уруш. Немис бизга қарши уруш очибди.

Ма'рифат — Уруш? Вой шўримиз қурсин, энди нима бўлади?

Нурмат — Нега шўримиз қурир экан? Сталин бор, шўримиз қуримайди. Худо хоҳласа, немисни шундай адабини берамизки, келганига минг-минг пушаймон бўлади. Қани, ҳамма чойхонага тўплансин!

Ҳамма чойхонага кетабошлайди.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

1. КўРИНИШ

Фронт. Ўрмон. 1943 йилнинг қиши. Олдинги линия. Блиндаж. Разведкачилар бўлимаси дам олмоқда. Деворда автоматлар осибди. Ўртада стол, атрофида тунгак ва ёғочдан нари-бери қилинган курси, скамейкалар. Бир чекада темир бочкадан қилинган печка. Узоқдан тўп, самолёт овозлари эшитилиб туради. Миша тажннг, папирос чекиб утирибди. Комилжон хат ёзиш билан овора.

Миша — Хўш, Тоживой нега ўлди?

Комил — Ажали етибди-да.

Миша — Қанақа ажал экан, у, бевақт келаберадиган?

Комил — Ажал сендан вақтини сўраб ўтирмайди.

Миша — Хўш, фарз қилайлик, немис потиллатиб отиб келаётибди. Бордю, мен ўзимни йўқотиб отмасдан гўдайиб турабердим. Ёки кўрқиб бирор пана жойда пусиб ётдим. Нима бўлади? Немис келиб шартта отади-ю, қўяди. Шу ҳам ажал бўладими?

Комил — (*эси-ҳуши хатда*). Албатта.

Миша — Э, суф еандақа пайгамбарга! Бу ажал эмас, ажалдан беш кун бурун ўлиш бўлади. Ажал эмиш. Урушда ажал бўлмайди. Ажал кўрқоқларга баҳона. Тоживой ажалдан эмас, кўрқоқликдан ўлди. Агар у, жанг вақтида жонини кўрғаб, ўртоқларига хиёнат қилиб, тўнканинг орқасида, бошини кафтига қўйиб ётмаса, тепасига бостириб келаётган немисни кўрарди,

отиб ўлдирарди, ўзи саломат қоларди. Немис ҳам анойн эмас, тайёрга айёр, қарайдики, душмани мукка тушиб, ўлимга тайёр бўлиб ётибди, елкасидан варанг эткизиб бир ўқ узди-ю, кета берди.

Комил — Тўғри.

Миша — Нимаси тўғри?

Комил — Гапларинг тўғри.

Миша — Бўлмаса, нега ажал, ажал дейсан?

Комил — (кулиб). Тавба қилдим. қутилдимми?

Миша — Жангга кирдингми, қўрқувни унут. Ўлишни эмас, ўлдиршни ўйла. Миянгни ишлат, ҳийла блан душманга панд бер. Ботир бўл, немисни дириллатиб қув, қийқиртириб қир. Ўшанда ажал яқинингга йўламайди. Ажал ботирдан безади, қўрқоқни эзади қўрқдинг тутилдинг, қўрқмадинг қутилдинг. Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади, ўликдан нима кутиб бўлади?

Комил — (хатни конвертга солаётиб). Аммо лекин, Миша, кун совуқ бўлса, ёмонам жағинг очилиб кетади-да.

Миша — Совуқдан эмас, бекорчиликдан. Ахир бўлинмамизнинг дам олаётганига бугун расо беш кун бўлди. Шунақангга беш кунки, жониворнинг ҳарбири йилга тенг. Шу беш кун ичида дун'ёда нималар юз бермади, дейсан. Қанча-қанча шаҳарлар озод қилинди, қанча-қанча қишлоқлар олинди, қанча-қанча немис жаҳаннамга кетди. Биз эса ер тўлага кириб, дам олиб ётибмиз.

Комил — Нима, бир ой сурункасига жанг қилиб, беш кун дам олишга ҳаққимиз йўқми?

Миша — Немисни батамом бартараф қилмагунча дам олиш керак эмас.

Комил — Зерикибсан, жинивой, сен ҳам хат ёз.

Миша — Кимга?

Комил — Кимга бўларди, масалан ота-онангга!

Миша — Отам осилган, онам отилган бўса-чи?

Комил — (ноқулай вазиятга тушади). Ундай бўлса ака-уканг, опа-синглинг бордир.

Миша — Яккаю-ягона синглим бор эди, уни ҳам немислар чўри қилиб Германияга ҳайдаб кетибди. Хат ёзадиган ҳечкимим қолмади.

Комил — (ҳаяжонда). Ахир, нега шу чоққача бир оғиз айтмадинг?

Миша — Мен ҳасрат қилишни ёмон кўраман.

Комил — (огир вазиятда). Кечир, Миша... билмай ярангни янгилаб қўйдим.

Миша — Ярам эскирган эмас. Бундай яралар ҳечқачон эскирмайди.

Комил — Немисга бу қадар ўчлигининг сабабини энди билдим.

Миша — Янглишнинг (қизиб). Сен мени, немис ота-онасини ўлдиргани ва синглисини Германияга ҳайдаб кетгани учунгина уришиб юрибди, деб ўйлайсанми? ҳўш, сен нима учун уришаётибсан? Сен нега немисга ўчсан! Ахир немис сенинг ота-онангни ўлдир-

гани йўқ-ку? Айт, нима учун тиззангдан қон кечиб жанг қилиб юрибсан?

Комил — *(шошади)*. Чунки мен жангчиман. Ватанни душмандан ҳимоя қилиш жангчининг муқаддас бурчи.

Миша — Мен кимман?

Комил — Ким бўлардинг сен ҳам жангчисан.

Миша — Бўлмаса нима учун мени фақат ўз оиласининг хунини олиш учунгина уришиб юрган кекчи, шахсиятпараст деб ўйладинг?

Комил — Душмандан ота-онасининг хунини олган киши шахсиятпараст бўладими?

Миша — Ватанимизнинг тақдири қил устида турган бир пайтда, совет кишиларининг бошига оғир кулфатлар ёғилган бир вақтда, ўз оиласининг гамини ейиш ва ўз оиласининг хуни учунгина жанг қилиш, албатта шахсиятпарастлик бўлади.

Комил — Нима, сенинг ота-онанг, синглинг совет кишилари эмасмиди?

Миша — Учта совет кишиси блан икки юз миллион совет кишисининг орасида катта фарқ бор.

Комил — Халқ блан оилани бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Оилалар йиғилиб халқ бўлади. Масалан, фараз қилайлик, агар халқ катта бир чаман бўлса, оила унинг гуллари. Гул бўлмаса чаман йўқ.

Миша — Аксинча, чаман бўлмаса гул йўқ, битта-иккита гулнинг қуриши блан чаманга завол етмайди. Бир гул қуриса, иккинчиси кўкаради. Бир гул тўкилса, иккинчиси очилади. Аммо чаман қуриса, гулдан ному-нишон қолмайди.

Комил — Бундан чиқдики, чаманда синдирилган гулнинг қадри-қиммати йўқ экан-да? Синдирилган гул учун ҳечким жавоб бермас экан-да?

Миша — Йўқ. Синдирилган ҳарбир гул учун жанобий Германия жавоб беришга мажбур *(девордан автоматни олади)*. Мен синдирилган ҳарбир гул учун ўнта фашистнинг жонини олишга онт ичганман! *(Эшикка томон юрабошлайди)*.

Комил — Қаёққа?

Миша — *(ўзига келиб тўхтайдди)*. Ҳечёққа... *(автоматни жойига қўйиб, ўтиради)*.

Комил — Кечир, яна асабингга тегдим.

Миша — Гап асабда эмас. Уруш туфайли ҳаммамиз ҳам асабийлашиб қолганмиз.

Комил — Хусусан, сен.

Миша — Эҳтимол шундайдир *(пауза)*. Тентак, сен ўйлайсанки, мен учун оиланинг аҳамияти йўқ. Агар шундай деб ўйласанг яна янглишасан. Ахир мен ҳам инсонманку! Қайси инсон ота-онасини севмайди? Ота-онамнинг доғи ҳали юрагимдан кетган эмас. Жангга кирар эканман, улар доимо кўз олдимда туради. Уларнинг қасосини душмандан албатта оламан. Аммо мени аёвсиз жангга чақиручи фақатгина ота-онамнинг қасоси десам, ўзимга хиёнат, ота-онамнинг руҳига ҳақорат қилган бўлар эдим. Ахир

сен блан биз ҳаммадан бурун икки юз миллион кишининг ҳаёти ва саодати учун жавобгармиз. Ҳарбир оиланинг тақдири халқ тақдирига боғлиқ. Халқ бахтиёр бўлмас экан, оилага бахт йўқ.

Комил — Шундай.

Миша — Шундайлигини билсанг, иккинчи мени ҳақорат қилма. Менинг юрагимда икки юз миллион кишининг муҳаббати бор. Немисга ўчлигимнинг асосий сабаби шу.

Комил — (кулиб). Юрагимда икки юз миллион кишининг муҳаббати бор, дейсан-у, хат ёзадиган битта ҳам кишинг йўқ.

Миша — Нега, истасам топилади. Юртимизнинг қайси бурчагига хат ёзмайин, жавоб келишига ишонаман.

Комил — Бўлмаса нега ёзмайсан?

Миша — (кулиб). Ҳайронман. Қани, бўлмаса, битта-яримта адрес бер, ёзиб кўрай.

Комил — Яхши. (Адрес ёзиб беради). Мана, колхозимизнинг адреси.

Миша — (адресни олади). Кимга ёзаман?

Комил — Кимга? Масалан, Тожиҳон Каримовага.

Миша — Тожиҳонинг ким?

Комил — Ўзбекда бир мақол бор: узумини е, боғини суриштирма.

Миша — Ахир, кимлигини билай-да, ўшанга қараб ёзаман. Бўлмаса чатоқ бўлади. Мана мен сенга қизиқ бир воқияни айтиб бераман. Бир полкда иккита ўртоқ бор экан. Биттаси-биттасидан: „Менга қишлоғингдаги энг чиройли қизнинг адресини бер, хат ёзиб ғойибона танишай“ дебди. Униси адресини берибди. Буниси кўз олдига 18 ёшар чиройлик бир қизни келтириб туриб, жим-жимадор қилиб хат ёзибди. Хатнинг охирида: „Мумкин бўлса суратингизни юборинг. Тоқатсизлик блан кутаман“ дебди. Хат олган ҳам шинаванда экан, хатга қўшиб суратини юборибди. Бир маҳал йигит ҳовлиқиб конвертни очиб қараса, ичидан бир кампирнинг сурати чиқибди. (Кулишади). Кейин билса ўртоғи ҳазиллашган экан. Яна мен ҳам шундай бўлиб юрмай?

Комил — (кулиб). Йўқ, бу қиз... жуда яхши қиз... Биз қишлоқдан кетганимизда 18 ларга кирган эди, ҳозир 21 ларда...

Миша — Ундай бўлса, майли. (қоғоз қалам олиб). Хўп, нима деб ёзаман?

Комил — У... сенинг ишинг (Миша хат ёзишга тушиб кетади). Аксига юриб букун почталёон ҳам келмади. Бу жангчилар қаёққа кетишди?

Миша — (хат ёзишда давом этиб). Нариги землянкада зиёфат бўлаётибди. Ўша ерда. У ер иссиқ.

Комил — (печкага қараб). Тамом ўчибди. Қодиржон ўтинга кетиб, ўтин бўб қолдимми?

(Алоқачи киради).

Алоқачи — (Комилжонга). Ўртоқ Қўлдошев, сизни лейтенант Петров чақираётибди.

Комил — Ҳозир. (хатни Мишага бериб). Агар почталёон келиб қолса, бериб юбор.

(Комил алақачи блан кетади. Миша хатни ёзиб тугатади. Концертга солиб адрес ёзади. Бир қўлтиқ ўтин кўтариб Қодир киради. Утинни печканинг олдига ташлайди).

Қодир — *(қўлига ҳуҳлаб иситади)*. Ёспирай, назаримда совуқ минг градусга чиқиб кетганга ўхшайди.

Миша — Талқон ёб, сени сувга юборадиган экан, оғайни. Бунча ҳаялладинг?

Қодир — Бир дарахтнинг остида ўтириб олиб ўй ўйладим.

Миша — Шу совуқда қанақа ўй?

Қодир — *(ҳаяжон блан)*. Йўқ, ўзинг ўйлаб қара, сен блан бизга ҳеч гап эмас. Устимиз бутун, қорнимиз тўқ, қуролимиз шай, қиладиган ишимиз битта: жанг. Уруш орқасида қолганларга жабр бўлди. Урушнинг бутун машаққати ўшаларнинг гарданида. Забардаст йигитларнинг ҳаммаси жангда. Колхозда хотинхалаж, бола-чақа, чолу-кампирлар қолган. От-улов, машина трактор оз, вазифа кўп. Иш оғир. Турмуш оғир... Эҳтимол кийим-кечакдан танқисдирлар... Эҳтимол ба'зан ялчиб овқат ейиш мас... Аммо бизни деб, кечаю-кундуз меҳнат қиладилар.

Миша — Ҳа, уларга оғир... жуда ҳам оғир...

Қодир — Шуларни ўйлаб ичим ачишди. Немисларга газабим ортади. *(Пауза)*. Қаҳрамон, мард деймиз. Менимча қаҳрамон деб ўшаларни айтса бўлади. Қани, юрагим жуда сиқилиб кетди, ичадиган бирор нарсанг борми? Комил қаёққа кетди?

Миша — Лейтенант Петров чақирибди... *(бир чекадан чорак бутилка ароқ олиб келади)*. Мапа, бори шу. Арра қиламан.

Қодир — Йўқ, учга бўл, Комилжонга ҳам қолдирамин.

Миша — Комилжонсиз томоғингдан ўтмайдимми?

Қодир — *(кулиб)*. Ўтмайди.

Миша — *(ароқни учга бўлиб қуяди)*. Соғлиққа! *(Ичишади)*. Мен сизларга сра ҳам тушунолмайман. Сирдан қараганда бир-бирларингга ёв кўринасизлар, аммо зимдан бир-бирларингга жуда меҳрибонсизлар. Ўзи нима гап? Қандай сир бор?

Қодир — Ҳечқандай сир йўқ... Мен Комилни яхши кўраман. Аммо у мени ёмон кўради.

Миша — Сабаб?

Қодир — Биз, иккаламиз ҳам бир қизни яхши кўрамин. Аммо қиз қайси биримизни хоҳлайди, бизга малум эмас. Менинг назаримда қиз мени яхши кўради-ю, Комилни андиша қилиб, менга кўнглини айтмайди. Комилнинг назарида эса, қиз уни яхши кўрадию, мен ўртада ғов. У ғовни ўртадан кўтариб ташлаб, ўз бахтига эришмоқчи. Биз, шу муҳаббат жўпидан, урушнинг бошида қаттиқ айтишиб қолган эдик. Шундан бери мана уч йил бўлди, ўртадаги кўнгилсизлик давом этиб келади.

Миша — Ундай экан, бир-бирларингга ён бериб қўяқолсаларинг бўлмайдимми?

Қодир — Қандай қилиб? Ён бериш учун ё у муҳаббатидан воз кечиб, менга йўл бериши керак, ё мен. Ахир ким муҳаббатидан воз кечаолади? Ким юрагини кесиб ташлайолади? Ахир муҳаббат буюм эмаски, уни бировга бериб юборсанг?

Миша — Ахир, барибир, бир кун эмас, бир кун ё у сенга, ё сен унга йўл беришга мажбур бўласизлар-ку!

Қодир — Буни қиз ҳал қилади. *(Почтальон киради).*

Почтальон — *(кирар-кирмис)* Қодир Рустамов!

Қодир — Лаббай.

Почтальон — Сизга хат *(кулиб)* яна Тожихондан. *(Қодир хатни олади)* Комилжон йўқми?

Миша — Йўқ, хат бўлса менга берақолинг, бериб қўяман.

Почтальон — *(Мишага Комилжоннинг хатини беради)*. Бу ҳам Тожихондан.

Миша — *(Қодирга)*. Ёалҳазар! Бундан чиқдики, можаронинг гуноҳкори Тожихон экан-да?

Қодир — *(Мишага жавоб бермай, кетмоққа шошилаётган почтальонга қараб)*. Агар малол келмаса, мана шу хатни ола-кетсангиз.

Почтальон — *(кулиб)*. Ҳойнаҳой бу ҳам Тожихонгадир? *(хатни олиб адресига қарайди)*. Умрим сизлардан Тожихонга, Тожихондан сизларга хат ташиб ўтадиганга ўхшаб қолди.

Миша — Бўлмаса бизда ҳам Тожихонга иккита хат бор. *(почтальонга хатларни беради)*. Манави Комилжондан, манависи мендан. *(Қодир таажжуб билан Мишага қарайди)*.

Почтальон — Демак, Тожихоннинг жазмани учта бўлди, деб ҳисоблаймиз. *(Кулганича чиқиб кетади)*.

Қодир — Сен Тожихонни қаёқдан биласан?

Миша — Рашқинг келдими? Эски қадирдонмиз.

Қодир — Ҳазилингни қўй, адресни қаёқдан олдинг?

Миша — Топдим-да, ўғрига мол қаҳатми?

Қодир — Нима деб ёздинг?

Миша — Иккала жимит, жанжалкан ошиқни ҳам баҳридан ўт, можародан қутил, сени ўзим оламан, деб, ёздим. *(Кулишди. Қодир хатни очиб ўқий бошлайди)*. Овозингни чиқариб ўқи, мен ҳам эшитай.

Қодир — Мен бировнинг хатини бировга ўқиб беришни ёқтирмайман.

Миша — Мен ҳам, ичингда ўқийбер. *(Қодир хатни ичида ўқийди. Хурсанд бўлади. Кулади. Хатни буклаб қўйнига солади)*.

Қодир — *(Хаёлчанг)*. Ўша-ўша мулойим, илиқ, юракка дал-да беручи, аммо мужмал жавоб.

Миша — Мен сендан хатнинг мазмунини сўраганим йўқ.

Қодир — Мен ҳам сенга айтаётганим йўқ.

Миша — Бўлмаса Комилга нима деб ёзди экан?

Қодир — Одатда биз бир-биримизга хатимизни кўрсатмаймиз. Аммо биламанки, унга ҳам худди шундай жавоб қилади. Бечора қиз. Иккаламизнинг ҳам кўнглимизни синдиришни истамайди. Бир ҳисобда шуниси ҳам ма'қул. Очиқ жавобни урушдан сўнг

колхозга бориб эшитганимиз яхши. Умид яхши нарса, хусусан жанг вақтида. Умид юракга далда беради. Қоқилсанг суяйди, йиқилсанг кўтаради. *(Эшикга қараб йўл олади).*

Миша — Йўл бўлсин?

Қодир — Хурсанд бўлган вақтларимда ертўлага сиғмай кетаман. *(Чиқиб кетади).*

Миша — *(орқасидан.)* Жиннивой... Ажойиб йигитлар... Олтин йигитлар...

(Миша бир чекадан букланган катта қоғоз олиб очади ва унга нималарнидир чизабошлайди. Уйга толади. Фингиллаб ашуда айтади. Комил киради. Унинг юзи жиддий).

Комил — Мана, дам олишдан зерикаётган эдинг, қутилдинг. Бугун кечаси муҳим бир разведкага борар эканмиз.

Миша — *(хурсанд).* Жуда соз.

Комил — Миша... сендан бир илтимосим бор.

Миша — Хўш?

Комил — Командирга айт, Қодирнинг ўзидан илтимос қил, иш қилиб қандай йўл блан бўлмасин, Қодирни шу разведкадан қолдир.

Миша — *(ҳайрон).* Сабаб?

Комил — Сабабини кейин айтаман. *(Устолдаги ароқни кўрсатиб.)* Бу нима?

Миша — Ароқ ичасанми?

Комил — Майли, бер.

(Миша ароқни қуйиб беради, Комил ичади).

Комил — *(уйчан).* Мен урушдан аввал янги иморат бошлаган эдим. Қолиб кетди. Ўйласам ичим ёнади.

Миша — Урушдан кейин битириб оласан, хафа бўлма.

Комил — Қандай қилиб хафа бўлмайсан, бошлаган ишнинг чала қолса?

Миша — Бўлмаса мен ёрилиб ўлишим керак экан-да! Уруш туфайли сенинг иморатинг чала қолган бўлса, менинг бутун мошлқ қишлоғимдан ному-нишон қолмади. Аммо мен хафа бўлбайман. Чунки урушдан кейин, аввалги қишлоққа қараганда минг чандон яхши қишлоқ солиб олишимизга кўзим етади.

Комил — *(Миша чизаётган планга зеҳн солиб).* Бу нима?

Миша — Бўлажак янги қишлоғимизнинг генеральний плани. *(Комил қизиқиб қарайди).* Мана бу, Ленин кўчаси. Мана бу Сталин кўчаси. Мана бу кўчанинг номини Ғалаба, деб қўяман. Мана бу ерга клуб, мана бу ерга мактаб, мана бу ерга колхоз идораси тушади.

Комил — *(қулади).* Друст!.. Яхши ният ярим мол.

Миша — Йўқ, бу бутун мол. Шундай бўлиши керак ва худди ўша ёндирилган қишлоғимизнинг ўрнига қурамиз. Ўт қўйганлар ҳасаддан ёрилиб ўлсин.

Комил — Бу сельсоветнинг иши... Сельсоветга ким раис бўлади, қаёқдан биласан, жиннивой?

Миша — Ўзим биламан.

Комил — Сайлашмасачи?

Миша — Ариза бераман, моянасиз ишлайман, дейман, иш қилиб бўламан (кулишади).

Комил — Лекин сенга қойилман. Темирсан. Миша Темирсан, сени на фожиалар синдираолади ва на ўлимлар. Сенинг билганинг-билган. Турмушда асти хафа бўлмаслик керак. Хусусан разведка олдиан. Почтальон кемадими?

Миша — (ёнидан хат чиқариб). Ҳа келди. Мана сенга хат. (Комил хатни очиб ичида ўқийди. Хурсанд бўлади. Кулади)

Комил — (Хатчи буклаб ёнига солаётиб). Уша-ўша мулоийм далда берадиган, аммо мужмал жавоб... (жонланиб ўрнидан туради.) Қани, бир печкани ёкиб юборай, йигитлар ҳам келиб қолишар. (Печкани ёқади). Оғайни битта аччиқ чой ичсак қалай бўлади?

Миша — (ишини йиғиштираётиб). Чойми? Мумкин... Лекин шу топда ғалати, антика бир нарса егим бор. Бу дунёнинг нарсаси бўлмаса.

Комил — Анор кетадими?

Миша — Анор? Бу ерда анор нима қилади?

Комил — Узумини е, боғини суриштирма деганлар. Хоҳлайсанми?

Миша — Кошки. Дунёда яхши кўрган нарсанинг бири—анор.

Комил — Кеча посылка олиб эдим (бир чекадан посылка олиб келади). Аммо ҳали очиб кўрганам йўқ.

Миша — Бўлмаса ичида анор борлигини қаёқдан билақолдинг?

Комил — Посилка онамдан. Онам анорсиз посылка юбормайди. Менинг анорга ўчлигимни билади.

Миша — Ие, анави қара. Иккаламизнинг ҳам та'бимиз бир экан-да. (Посилкадан анор ва бошқа мевалар чиқади. Меваларни стол устига қўядилар. Иккаласи ҳам хурсанд).

Миша — Ана бу жойида бўлди.

Комил — (анорни сўяётиб). Фарғона анори. Бай-бай, жонивар.

Миша — Емасдан бурун одамнинг оғзидан сувини келтиради-я. Урушдан кейин ҳам менга анор юбориб турасанми?

Комил — Ўлмасам. Қани, ол.

(Жангчилар киради).

I-жангчи — Ўхў, яна зиёфатнинг устидан чиқиб қолдик-ку!
Комил — Келинлар, келинлар! Қаёққа йўқолиб кетдиларинг? Землянкамиз хувиллаб қолди. Марҳамат Фарғонанинг анори!

II-жангчи — Раз зиёфат бўлгандан кейин, каттароқ бўлсин. (Жангчилар ҳарбир бурчакдан нарсалар келтириб столга қўядилар).

I-жангчи — Бошқирдистоннинг боли.

II-жангчи — Олмаотанинг олмаси.

III-жангчи — Қирғизистоннинг қазиси.

IV-жангчи — Ереваньнинг ароғи.

V-жангчи — Гуржистоннинг виноси.

Миша — Бундан чиқдики, ҳаммаларнинг ҳам посылка олган экансизлар-да? (*Жангчилар кулишади, столнинг атрофига ўтирадilar*). Бўлмаса хизмат мандан. (*Идишларга ароқ, вино қуяди. Қодир киради*). Ҳа, яхши келдинг, ҳозир сени йўқлаб туриб эдик.

Қодир — Кимнинг тўйи бўлаётинди? (*Ўтиради*).

Миша — Дўстларнинг! Қани, кўтаринглар! (*Ҳамма идишларни қўлга олади*). Дўстликка ва дўстларнинг соғлиғига. (*Ичишади*). (*Попов блан Петров киради. „Встать“, ҳамма ўрнидан туриб, смерно вазиятини олади*). Ўртоқ капитан разведкачилар бўлинмаси дам олмоқда.

Попов — Ўтиринглар. Ўтиринглар!.. Ўхў, зиёфат катта-ю. (*Петровга*) зиёфатнинг устидан чиқиб қолибмиз-ку.

Петров — Столдаги нарсалар бу дунёнинг нарсалари эмас. Ўтиринглар, ўтиринглар.

Миша — (*Уларни столга таклиф қилиб*). Марҳамат.

Попов — Ўтирабериинглар. Баҳузур...

Комил — Биз блан бир рюмка, бир рюмка нчмасаларингиз хафа бўламиз, ўртоқ командир.

Попов — (*кулиб Петровга мурожаат қилади*). Хўш, ўртоқ Петров, бу ҳақда сизнинг фикрингиз қалай?

Петров — (*кулиб*). Майли, йигитларнинг сазоси ўлмасин. (*Ўтиришади. Бошқалар ҳам ўтирадilar. Миша идишларга май тўлдиради*).

Миша — Қани, ўртоқ капитан бир нарса денг, улуғимиз сиз.

Попов — (*қандақ кўтариб*). Галаба учун! (*Ҳамма ичади*). Хўш, қалай дам олдиларингиз?

Миша — Яхши дам олдик. Ўртоқ командир.

Попов — Жуда соз... (*жиддий қиёфа олади*). Бўлмаса шу блан дам олиш тамом бўлди. Сизнинг бўлинмангиз бугун кечаси муҳим бир вазифани бажариши керак. Вазифа муҳим, жиддий... Бу вазифа биздан маҳорат, садоқат ва ботирликни талаб қилади. Юрагида жиндак шубҳа ва қўрқув бўлган киши, бундай оғир вазифани бажаришга қодир эмас. Бу ишда талабгорлик керак. Ким талабгор? (*Ҳамма жангчи баравар ўрниларидан турадilar*). Раҳмат, ўтиринглар. Жангчи Комилжон Қўлдошев, сизни разведкачиларга командир қилиб белгилайми. Разведканинг жавобгарлиги сизнинг бўйингизда.

Комил — (*ўрнидан туриб жавоб беради*). Советлар Иттифоқи-га хизмат қиламан.

Попов — Раҳмат. (*Ўрнидан туради. Бошқалар ҳам турадilar*.) Разведканинг мукамал планини штаб начальнигидан оласиз.

Комил — Есть!

Петров — Ўртоқ жангчилар, бу муҳим вазифани бизга шахсан дивизия қўмондонининг ўзи топширди. Хотирингизда тутинг. Дивизиямизнинг тақдири, разведкангизнинг натижасига боғлиқ. Эҳ-

тиёт бўлинг, ҳуш'ёр бўлинг, аммо топшириқни шараф блан бажаринг.

Жангчилар — (баравар). Советлар Иттифоқига хизмат қиламиз.

Попов — Балли азаматлар. Ҳозирча дам олинглар, зиёфатни давом этдириглар. (Соатига қараб). Ҳали ихтиёрингизда тўрт соат бор. Ўртоқ Қўлдошев, сиз якки соатдан кейин штаб начальнигининг ҳузурида бўлинг.

Комил — ЕСТЬ! (Попов блан Петров кетишга йўл оладилар). Ўртоқ капитан, бир илтимосим бор, мумкинми?

Попов — Марҳамат.

Комил — Разведкага борадиган жангчиларни ўзим таллаб олам. (Тушунмай ҳамма бир-бирига қарайди).

Попов — (жангчиларни кўрсатиб). Менимча ҳаммаси танланган.

Комил — Қодир Рустамовдан бўлак. (Қодир ҳаяжонда ҳамма унга қарайди).

Попов — Нима демакчисиз?

Комил — Мен унинг биз блан бирга боришини истамайман.

Попов — Таажжуб... (Қодирга). Сиз нима дейсиз?

Қодир — Менинг учун Комил Қўлдошевнинг хоҳиши эмас, командирнинг буйруғи муҳим. Мени разведкадан қолдирмаслигингизни илтимос қиламан. Мен ҳечқачон бировнинг шуҳратига ҳалал берган эмасман ва бу сафар ҳам ҳалал бермайман.

Комил — Гап шуҳратда эмас... Менинг тушунишимча бу разведка олдига қўйилган вазифани фақат мард йигитларгина бажараолади.

Попов — Менимча, Қодир Рустамов, мардлиги блан донг чиқарган жангчиларимизнинг бири.

Комил — Мен унинг мардлигига шубҳа қиламан.

Қодир — Одамларнинг шубҳаси блан мардликнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мардлик жангда билинади. Ўртоқ капитан, сиздан ўтиниб сўрайман, разведкадан мени маҳрум қилманг.

Комил — Агар разведканинг жавобгарлиги менинг бўйнимда бўладиган бўлса, ихтиёримга қўйиб беришингизни сўрайман.

Попов — (жиддий). Урушда кишиларнинг ихтиёрига қараб иш қилинмайди. Жанг шароитида ихтиёр эмас, буйруқ ҳукмрон. Қодир Рустамов сиз блан бирга боради. Тамом!

Комил — Буйругингизни эшитаман, ўртоқ капитан.

Попов — (Петровга). Кетдик. (Кетадилар).

Петров — (кетаятиб). Комилжон бир минутга. (Комилжон Петров блан бирга чиқиб кетади. Ноқулай жимлик. Жангчилар қуролларини кўздан кечириш блан шуғулланади. Миша утириб анор ейишни давом этдиради. Қодир асабий).

Қодир — (Мишага). Кўрдингми на қадар шуҳратпараст... Емон кўрган кишини ерга урса, обруйини тўкса, руҳини туширса, тиз чўкишга мажбур қилса. Тиз чўкдириб бўпти! Мен унга кўрсатиб қўяман ким мард, ким номард!

Миша — Қизишма. Разведка олдидан қизишиш ярамайди.

Борадиган бўлдинг, бўлди-да. Шу минутдан бошлаб бошингдан ҳамма нарсани чиқариб ташла фақат вазифани ўйла. Ҳарқанча ғазабинг бўлса, немисга қарат. Ҳарқанча заҳаринг бўлса немисга соч.

Қодир — Ахир қандай қилиб қизишмайсан, яқин деб, ўзимники деб, билган кишинг ўтмас пичоқ блан бўғизлайберса. Бунда надиёнат бор, на муҳаббат, на дўстлик бор ва на одамгарчилик!

(Қомил кириб Қодирнинг сўзларини жим тинглайди. Қодир ғазаб блан эшикка чиқиб кетади).

Миша — Нега қаттиқ тегдинг? Қасдингни шунақа вақтда оласанми?

Қомил — *(идишга ароқ қуйиб индамай ичади)*. Менинг немисдан бўлак ҳечкимда қасдим йўқ. Ҳовлиқмалигини, асабийлигини кўрдингми? Жангда ҳам худди шундай гувиллаб ёнади. Ўзини ўтга, сувга уради. Эҳтиёт бўлиш деган нарсани билмайди. Ҳолбуки разведкада, айниқса бу разведкада эҳтиёт шарт. *(Юракдан)*. Миша, мен унинг ҳалок бўлишини истамайман... Шунинг учун уни бу хатарли разведкадан қолдирмақчи эдим.

Қодир — *(тез кириб)*. Ёлғон! Сўзларига ишонма, Миша! Командир олдида ўз сўзини ўтказолмагандан кейин йўл қилаётибди. Бечоранинг менга юраги ачибди. Менга ҳимоячи керак эмас! *(Тез чиқиб кетади)*.

Миша — *(Орқасидан)*. Қодир-Қодир! *(Қомил оғир вазиятда бошқни кафтига қуйиб жим қолади)*. Кел, бўлар иш бўлди, диққатбозликни қўй! Қани, ҳой йигитлар. Келинлар, зиёфат чала-қолмасин. Разведка олдидан хурсанд бўлиш керак. *(Землянканинг олдига келиб чақиради)*. Қодир, ҳо Қодир тез кел! Зиёфат совиб қолди *(жангчилар яна столнинг атрофига ўтирадилар)*. Қодир ҳам кириб ўз жойини эгаллайди. Идишларга вино, ароқ қуйилади). Қани *(Ҳамма идишларини олади)* топширилган муҳим вазифани шараф блан бажариш учун! *(Ҳамма қадах кўтарлади)*.

П а р а.

II. ҚўРИНИШ

Ўрмон. Қор. Узокда шовқин. Ўқ овозлари эшитилади. Ўқ овозлари борган сари яқинлашаборлади. Бироздан сўнг оқ кийим кийган Миша қўли орқасига боғланган асирни — немис офицерини олдига солиб ўтиб кетади. Оралан бироз вақт ўтади: Отишма зўраяди, сўнг сусаяди. Оқ кийим кийган Қодир ва Қомил киради. Қодирни т қўлида Қомилнинг автомати, белида гранаталар. У оғир ярадор бўлган Қомилни суяб киради.

Қомил — *(оғир ҳонсираб)*. Тухта!

Қодир — Сабр қил, фурсат ўтмасин.

Қомил — Барибир фурсат ўтди. Ерга қўй. *(Қодир Қомилни дарахтга суяб ўтқизади)*. Неча киши қолдик?

Қодир — Уч киши.

Қомил — Аттанг... *(ҳояжонда)*. Миша тирилки?

Қодир — Ҳа...

Комил — Қани?

Қодир — Буйруғингга мувофиқ асирни олиб кетди.

Комил — Ҳайрият... хужжатлар қани?

Қодир — Менда.

Комил — Яхши.

Қодир — Энди, дурустмисан?

Комил — Бироз.

Қодир — Икки мартаба ҳушингдан кетиб, икки мартаба ҳушингга келдинг.

Комил — Немислар қолдимиз?

Қодир — Йўқ, орқамиздан қувиб келишаётибди.

Комил — (ҳояжонда). Автоматимни бер.

Қодир — Қаршилиқ кўрсатишинг фойдаси йўқ. Ўқимиз оз шошилиш керак. Бўлмаса қуршовда қоламиз.

Комил — Автоматни бер. (Қодир Комилга автоматни беради). Гранатдан борми?

Қодир — Бор.

Комил — Бер (Қодир камаридан иккита граната олиб Комилнинг олдига қўяди). Энди, мени шу ерда қолдириб, тез жўна.

Қодир — (даҳшатда). Комил нима деяпсан? Комил...

Комил — Буйруғимни эшит, фурсат ўтмасин. Мен ўқ узиб немисларнинг диққатини ўзимга тортиб тураман. Сен пайтдан фойдаланиб, қувғиндан қутилиб кет.

Қодир — Комил! Бу мумкин эмас!

Комил — Мендан умидингни уз... Мен барибир ўламан.

Қодир — Мен ҳам сен блан бирга ўламан.

Комил — Фойдасиз қурбон кимга керак? Командирнинг сўзи ёдингдан чиқдимиз? Дивизиямизнинг ҳаёти разведкамизнинг натижасига боғлиқ. Шунча қурбон бериб топшириқни бажардик. Немис штабининг тор-мор келтирдик. Муҳим хужжатларни қўлга киргиздик, энди мени деб разведканинг натижасини йўққа чиқармоқчимисан? Бу хиёнат бўлади. Тез жўна!

Қодир — Ахир сени тириклай немисга ташлаб кетолмайман.

Комил — (автоматни тўғрилаб). Буюраман, жўна! Бўлмаса холи сифатида отиб ўлдираман.

Қодир — Майли, от! Сени душман қўлига ташлаб кетгандан кўра ўлим яхшироқ! (Немислар яқинлашиб келадилар. Айрим немисча сўзлар, боқириқлар эшитилабошлайди. Комил ҳояжонда).

Комил — (ялинади). Дивизиямизнинг ҳурмати, жанговар дустлик ҳурмати, кет. Қодиржон... буюраман... сўрайман... ялинаман, мени қийнама. Мишага ёрдам бер. Хужжатларни ва асирни штабга топширинглар.

Қодир — (йиғи товуши блан). Комилжон...

Комил — Хайр дўстим! (Қучоқлашиб хайрлашади, сўнг Комил ўнгланиб автоматга ёпишади, Қодир ноилсиз йўлга тушади).

Қодир — (узоқдан). Комилжон мени кечир, мен сени билмаган эканман.

• Комил — Хайр... Тожихонга мендан салом айт.
(Комил автоматдан ўқ узиб немисларни ўзига жолб қилади. Немислар Комилга яқинлашиб келабош айдилар. Отишма зўраяди. Немислар ўқ ёғдираб яқинлашади ва Комилни ўрайбошлайди. Комил автоматнинг ўқи тугагач граната ирғитабошлайди. Аммо Комилнинг орқасидан буқиниб келиб унинг устига ташланган немис, Комилга сўнги гранатани отишга имкон бермайди. Тўпалон).

Парда

(Давоми келаси сонла)

АБДУЛЛА КАҲҲОР

ҚУШЧИНОР

Роман *

Чироғлар

МТС ёзи блан хархил бостирмалар, бинолар солди. Шу бинокорликларда ва МТС-нинг ўзида ишлагани ҳарёқдан турли-туман одамлар келди. Бу одамларнинг кўпчилиги то ишга киришиб нинини топгунича Қурбонотанинг қизил чойхонасида турар, ундан кейин ҳам эрталабу кечқурун топган-тутганини кўтариб чой ичкани шу ерга келар эди. Бу йил ёз қизил чойхона умуман гавжум бўлди. Қурбонотанинг қўли қўлига тегмас эди. У ёрдамчи сўраб икки мартаба директорга ариза берди. Директор бақувват, абжир бир йигитни ёрдамчи қилиб берган эди, бу йигит бир ой ишлар-ишламас тракторчиликга ўқигани кетиб қолди. Шундай қилиб Қурбонота, онасининг қабрини зиёрат қилгани Капсанчилар қишлоғига Май байрамида келганича бошқа қелалмаган эди. Шу йил куз яхши келиб чойхона октябрнинг охирида ётди. Катталарнинг амрига кўра чойхона Октябрь байрамигача янги қишқи бинога кўчиб кириши ва байрамга очилиши керак эди. Броқ янги қишқи бинонинг ички пардоз-андозлари битмади. Чойхона байрамдан кейин очиладиган бўлиб қолди. Қурбонота мана шу байрамдан фойдаланиб онасининг қабрини зиёрат қилиб келадиган бўлди.

У одатда зиёрат қилгани борганида қабр ёнига чўкка тушиб „Қулху оллоху аҳад“ни уч мартаба ўқиб онасининг арвоҳига бағишлар, шу блан ўзини елгил ва назарида қабр атрофида парпонадек айланиб турган, лекин кўзга кўринмайдиган одамнусха оқ туман арвоҳни шод бўлиб кўкга кўтарилиб кетгандай ҳис қилар эди. Бу сафар боришида, ёз бўйи бормагани учунми, негадир қулху оллоху аҳад блан иш битмайдиган кўринди. Унинг назарида кўндан бери дуою фотиҳа кўрмаган оч арвоҳ кўкда парвоз қил-

*Боши ўткан сонларда.

гани мадори бўлмагани учун қабрда суюқ сарғич тутун ҳолида мурдани ўраб-чулғаб ётгандай бўлар эди. Шунинг учун бу бо-ришида Ғиёсиддин Махсумни олиб бориб дурустроқ Қур'он ўқитишга қарор берди.

Мулла Ғиёсиддин Махсум шу Бешсерка қишлоғининг руҳони-ларидан бўлиб, бундан икки йил бурун Садалиқ мачитда сўфилик қилар эди. Бу мачитнинг имоми ўлиб, унинг ўрнига Махсум имом бўларман деб турганида бошқа имом келиб қолди. Махсум уни ҳар йўл блан намозхонлар олдида бебурд қилишга ва шу йўл блан унинг ўрнини олишга ҳаракат қилди: ҳалқада, мачит жилов-хонасида ўтирилган вақтларда у блан масала талашар, турли-туман саволлар берар эди. Бир куни хуфтан намозидан кейин ҳалқада ўтирилган вақтда Махсум „Тақсир,— деди — Одаматонинг киндиги бормиди йўқмиди; агар бўлса унинг киндигини ким кестан, унинг киндиги бўлмаса нима учун бизнинг киндигимиз бор?“. Халқада ўтирганлардан кимдир „пиқ“ этиб кулди. Махсум ингичка ва узун бўйинни чўзиб бойўғлиники сингари юмалоқ ва равшан кўзларини катта очиб „қойил қилдимми“ деган мазмунда ҳаммага қараб турар эди. Имом бошини аста кўтарди, аввал унга, сўнгра кулган кишига яна Махсумга қарадию узун енгини силкиб „куфур! куфур!“ деди. Мана шу кундан бошлаб икави бир-бирини эговлайбошлади. Ниҳоят имом зўр чиқди: Махсум исте'фо беришга мажбур бўлди. Махсум шундан кейин ўликлар хизматига ўтди ва ба'зан битта-яримтага ром очиш блан тириклар хизматини ҳам қилиб қўяр эди. Қурбонота у блан бир йил чамаси бурунроқ танишган, бедом-дарак йўқолган ўша жияни тўғрисида фол очирганидан кейин муносабат пайдо қил-ган эди. Шундан кейин у Қурбонотанинг самоварига ба'зан кела-диган бўлди. Қурбонота сингари унинг ҳам ҳечкимни йўқ: хотини, бундан ўн уч йил бурун ўлган, биттаю-битта ўғлини оқ қилган. Ўғли қишлоқ мактабида дун'ёвий илмни, уйда охират илминини ўқир эди; қишлоқ мактабинини битирганидан кейин бир-икита тенг-қури блан шаҳарга ўқигани кетти. Махсум индамади. Бола янаги йил бир қучоқ китоб блан келди. Махсум бу китоблардан энг каттаканини олиб варақлаган эди, қорни мешдай осилган, думи буралиб тушган чўчқанинг суратига кўзи тушти. Унинг остига „Оддий чўчқа“ деб ёзиб қўйилган эди. Ғиёсиддин Махсум кўп хафа бўлди: не-не умедлар блан фарзанд ўстирса, ўқитса... Қур'он-ни таборакгача ёд биладиган туппа-тузук бола „Оддий чўчқа“ деб ўтирса... Махсум китобни куйдириб ташлади. Ота-боланинг ораси мана шунда бир бузилди. Иккинчи бузилиш хотин важидан бўлди: ўғли янаги йил келганида Махсум уни уйлантир-макчи бўлди. Ўғли эса то мактабни битирмагунча хотин олмас-лигини айтиб туриб олди. Махсум уни кўп ҳақорат қилди, ковши блан бўйнига урди. Ўғли аразлаб кетганича икки йил келмадию учинчи йили ҳомиладор хотини блан келди. Хотини чиройлик, чаққон, очиққина бир тотор жувон эди. Махсум келин кўргани-га шукур қилиб сўйинди, лекин эртасига-ёқ унинг айбини топиб танбеҳ қилди: „Қизим, бўлар-бўлмасга биллоҳи деяберманг, куп

қасам ичишнинг хосияти йуқ“ деди. Ҳинчи куни келин ундап айб топти: Махсум чойни ичиб пиёлани узатишда лабини елкасига артган эди, келин: „Мана бу чочиққа артсангиз булмайдими?“ деди. Махсум қаттиқ ранжиди: „Ҳа, менинг кўйлагим ҳаромми, мен бу кўйлақда намоз ўқийман“ деди ва ўрнидан туриб кетти. Тўртинчи куни Махсум номозга чиқиб кетаётиб қараса ўғли чўкка тушиб хотинига ботинка кийгизаётипти, хотини эса оёғини унга баҳузур тутиб олма еб ўтирипти. Махсум номозни қандай ўқиганини ҳам билмай қайтиб келдию, ўғлини бир четга чақириб „Ўғлим, — деди — хотиннинг уруғи Ҳиротдан келган эмас-ку, сиз унга ботинка кийгизманг, у сизга ботинка кийгизсин! Ҳомиладор бўлса бўлар, ўзи бўлгани йўқ, сиз ҳомиладор қилгансиз. Ҳарқандоқ бўлганда ҳам азиз эркак бошингизни эгманг!“ Ота-бола бир-биринга гап уқдиралмади, зотан гап уқдираолишга кўзи ҳам етмас эди. Жанжал зўрайиб орага қўн-қўшниллар тушди. Ниҳоят эр-хотин чамадонларини кўтариб уйдан чиқиб кетишти. Махсум шундай қобил болани йўлдан уриб елкасига миниб олган келинини қарғади, хотинига жиловини бериб қўйган ўғлини оқ қилди ва йиғлаб туриб „Юзингни қиёматгача кўрмайман“ деб қасам ичди. Ўғли шундан бери келмайди. У Қолчиғой чорва совхозида зоотехник бўлиб ишлар экан, отасига ҳар ой мунтазам пул юбориб турарди. Фиёсиддин Махсум бу пулларни қўлига ушламай сарф қилади: пул қишлоқ почталёни Раҳматулла деган йигитнинг қўлида турадию Махсум қачан бировдан нарса олса „Пулини Раҳматулла беради“ деб кетаберади ва ба’зи ойлар Раҳматулладан беш-ўн сўм қарздор ҳам бўлиб қолади.

Махсум Қурбонотанинг таклифига дарров кўнди, чунки ўзи ҳам Бешсеркадан кўпдан бери чиқмаган, сайр-саёҳат қилиб ёзиллиб келишга орзуманд бўлиб юрган эди..

Икови пайшанба куни кечки пайт йўлга чиқди. Қурбонотанинг мўлжалли онасининг қабрини бугун кечқурун я’ни жума оқшоми зиёрат қилиш, кечани Ўрмонжонниқида ўтказиб эртага жума номозидан кейин яна қур’он ўқитиш, шундай қилиб онасининг арвоҳини Махсумнинг қур’онига хўп қондирганидан кейин кечга қолмай қайтиш эди.

Махсум арвоҳни Қурбонотанинг кўнглидагидан ҳам зиёдароқ шод қилди: шу куни кечқурун ва эртасига ҳам шундай узун қур’он ўқиди, овозини гоҳ паст ва гоҳ баланд қилиб, гоҳ ғунгиллаб ва гоҳ миёвлаб шундай қироат қилдики, Қурбонотанинг назарида бошқа қабрлар атрофида изғиб юрган оч арвоҳларнинг ҳам жонни киргандай бўлди. Махсум „Саба’а самовотун тибоқо“ деб чўзганида Қурбонотанинг ўзи ҳам аллапучук бўлиб эти жувиллаб кетарди.

Меҳмонлар кечки пайт қайтмакчи бўлишганда Ўрмонжон „Эрта байрамни шу ерда ўтказинглар, эртага ариғимиз очилади, тўғон бошига катта сайл чиқади, тамоша қилиб кетасизлар“ деди ва қари-қартанларни олиб кетадиган машинага солиб юборишни ва’да қилди. Бу таклиф Фиёсиддин Махсумга жуда ёқиб тушгани, бун-

дан ташқарига Сидиқжонни кўриб кетиши ҳам лозим бўлгани учун Қурбонота рози бўлди. Сидиқжон тўғон бошига кетган эди.

Ариқнинг очилиш маросими байрам куни соат тўртга белги-ланган эди.

Эртаси қиём вақтигача жим-жит, худди кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб турган қўғазор қиёмдап кейин жонлана бошлади. Аввал ертўла-уйлар, чий ва гўвалак дувоглар орасидан, кейин майдонда, тепаликларда одамлар пайдо бўлди. Ёш-яланглар елиб югурар, ҳойқирар; болалар у ёқдан бу ёққа чопар, шовқин солар ва лунжларини шишириб қамиш сурнай чолишар; бир тўп қариялар майдоннинг кираверишида офтобшувоқда ўтириб, афтидан, автомобиль кутишар эди. Ҳадемай экинзор ва тўқайларни оралаб ўткан сўқмоқ ва арава йўллардан қатнов бошланди. Меҳмонлар ўша қариялар тўпига томон тушиб бораётганда Бақақуриллоқ томонидан каттакан оқ эшак миниб Ўрмонжон тушиб келди. Уни қариялар ўраб олишди. Меҳмонлар етиб келганда Ўрмонжон қарияларга йўл ёмон бўлганлиги учун автомобиль бу ерга келалмаганини, буларни кўприк бошида кутиб турганини, у ергача олиб бориш учун ҳозир арава келишини айтди. Қарияларнинг бир қисми аравани кутмасдан пиёда йўлга тушди. Махсум унинг сўзига чандон қулоқ солмай эшакни орқа-олдига ўтиб, бўйнидан ушлаб силтаб, найдай диккайиб турган узун қулогини негадир қайриб кўрди-да, „Азизларнинг хизматини қилган жонвор“ деб сағрисига шаппалаб қўйди. Қурбонота шундан билдики эшак Махсумга жуда-жуда ёқди, шу эшакни миниб боришга кўнгли суст кетти. Ўрмонжон ҳам унинг эшакда боргиси келаётганини билиб нўхтани қўлига тутқизди. Махсум эшакни дўнгликнинг олдига етаклаб келди-да, бир ирғиб миляб Қурбонотани имлади. Қурбонота кулиб унинг орқасига мингашти.

Жўнашди.

Эшак, устида икки киши борлигини писанд қилмай, гоҳ йўрғалар, гоҳ йўртар, Махсум узун оёқларини силкилатиб, қомагини тик тутиб борар эди. Қурбонота бу жойлар тўғрисида билган, эшитган ва кўрганларини сўзлаб берди; водокачкалардан бери ва водокачкалар конторасининг харобасини, князьнинг қизларини кечқурунлари отлиқ саёҳат қилдирган жойларини, коляска тикилиб ўзи майиб бўлган чуқурлиқни, князь ўзининг қизлари ва ўн саккиз ити блан ёзлаб кетадиган боғини, Абдуваққос эшоннинг боғини кўрсатти. Бу боғлар Қўшчинорнинг чиқаверишидаги каттакан тепаликнинг икки томонида бўлиб ҳозир икови ҳам одам оёғи тегмаган ваҳши бир тўқайга ўхшаб қолган эди. Эшон боғининг йўл томонини хилагина катта ғиш иморатнинг харобаси энлаб ётар эди. Харобанинг атрофини, устини ёнтоқ, қуроқ, шўра, ажриқ, какра босиб кетган; унинг ўнг томонидаги каттакан ҳовузнинг ичини ва бўйларини қуруб қолган супурги, сассиққапа, тўзғоқ, мия қоплаб ётар эди. Бу харобани кўриб Қурбонотанинг кўз олдига Фармонқул ва ўшанга ўхшаган дун'ёга надомат блан келиб, заҳмат чекиб, ҳасрат блан ўткан кишилар келди; бу хароба пазарига ўшандай кишиларни қош-

қора қақшатқан аждаҳонинг емирилган уясидай кўринар эди. Махсум харобага кўз ташлар экан бош чайқаб „Ҳай дариг, шундоқ қадамжо хароб бўлипти, колхозга ўтиб шундақ бўлгандирда“ деди. Махсумнинг бу гапи Қурбонотанинг ғашига тегди, шундай ғаш келдики бирон дағал гап айтиб уни ранжитиб қўйишдан кўрқиб индамади; то кўприк бошига етгунча гапирмади; Махсумнинг гапларига қисқа-қисқа жавоблар берар эди.

Эшакнинг сағрисида зўрга келаёткан Қурбонота янги ариққа солинган ёғоч кўприкдан анча бериде эшакдан ўзини ташлади ва, гарчи Махсум бундан нари ҳам эшакда кетиш тўғрисида гапирмаган бўлса ҳам, хилагина тажанг бўлиб: „Тушинг, тақсир, эшак азиэларнинг хизматиини қилган жонвор бўлса „мошина муъжиза, у ёғига мошинада кетамиз“ деди. Махсум дарҳол тушмакчи бўлиб шу ерда қийшайган бўлса ҳам кўприкнинг устига бориб тушди.

Кўприкнинг нариги ёғидаги чорраҳада турган юккаш машинанинг атрофини ёшу-қари, эркак-аёл юз чоқли киши ўраб олган эди. Ғовур. Хотинлардан кимдир шоферга „Жон ука, мен ҳеч тушган эмасман, ҳеч бўлмаса Қақиргача олиб, бор“ деб ялинар; йўғон бир товуш қарияларга жой бермай ўтириб олган Абдухонлиқ деган бир кишини сўкар эди. Шофер машинага чиқмоқчи бўлиб тармашган эркак-аёллардан сочи, соқоли оқарганларнигина қўлидан тортиб машинага чиқарар, бошқаларнинг эса дўпписини, рўмолини бошидан олиб узоққа улоқтириб ташлар эди. Машина ҳадемай тўлди; гулдиради, қарс-қурс қилдию орқасидан одамларга кўк тутун пуфлаб жўнади. Унинг ён ва орқа бортларига осилган ёш-яланг бири ўзини ташлаб, бири йиқилиб қолди; битта-икитасини машинада ўтирганлар тортиб олишти. Қолган халойиқ автомобиль тўзитиб кетган чанг йўлдан ҳайқириб, қичқириб, шеригини йўқотиб қўйганлар бир-бирини чақириб пиёда йўлга тушди. Кўруқни оралаб ўтган иланг-биланг йўлдан физиллаб, кетида чанг қолдириб бораёткан автомобиль ҳадемай уфуқда кўздан ғойиб бўлди.

Машинага сиғмай қолган қариялардан чоллар унинг қайтиб келишини кутиб йўл бўйига, кампирлар эса нарироқдаги турпоқтепанинг устига чиқиб ўтиришти. Махсум эшакни кўприкнинг ғовига боғлади ва ўша ерда, афтидан, таниш чиқиб қолган бир одам блан гаплаша кетти. Қурбонота чолларнинг олдига келиб бир чеккада ўтирди. Чоллар машина тўғон бошига неча туя юк кўтара олиши, унинг чироғи баландроқ ерга ўрнатилса неча маҳаллани ёритиши ҳақида сўзлашар, мунозара қилишар эди.

Бу орада йўловчилар тобора кўпайди. Октовуқ томондан келган бир гуруҳ ўсмирлар, йигитлар ҳайқириб-қийқириб, бир-бирини қувлашиб, ўйнашиб ўтиб кетти. Буларнинг кетидан ҳўкиз қўшилган аравада бир толай бола қий-чув қилиб ўтти. Мозорқўрғон томондан бир трактор таррилаганича иккита бричкани тортиб келар эди. Ҳар иккала бричкада ҳам тула хотин-халаж, ҳама чапак чолиб ашула айтар, олдинги бричкада ўрта ёшлар-

даги семиз бир хотин ўтирган еридан ўйинга тушар эди. У кампирларнинг рўпарасига келганида чўккалаб, икки қўлини биқинига қўйиб муқом қилди, чолларнинг рўпарасига келганида эса қўлларини „соябон“ қилиб қошини „ажувоз-ажувоз“ қилди. Қийқириқ-кулги кўтарилди. Чоллардан кимдир „дўст, кам бўлма!“ деб қичқирди. Капсанчилар томондан бир арава қиз-жувон чилдирма чолиб, ёр-ёр айтиб ўтишти. Булар ва булардан кейин от, эшак, ҳўкиз қўшилган араваларда, пиёда ўтиб кетган ва ўтиб бораётган сон-саноксиз ёшу-қари, эркак-аёлларни куриб Қурбонота бедом-дарак йўқолиб кетган жияини эслади: „Ўшанда неча ёшар эди? Боши омон бўлса ҳозир йигирмабир-йигирма иккига киради. Қаерда экан? Нима қилиб юрипти экан? Дурустроқ одамга тушдимми ё етимлик, гариблик бахтини қора қилдимми? Агар онасига тортган бўлса, ўшандай, қирқ йигитга бош бўладиган аёл чиққан бўлса бу зомонда, эликбошисиз, князьсиз, эшонсиз замонда қандоқ бўлди экан? Бу зомонда унинг онаси қандоқ булар эди экан? Фармонқул-чи?..“ Қурбонотанинг кўзига Фармонқул кўриниб кетти: у ҳали Қўғазорда арава кутмай пиёда йўлга чиққан қариялар орасидан чиқиб йўлнинг четидан илжайиб келаёткандай бўлди; бошида ўша, гули кўринмай кетган қора дўппи, устидан ўша яктак; оёқ яланг... Қурбонота, худди Фармонқул ростдан ҳам шу қариялар орасидан чиқиб қолиши мумкин бўлгандай, бўйинини чузиб қаради. Шу чоқ Махсум унинг қулоғи остида пишиллаб, хириллаб: „Ё алҳазар! Ё Девони Баҳоваддин! Ё Ғавсул А'зам! Ҳали аравада ўйнаб ўтган аёлни кўрдингизми?“ деди. Қурбонота бир чўчиб тушди ва шундай дарғазаб бўлдики ўзини туталмай: „Қўйинг тақсир! Қўйинг, ўйнасин, кулсин!“ деб ўрнидан туриб кетди.

Қўғазордан пиёда йўлга чиққан қариялардан кейин арава кутанлар ҳам етиб келишди. Бир оздан кейин автомобиль гувиллаганича қайтиб келди ва аста бурилди-да гит этиб тўхтади. Унинг кетидан эргашган чанг бурилиб-елиб йуқорига кўтарилди. Уни кутиб турганлар, ўтиб бораётган йўловчилар чангда эптикиб, бир-бирларини итариб автомобильга ёпирилди. Яна шовқинсурон кўтарилди, шоферга ялиниш-ёлбориш бошланди. Ўрмон-жон бортда туриб қарияларни бир-бир қўлларидан тортиб чиқара бошлади. Махсум бировнинг бошини, бировнинг елкасини ушлаб, бировнинг оёғини босиб олдинга ўтти ва қулайроқ жойга ўрнашиб олганидан кейин ўтирган ерида бор товуши блан Қурбонотани чақирди. Хилагина ўтиб қолган бир кампир ўзидан ҳам ҳаққа етишган чолига: „Юрганда мендан беҳабар қолманг“ деб қайта-қайта тайинлар эди. Автомобиль қўзғалганда бир ғовур кўтарилдию кейин жимлик чўкди. Машина гоҳ тезлаб ва гоҳ секинлаб, чайқалиб, ғижирлаб кўтариб-кўтариб ташлаб, олдинда мўр-малахдай ўрмалаб кетаётган пиёда йўловчиларни ва ўнг-сўлга бурилиб шофернинг ғашига тегаётган араваларни пўшт-пўштаб гудок чолиб борар; йўлнинг икки четига тизилган йўловчилар уни қийқириб кузатишар, болалар чангда кўзга гоҳ кўриниб гоҳ кўринмай унинг кетидан югуришар эди.

Иргайзорлар, кўчма қумтепалар орқада қолиб бепоён ялловга чиқилгач олдинда тикка туриб кетаётганлардан бири узоқ уфуқни кўрсатиб „Ху ана тўғон боши“ деди. Уфуқда бир неча жойдан оқиш тутун кўтарилиб кўм-кўк осмонга аста-секин тарқалмакда эди. Яна бир оз юрилгандан кейин узоқда, сапсарик адир этагида оппоқ бўлиб узала тушиб ётган дар'ё, сўнгра, сарғимтил-кулранг саҳро юзини ва ундаги паст-баланд дўнғлар устини тутиб ётган одамлар, онда-сонда ўргамчидай ўрмалаб юрган арвалар кўринди.

Машина сайилгоҳга кириб борди ва дудудлаганча одамларни, отлари чиқарилиб қўйилган қатор-қатор арваларни оралаб дар'ё томонга йўналди. Арвалардаги четанлардан, ялпиз, мия, похоллар орасида кечки қовун, тарвуз, хазаанакларнинг уч кўриниб турар; қопларда, катта-кичик халталарда, сават ва қажаваларда ўрик, жийда, майиз, биҳи, узум, ёнгоқ, тутмайиз, нок, олма, қовунқоқи, баргаг, бодом ва бошқа нозу не'матлар очилиб-чочилиб ётар эди. Фовурда автомобильнинг гудоги аранг эшитилар эди. Қаердадир чилдирма гижбангламакда; бир томонда майда ва шўх, иккинчи томонда кишининг қалбини ғуссага тўлдирадиган катта ашула бўлмакда; алла қаёнда кимдир баланд овоз блан гапирмакдаю одамлар гур-гур кулмакда; ора-сира „кеп қолинг!“, „емаган армонда, еган дармонда!“, „отавгга раҳмат!“ алла ниманинг „сараси бу!“ деган товушлар эшитилар эди. Машина дар'ёдан анча беридаги паст-баланд тепаликлар олдида тўхтади. Бу тепаликларнинг устига, ёнбағирига, этагига солинган кийгиз, шолча, бўйра ва бошқа палосларда одамлар тиқилишиб ўтирар, абжир йигитлар югириб-елиб чой, даста-даста нон, патнусларда мева-чева ва бошқа нарсалар ташир эди.

Қарияларин икки жувон ва бир норғул йигит кутиб олишти. Кампирларин ёнбағирда гуч бўлиб ўтирган аёллар тўнига, чолларин йуқорига бошлаб чиқишти. Йуқориди ўн-ўн беш чоқли мўйсафид тўп-тўп бўлиб ба'зиси чордана қуриб, ба'зиси ёнбошлаб, ба'зиси чўкка тушиб, бу ердан яққол кўриниб турган сайлгоҳни тамоша қилиб чақ-чақлашиб ўтирар эди. Махсум бир чеккадаги бўш жойга чўкка тушиб Қурбонотанинг этагидан торти. Шу чоқ ёнбағирдан кимнингдир баланд, қунгироқдай товуши эшитилди:

— Ассалому алайкўм, Қурбонота! Салом, отахон!

Қурбонота бурилиб қараб ёнбағирдан кийикдай сакраб чиқиб келаётган Сидиқжонни ва унинг кетидан кулиб қараб турган Ўрмонжонни кўрди. Ўрмонжон Қурбонотага қараб бир нима деб ишора қилди, афтидан, бунинг сўюнганини қаранг дедию тушиб кетди. Сидиқжон дарҳақиқат худди отаси тирилиб келгандай пиҳоят хурсанд бўлиб қучоғини ёзиб келар эди. У келасолиб Қурбонотани дас кўтарди, икки айлантириб ерга қўйди, ҳол-аҳвол сўради, яна қучоқлади.

— Баракалла, ўғлим, баракалла, — дер эди Қурбонота кулиб, йўталиб. — Ўрмонжон ҳар борганда сўрайман... Юрипти, вақти

чоғ дейди... Кеча йўқлаган эдим, бу ёқда экансиз... Хуб ўйнаб-кулиб юрибсизми?

— Шукур, отахон, шукур...

— Қалай? — деди Қурбонота ва шу блан менинг гапимга кириб куймадингми демакчи бўлди. Сидиқжон ҳам буни шундоқ тушинди ва саволга жавоб бериш ўрнига уни яна қучоқлади-да, худди синиб қоладигандай авайлаб, Махсумнинг ёнига ўтқозди. Махсум буларга орқасини бериб икки мўйсафидга қайта-қайта: „Ҳар киши сурса узумни кўзига, ўн савоб олғай худодин ўзига“ дер, лекин ўзи узумни кўзига сурмай сатта шингиллаб оғзига тикар, чала-ярим чайнаб товуқдай бўйинни чўзиб ютар эди.

Боя қарияларни кутиб олган нарғул йингит чой, бир потнусда поц, қовуш қоқи, бир қийиқчада ошқовоқсомса келтириб қўйди.

Сидиқжон ўшанда Ўрмонжон кўзига қандоқ кўришгани ва унинг тўғрисида кўнглидан нималар кечганини, бу томонга келаётганида нималарни ўйлаганини, мана шу ариқ ишида биринчи кун ва ундан кейин қандай ишлаганини, кимлардан қандоқ меҳру оқибат кўрганини „райкомимиз ўртоқ Аҳмедов“ қандоқ одам эканини, Шарофат можаросини, правления ўзини колхозга яқиндагина а'зо қилиб олганини ва правлениянинг қарорини колхозчиларнинг умумий мажлиси тасдиқ қилишига сира шубҳа қилмаса ҳам ҳарқалай ба'зан кўнглига гул-гула тушишини сўзлаб берди. Қурбонота ёш боладай қувончдан энтикиб гапираёткан Сидиқжоннинг сўзларига зўр мамнуният блан қулоқ солар ва бинойи иш қилганига ўзида йўқ хурсанд бўлиб керилиб ўтирар эди.

— Айтмадимми, — деди Қурбонота кулиб — оппоқ соқолим блан ёлгон гапираманми деган экан Афанди. Ўрмонжон ўшанда бизнинг колхозда иш кўпу ош оз, ҳали-бери янги этик киялмайсан деганда бу гаплардан чўчиб кетаберсангиз худо билади ҳозир қаёқларда юрар эдингиз. Бу замонда меҳнат қиладиган киши хор бўлмайди, албатта, лекин ҳар гижнинг ўзи суйган турпоғи бор.

— Буниси тўғри, отахон, лекин Ўрмонжон акам у гапларни мени чўчитиб синаб кўриш учун айтмаган эканлар. Ростдан ҳам иш кўп экан. Тирикчилик бўлса ит ётишу мирза туриш... Ўрмонжон акам ўшанда Капсанчиларга ота-бобосидан иш кўп қолган, ўзининг ҳам иши бошидан ошиб ётипти, бундан ташқари болаларининг ҳам оғирини енгил қилиши керак, ана ундан кейин орзу-ҳавас йўлини кўзлайди, янги этик кияди деган эканларда.

Ҳозиргина хурсандлигидан энтикиб гапираётган Сидиқжоннинг бу сўзлари Қурбонотага қийинчиликдан шикоятдай туйилди.

— Дамлаб қўйган ош ҳечқаерда ҳам йўқ. Сабр қилсанг гўрадин ҳалво битар...

— Биламан, мен нолиятканим йўқ, отахон, нолимайман. Мени бу ерга ҳечким судраб келгани йўқ. Ўрмонжон акам бошида ҳаммасини писанда қилган эдилар. У киши айткан нарсаларни келиб ўз кўзим блан кўрдим. Мени бу ерга биров бўйнимдан боғлаб қўйган ҳам эмас. Нолимайман. Бу ерга ҳечким ҳам нолимайди. Нолийдиганлар нолимасдан бурунроқ колхозни ташлаб жў-

наб қолган экан. Мен Анзиратхола деган бир кампирнинг ҳовлисида тураман, ўзлари жаннати кампирлар... Шу кишининг куявлари хоҳламапти-кетипти... Ҳозир бозорда қалампир сотиб юрган эмиш. Ҳар кимнинг та'би...

— Қаттиқчиликнинг қирқи кетиб бири қолгандир энди?

— Ҳа, отахон, қирқи кетиб бири қолган, лекин бирагайи қолган. Йиғим-теримни олганимиздан кейин баҳоргача икки юз йиғирма гектар янги ер очишимиз керак.

— Қанча? — деди Қурбонота ҳайрон бўлиб.

— Икки юз йиғирма гектар.

— Икки юз йиғирма танобдир?

— Йўқ, отахон, гектар. Олти таноб бир гектар бўлар экан. Бу ерларнинг кўпи тўқай. Қиши блан арракашлик қилиб тўнғак кавлайдиган бўлиб турибмиз.

— Бу бир гапдир? Шунча ер, яна бунинг кўпи тўқай бўлса... Йўге, моҳовотдир... Бўладиган иш эмас. Айниқса тўқайни бузиб ер қилиш...

— Йўқ, отахон, яқинда райкомимиз ўртоқ Аҳмедов ўша очиладиган кўриқларни, бузиладиган тўқайларни айланиб кўриб, план қилиб районда мажлисга солиптилар. У киши план қилган иш бўлмай қолмайди дейишади. Бўлмайдиган ишни мажлисга солмас эканлар. Лекин қийинчилик тортамиз, бу сиз бўлмайди. Ўрмонжон акам шундоқ дейдилар.

Сидиқжон бутун саҳрони тутатиб кетган, тепаликларда, янги ариқ ва дар'ё бўйларида, қизил темир дарвозаси офтобда чўғдай ёлқинланиб турган тўғон бошида ивирсиб юрган одамларга қараб жим қолди. Тўғон бошидаги тепаликда бирдан дўм-дўм этган товуш эшитилдию тўрт карнайнинг оғзи баравар кўтарилди. Тўрт карнайчи товдаларини орқага ташлаб, қоринларини чиқариб бараварга чалишди. Тўрт карнайнинг „ваҳа, ваҳа-ваҳа-ҳу, ваҳа“, деган товуши бошқа ҳамма товушларни босиб қўлоқларни қоматга келтира бошлади. Бунинг орасидан узилиб-узилиб эшитилаётган сурнай товуши эчкининг ма'рашига ўхшар эди. Қурбонота сукутга кетти. У ҳамон жияни, Фармонқул тўғрисида уйлар, назарида ҳар иккисининг ҳам арвоғи шу сон-саноқсиз одамлар устида парвоз уриб юргандай бўлар эди.

Бир чойпақ чой кўтариб Ўрмонжон чиқиб келди. Унинг келганини на Сидиқжон пайқади, на Қурбонота.

— Ҳа, нимага қараб қолдинг? — деди Ўрмонжон Сидиқжоннинг ёнига ўтириб. — Отани зериктириб қўйибсан-ку.

Сидиқжон ўрнидан туриб уни тўрға чиқарди.

— Зерикканлари йўқ, Ўрмонжон ака, гаплашиб ўтирибмиз. Отамга қишда қиладиган ишимизни айтиб бердим.

— Шу аниқ гапми, ўғлим? — деди Қурбонота — икки юз йиғирма гектар, яна бунинг кўпи тўқай бўлса... Жуда қийин бўлар?

— Ҳа, секинроқ айтасизми, — деди Ўрмонжон ва Сидиқжонга имо қилиб кўз қисди. — Бу йил қиш колхоз яна элнадиган бўлиб тўрипти. Шу элакдан Сидиқжонингиз тушиб кетмаса деб кўрқаман.

— Энди катта бўлиб қолганмиз, Ўрмонжон ака, — деди Сидиқжон керилиб. — Элагингиз йиртилиб кетса ҳам тушиб кетмаймиз. Дамба вақтида кетиб қолганлар ҳам атрофимизда айиланиб ҳид олиб юрган эмиш-ку.

— Ким экан у? — деди Ўрмонжон шошиб.

— Рўзиматнинг тоғаси.

— Хўш?

— Келиб Рўзиматникида уч кун турипти. Нуқул колхозни суриштирар эмиш, Рўзимат бошлапти...

Ўрмонжон пастга қараб, йигитлар даврасида торвуз еб ўтирган Рўзиматни чақирди. Рўзимат дарҳол югириб чиқди.

— Лаббай, Ўрмонжон ака, — деди ва Қурбонота блан икки букилиб сўрашди. — Айёмлари муборак!

Қурбонота қаттиқ хижолат тортти: бу ариқнинг очилиши булар учун ҳақиқатан катта байрам эди-ку. Нучук бўлиб бу байрам блан на Ўрмонжонни қутладию на Сидиқжонни?

— Утир — деди Ўрмонжон. — Тоғанг келиб кетиптими?

Рўзимат Сидиқжонга бир қараб қўйди.

— Ҳа...

— Нима дейди?

— Э, Ўрмонжон ака, нима дер эди! Нуқул колхозни суриштиради: нима бўлди, қанақа, нима бўлади... Ариқнинг дарагини эшитипти. Бугдойкорликлар энди пахтага айланса керак дейди. Жуда ғашим келиб кетти...

— Нима иш қилар экан?

— Сўрамадим.

— Нима дединг?

— Нима дер эдим... Э, тоға, пахта қаёқда дедим; заб кетиб олган экансиз-да, мана энди биз кеталмай ўтирибмиз дедим. Афтимга қараб бақрайиб турипти. Ариқ қазиган эдик, сув чиқмади, энди дар'ёга тўғон солмоқчи бўлиб тўрибмиз, дар'ёга оқиб ўлсам мендан рози бўлинг дедим.

Ўрмонжон кулмади, ўйланиб туриб:

— Чакки қилибсан, бор гапини айтиб қолинг дейиш керак эди — деди.

Рўзиматнинг ранги ўзгарди, кўзларида ҳамиша ўйнаб турадиган табассум ифодаси тўсатдан йўқолди. Сидиқжон уни ҳечқачон бундай қиёфада кўрмаган, шундай қиёфага киришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Рўзимат икки-уч оғиз ростлаганидан кейин ниҳоят жуда ўзгарган бир товуш блан:

— Нега, нега қолинг дер эканман?! — деди.

— Йиқитган полвон йиқилганни кўтариб қўяди, — деди Ўрмонжон Қурбонотага кўз қисиб.

— Менинг тоғам бўлгани учун, менинг кўнглим учун шундай деяётисизми? У ҳали тоғам экан-ку, отам тирилиб келмайдими! Мен қаҳратон қишда оёғимга пўстак боғлаб, атала нчиб елкамда турпоқ ташиганимда ташлаб кетган эди. Шундай вақтда ташлаб кетса у кўтарадиган турпоқ ҳам менинг елкамга тушишини билмасмиди? Билар эди! Номардлик қилди, Ўрмонжон ака, ҳажим

қизлик қилди! Полвон йиқилганни кўтариб қўяди дейсиз, у мен блан бел ушлашиб йиқилгани йўқ! Энди ариқ эмиш!.. Пахта эмиш!

Ўрмонжон унинг сўзларига қўшилмаганлиги, уни ранжитмаслик учунгина унинг сўзларига қарши бирон нарса демаганлиги кўриниб турар эди.

— Билмаган-да, ўғлим, тушунмаган, — деди Қурбонота — бу ишларнинг охири бахайр бўлишига кўзи етмаган.

— Нимани билмапти, нимани тушинмапти? Сидиқжон акам келганларида ҳам биз ҳалво еб пашшамизни қўриб ўтирмаган эдик. Бу киши нега дарров билақолди, бу киши нега дарров тушинақолди?

Сидиқжон қизариб кетти.

Мен ҳам ўшанда тушинмаган эдим, эсингда борми, бундан ҳаммоллик яхши эмасми деганим? Сен пул керак бўлса ҳаммоллик яхши, лекин бизга ҳозир пул керак эмас, сув керак деган эдинг...

— Айтсангиз айтгандирсиз, лекин ташлаб кетмадингиз-ку.

Самоварчи дастурхон солиб каттакан сопол товоқда ош келтириб қўйди. Рўзимат ирғиб туриб сопол обдастандан ҳамманинг қўлига сув қўйди. Ўрмонжон „меҳмонимиз қанилар“ деган ма'нода Қурбонотага савол назари блан қаради. Махсум ҳалиги икки мўйсафидни қўйиб нариги тўпга ўтган, у ерда қариллаб Намруд худога ўқ отгани, худо бандам ноумед бўлмасин деб унинг ўқига болиқни тутгани, болиқнинг ойқулоғи ўша ўқнинг ўрни эканлиги тўғрисида гапириб болиқ емакда эди. У Ўрмонжоннинг имосини дарров пайқаб дарҳол келди ва то ош фурувард бўлгунча сабзи жаннатдан чиққанлиги, гуруч пайғамбарнинг тиши эканлиги тўғрисида гапириб ҳечкимга сўз бермади. Қурбонота бу гапларга ишонса ҳам лекин ҳозир буткул ноўрин эканлигидан сиқилар, назарида ҳамма яна ер, пахта, сув, меҳнат тўғрисида гап бошлаш учун унинг жағи тинишини кутиб тургандай бўлар эди.

Овқатдан кейин Ўрмонжон устма-уст икки пиёла чой ичдию Сидиқжонга меҳмонларни тамоша қилдиришни та'йинлаб тушиб кетти. Махсум „лоҳас бўлиб кетаётимман, мен андак ором олай“ деб тамошага бормайдиган бўлди. У ошдан кейин суннат деб бир яримта нон еди-ю чўзилди ва оғзидан нафас олиб уйқуга кетти. Қурбонота ҳамроҳининг фе'ли-атворидан хижолат тортди шекилли, пастга тушиб кетилаётканда узур тариқасида:

— Бу тоифани узоқдан кўриб юрсанг дуруст, яқин юрсанг ихлосинг қайтар экан, — деди.

— Йўқ, нега, — деди Рўзимат уни хижолатдан чиқариш учун. — Жуда азиз одамга ухшайдилар...

Булар пастга тушиб сал юрар-юрмас борча халойиқ гувилаб тўғон бошига томон оқабошлади. Ҳадемай бутун тепаликлар, ороликлар бўшади. Орқаларига от боғланган қатор-қатор чиқарилиб қўйилган аравалар, катта-кичик буталар, пойхон бўлган ёнтоқлар, қораварақалар, қумлоқ ва тошлоқлар очилиб қолди. Минглаб халойиқ тўрт карнай бараварига воҳолаб турган тўғон

бошига интилар, тиқилишар, итар-итар, сур-сур блан ариқнинг оқимига томон силжиб борар эди. Рўзимат йўқолиб қолди Қурбонотани авайлаб Сидиқжон олға интилмади, шунинг учун икови орқада қолиб кетти. Булар турган жойдан тўғоннинг қизил дарвозаси устида турган бир гуруҳ одамни тусмол блангина таниш мумкин эди. Сидиқжон буларнинг ичида ўзининг йўғон гавдаси, новча бўйи блан таниқлиқ булган район ижроия қўмитасининг раисици таниди. У дарвозанинг ўнг томонига тикка ўрнатилган узун ёғочнинг одам бўйи келадиган ерида пир-пираб турган қизил байроқнинг ёнида ариқнинг оқимига қараб турар эди. Воҳолаб турган карнай товуши тинди. Шу блан бирга бутун халойиқ ҳам жим бўлди. Қаердадир от кишнади. Дашт шабадаси дам-бадам пуфлаб қулоқларда ғувиллар эди.

Ижроқўмнинг раиси тўғоннинг ўртасига келиб бир лаҳза қотиб турди-да, бошини хиёл силкитди, унинг кетидан „Ўртоқлар!“ деган товуш зўрға етиб келди. Раис ун минутча нутқ сўзлади. Бир неча мартаба қаттиқ қарсак, ҳайқирик кўтарилди. Раис қаттиқ олқиш ва ура садолари остида салгина энгашиб, олдидан ўтган қизил лентани кесиб юборди. Лентанинг бир учи йўқорига кўтарилди, пир-пиради, икки-уч айланди-да кўздан ғойиб бўлди. Шу онда бояги ёғочдан байроқ шувуллаганича юқорига кўтарилди-да ёғочнинг учига етгач яна ҳам кенгроқ ёзилиб, яна ҳам қаттиқроқ пир-пиради. Яна ҳам кучлироқ олқиш ва ура садолари янгради. Шу пайт тўғоннинг устига колхозчилардан бир неча киши югуриб чиқди. Булардан бири бошқалардан эпчиллик қилиб бир сакрашда тўғоннинг парраги олдига келди-да, унинг қабзасидан ушлаб шитоб блан бурай кетди. Сидиқжон уни таниб қичқириб юборди:

— Ие, Рўзимат-ку! Оббо хумпарей, маза қилди!

Рўзимат дарвозани катта очиб, дарҳақиқат маза қилгандай қўлини орқасига қилиб керилиб турар эди.

Раис қўлини баланд кўтарди. Бир лаҳза чўккан жимликда унинг товуши эшитилди:

— Оналар, оталар, опалар, сингиллар, акалар, укалар, ҳорманглар! Ҳорманглар энди!

Унга неча миңг товуш бараварига жавоб қайтарди:

— Бор бўлинг! Саломат бўлинг!

— Ўртоқ Аҳмедов барака топсинлар!

Аҳмедов бошини қуйи солиб раиснинг орқасига ўтиб кетти. Галай вақтгача бутун саҳро гуриллаб турди.

Тўғоннинг тепаси бўшаб қолди. Унинг икки томонида тўрттадан саккизта чилдирма „такатум-так, такатум-так“ деб бараварига мақом бошлади. Икки томондан учтадан олтига оқ кийинган қиз чилдирма мақомига оёқ уриб, кифт қоқиб чиқди. Шу блан область ва район театрларининг бирлашган кучи томонидан бериладиган концерт бошланиб кетти. Буларга колхозчи ҳаваскор ашулачилар, ўйинчилар, қизиқчилар, ниҳоят тарафма-тариф аскиячилар қўшилиб концерт қоронғи тушкунча давом этти.

Қоронғи тушгандан кейин олти жойга кунжара ёқилди. Ёшу-

қари эркак-аёл аралаш-қуралаш бўлиб олти даврага бўлинди. Бир ярим одам бўйи келадиган сепояларга ўрнатилиб ёқилган кунажраларнинг қизғич-сарик алангаси шабадада бир томонга салгина қийшайиб гуркирар, буларнинг ёруғи бир-бирига қўшилиб ҳаммаёқ кундуздай ёриган эди. Бир томонда ашула, бир томонда кураш, бир томонда қизиқчилар, аския...

Ўрмонжон Қурбонота блан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган даврадан топти. Иккови олдинги қаторда ўтирар, Сидиқжон дам-бадам тиззасига уриб „дўст!“ ёки „кам бўлма!“ деб қўяр эди. Ўрмонжон бориб Қурбонотанинг ёнига чўкка тушди. Қурбонота ёш боладай талпинар, ўзи кўрган тамошаларни негадир Ўрмонжон кўрмаган гумон қилиб нуқул унга та'рифлар, қайта-қайта махтар эди.

Созандалар бир тўхтаб уфур чалишти. Давранинг бир чекка-сидан беқасам тўн кийиб устидан кўкқарга шоҳи қийиқ боғлаган, чуствусха тўпписини чеккасига қўйиб узун ва йўғон кокилларининг бирини олдиға, иккинчиси орқасига ташлаган бир жувон чиқиб қулочини ёзди-да, гавдасини бироз олдинга ташлаб, соз мақомига бошини хиёл-хиёл чайқаб давра бўйлаб йўрғалай кетти. Жувон даврани уч айланганидан кейин ўзи сингари кийинган бир йигитни тортти. Йигит новча, соқоли елпигичга ўхшаган бир кишини тортти. Бу одам аввал уятчанг қизларга тақлидан поз қилиб, кейин ҳалиги беқасам тўн кийган жувонга тақлидан уйинга тушиб ҳаммани кулдирди; сўнгра райижроқум раисининг олдиға бориб муқом қилиб туриб олди. Қийқириқ бўлиб кетти. Раис дарров ўрнидан турди; бир қўлини орқасига кўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишиға қарамай беданадай йўрғалаб кетти. Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб соз овозини босиб кетти. Раис шавқ-завқ блан ўйнаб даврани бир неча мартаба айлангач бир оёғи узра пилдираб бир айландию бехостан Ўрмонжонга ташланди. Ўрмонжон ундан абжирлик қилиб ўзини орқаға, одамларнинг ичига олди. Раиснинг қўлиға Қурбонота кириб қолди. У ўрнидан турди, қўлини кўксига қўйиб бир нимадар деди, майиб оёғини кўрсатди. Раис уни дас кўтарди-да давранинг ўртасига келтириб қўйди. Қурбонота бир лаҳза гангиди. У ловиллаб ёнаёткан аланга ва қаршисида муқом қилиб турган раисдан бошқа ҳечнарсани кўрмас, қулоғига ҳечқандай товуш кирмас эди. У икки қўлини икки томонга чўзди, майиб оёғини соз мақомига аста-аста ерга уриб умрида биринчи мартаба уйинга тушди...

Уйин-кулги ярим кечагача давом этди.

Одамлар тарқала бошлади. Онда-санда аравалар гижирлаб „пўшт пўшт“ деган товушлар, қичқириқлар эшитила бошлади.

Кунжара ёқилган сепоялар тахтаға ўрнатилган экан, олтовини ҳам аста кўтариб бориб ариққа оқизишди. Алангалар тебраниб-қалқиб ариқнинг икки томонини ёритиб борар эди. Унинг кетидан сон-саноқсиз одамлар эргашти.

Ўрмонжон Қурбонотани бир арава олдиға бошлаб келди.

Махсум аллақачан аравага чиқиб олган, қунишиб, дилдираб ўтирар эди. Аравада ундан бошқа яна икки киши бор эди. Қурбонотадан кейин яна тўрт киши чиқди. Отни Сидиқжон минди. Жунар олдида Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига „Меҳмонларни бизникига олиб бор, Анзиратхоланинг кўрпаси йўқ, мен орқаларингдан етиб бораман“ деди.

Сахро аста-секин бўшади. Узоқ адирнинг орқасидан кўтарилган каттакан ойнинг дастлабки шу'ласи тўғоннинг тепасида пирпираб турган байроққа тушди. Арава жўнади. Олдинда оқиб бораётган кунжараларнинг алангаси гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўлиб, теварак атрофга ёғду сочиб борар эди. Булар кўприкдан ўтилаётганда ажойиб манзарани кўришди: ариқдан бояги олтита машалдан бошқа яна сон-саноқсиз кичик машалчалар, чироғлар оқиб келар эди.

— Бу болаларнинг иши,— деди кимдир.

Бу чироғлар блан бирга ариқни бўйлаб қувноқ ғовур, қаҳ-қаҳа, ашула оқиб келар эди.

Меҳмонлар кечани Ўрмонжонникида ўтказиб, эртасига жўнашди.

(Давоми бор)

А. ФАДЕЕВ

ЁШ ГВАРДИЯ

Роман*

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Ваня Земнухов блан Жора Арутюнянц Володя Осьмухин блан хайрлашиб чиқиб, темир йўл бўйлаб Лихая томонга қараб кетаётган қочқинлар оқимига қўшилиб кетдилар.

Бошда улар Новочеркасскга йўл олмоқчи бўлишди; Жора Арутюнянцнинг айтишича, у ерда унинг обрўли қариндоши бўлиб, темир йўл станциясида ямоқчилик қилар экан. Аммо Ваня, Ковалёвларнинг Лихаяга кетишини фаҳмлаб қолиб, сўнгги дамда шу томонга кетаверадиган Жора ўзининг аниқ ва жўн йўлни ташлаб, Земнуховнинг номалум томонига кўнди.

Йўлда тўхтаган бир жойда уларга мўйлаби шобдай гижимланиб кетган гимнастёрка, эзилиб кетган этик кийган, ўнг кўкрагига гвардия нишони таққан бир майор ҳамроҳ бўлиб қолди. Унинг эгнидаги ҳарбий формаси ва айниқса этиги, ўзининг айтишича, беш ойча даволаниб ётганида аллақерларда, яъни госпиталь омборида қолиб кетганидан шу қадар нурсиз бўлиб кетган.

Сўнгги вақтларда госпиталь Краснодондаги энг катта касалхонанинг бўлимларидан бирида жойлашган бўлиб, энди кўчиб кетаётган экан. Аммо, транспорт етишмаганлигидан, туриб юришга ҳоли келган кишиларга пиёда кетаберишга рухсат этилган, юздан ортиқ қаттиқ ярадорлар эса ҳеч чорасиз Краснодонда қолиб кетган эди.

Ўзи ва ўз госпитали тўғрисида батафсил гапириб бўлгач, майор кейин бутун йўл бўйи бир оғиз ҳам индамади. У ниҳоятда камгап, ўтакетган камгап одам эди. Бунинг устига, майор оқсоқланар эди ҳам. Аммо, оқсоқланишига қарамай, у илдам қадам ташлар, ўсмирлардан қолишмас эди, кўп ўтмай шундай ҳурматга

* Боши ўткан соғларда.

ега бўлдики, болалар нима тўғрисида гапиришмасинлар, унинг юзига ҳурмат блан қарар эдилар.

Сонсиз-саноқсиз ёшу-кекса, хотин-халаж ва қўлларига курол ушлаган кишилар бу чекиниш оқимида бениҳоя жабру-жафо тортиб борар эканлар, орқаларига юк халта осиб олган, енгларини билакларигача шимариб, кепкаларини қўлларига олиб олган Ваня блан Жора юраклари ғайратга тўлган ҳолда, илдам қадам ташлаб, ўз истиқболларига умид боғлаб борар эдилар.

Уларнинг бошқалардан фарқи шунда эдики, улар ҳали ёш ва ёлғиз эдилар, улар ёв қасрдаю, бизникилар қаердалигини билмас, турли-туман овозалар, гапларга ишонмас эдилар, бутун олам, унинг бепоён чўли-биебони, жазирама офтоби, ёнғин ва тўзони дам у ерни, дам бу ерини душман бомбардимон қилиб турган йўллар, —хуллас бутун олам уларга тўрт томони очик ва аён эди.

Уларнинг гап-сўзлари ҳам атрофда рўй бераётган аҳволга мутоқ алоқаси йўқ эди.

— Бизнинг давримизда юрист бўлиш сенингча нима учун қизиғи йўқ экан?—деб сўрарди Ваня ўзининг бўғиқ ва йўғон овози блан.

Шунинг учунки, уруш бўлаётган экан. Ҳозир ҳарбий бўлиш керак, уруш тамом бўлгандан кейин хўжаликни тикламоқ учун инженер бўлиш керак, юристликнинг ҳозирча аҳамияти оз,—дерди Жора. Энди ўн етти ёшга кирган бўлсада, сўзлари аниқ ва равшан эди.

— Тўғри, уруш вақтида мен ҳарбий хизматда бўлишни истардим, лекин кўзим ожизлигидан мени олишмади. Мендан сал нарига силжидингми — бўлди, кўзимга қоп-қора доғдай бўлиб ўйринасан,—деди Ваня жилмайиб, — инженер бўлишқу албатта яхши-я, ammo гап бунда орзу-ҳавасда, менда эса ўзинг биласан ше'рга ҳавасим баланд.

— Бўлмаса сен адабиёт олий ўқув юртига кир,—деди аниқ ва равшан қилиб Жора ва менинг гапимни тўғри дейдиган одам—шу майор деб унга қаради. Ammo майор индамади.

— Мен худди шундай қилмоқчи эмасман,—деди Ваня.— Пушкин ҳам, Тютчев ҳам адабиёт институтида ўқимаганлар. У вақтларда бундай ўқув юртларининг ўзи ҳам бўлмаган, институтда ўқиб шоир бўлиб ҳам бўлмайди.

— Ўқисанг — ҳарбало бўласан,—деди Жора.

— Йўқ, мактабда ўқиб шоир бўламан дейиш — тентаклик бўлади. Ҳарбир кимса ўқимоғи ва ўз умрини энг оддий касбдан бошламоғи керак, агар кишининг табиатида шоирлик таланти бўлса бу талант кўп машғулот ва мутолиа блан ривож топиб кетади, мана шундагина, менимча, ёзучиликни касб қилиб олиш мумкин. Масалан, Тютчев—дипломат, Гарин—инженер, Чехов — доктор, Толстой — помещик бўлган...

— Жуда яхши касб-да!—деди Жора, Ваняга қоп-қора арман кўзлари блан маккорона қараб.

Икковлари кулиб юборишди, майор ҳам мўйлов остидан жилмайиб қўйди.

— Ёзучилардан биронтаси юрист булганми?— деб жиддий суради Жора. Унинг фикрича, ёзучилардан биронтаси юрист ўтган бўлса, Ванянинг ҳам юрист бўлишига рози эди.

— Бунисини билмадим, аммо юридиктик фанининг шуниси яхшики, ёзучига ижтимоий фанлар, тарих, ҳуқуқ, адабиёт соҳаларида керак бўладиган ҳамма малумотни беради...

— Менимча, бу фанларни педагогика институтида ўтилган яхшироқ бўлар,— деди Жора бироз мақтанчоғлиқ блан.

— Гарчан менга профессор деб лақаб қўйган бўлсаларинг ҳам, педагог бўлишни хоҳламайман...

— Ҳарҳолда бизнинг судларимизда ёқловчи бўлиш— бема'ни гап,— деди Жора,— Масалан, анови зараркуанда аблаҳларнинг очик суди эсингдами? Мен нуқул ёқловчиларни ўйлардим: уларнинг аҳволи ачинарлик бўлса керак, а?— дедида Жора, яна садафдай тишларини кўрсатиб, кулди.

— Ёқловчи бўлишинг қизинг йўға, негаки биздаги судлар— халқ суди, аммо терговчи бўлиш, менимча, анча қизиқ бўлса керак: ҳархил одамларни учратасан, биласан киши.

— Энг яхшиси — қораловчи бўлиш,— деди Жора.— Вишинский эсингдами? Боплайди-я! Аммо мен сира юрист бўлмас эдим.

— Ленин юрист эди,— деди Ваня.

— У вақтлар бошқа эди.

— Бу мавзуда, я'ни ким бўлиш тўғрисида баҳслашишнинг бефойда ва бема'нилигини билмасам сен блан яна баҳслашардим,— деди Ваня жилмайиб.— Малумотли, ўқимишли, уз ишининг кўзини биладиган, меҳнат севар одам бўлиш керак, бунинг устига яна шоирлик талантинг бўлса— ўзи қайнаб чиқаверади.

— Ваня, ростини айтсам, сенинг деворий газеталарда ва Кошевой блан бирга чиқарган „Елкан“ журналида босилган ше'рларингни ҳузур қилиб ўқирдим.

— Сен, журнални ўқиганмисан?— деб сўради Ваня.

— Ҳа ўқиганман уни,— деди Жора.— Мен мактаб „Крокодил“ни ҳам ўқирдим, мактабамизда нимаики чиқса, ҳаммасидан хабардор эдим,— деди у, мақтаниб.— Ростини айтсам, сенда талант бор!

— Талант қаерда,— деди уялиб, Ваня ва майорга кўзининг қирин ташлади.— Ҳозирча эрмак қилиб юрибмизда... Шоир деб Пушкинни айтадилар, Пушкин менинг илоҳим!

— Рост, сен анови Ленка Позднишевани ўзини ойнага солгани солган деб роса боплаган эдинг... Ҳа-ҳа!.. Жуда бопловдинг, ўлайин агар!— деди Жора арманча талаффуз блан.— Қандай эди? Ғунча лабини очиб... Ҳа-ҳа!..

— Шу ҳам ше'р бўлдим!— деди Ваня уялиб.

— Менга қара, ишқий ше'рларинг ҳам бордир дейман-а?— деб овозини пасайтириб, сирли равишда сўради Жора. Қани, ишқий байтларингдан ўқиб берчи!— деди ва майорга қараб кўзини қисди.

— Қанақа ишқий ше'р? Қуйсангчи!— деб Ваня энди жуда уялиб кетган эди.

Унинг Клавага бағишланган ва „К...га“ деб сарловҳа қўйилган ишқий ше'рлари ҳақиқатан ҳам бор эди. Айнан шундай: катта „К“ ҳарфидан сўнг нуқталар қўйилган эди. Шу онда у, Клава блан ўз ўртасида бўлган гапларни, ўз орзу-хаёлларини яна эслаб кетди. У—бахтли, умумий бахтсизлик ҳукм сурган пайтда у бахтли эди. Аммо қандай қилиб у ўз бахтини, ўз ҳисларини Жорага айтиб берсин?

— Бордир дейман, ўқиб берсангчи, ахир!— деб ялинарди Жора, арман кўзларини ярқиратиб.

— Бўлмағур гапларни қўйсангчи...

— Наҳотки, ишқий ше'рлар ёзмагансан?— деб сўради Жора бирдан ва унинг овозида аввалгидек устозлик оҳанглари пайдо бўлди.— Ёзмаганинг ма'қул. Ҳозир, халқда душманга қарши ғазаб ва нафрат ҳисси туғдириш керак бўлган бир вақтда Симонов сингари ишқий ше'рлар ёзадиган пайтми? Сиёсий ше'рлар ёзмоқ керак. Маяковский, Сурковлар сингари, шундоғ эмасми? Улар роса бошлади-да.

— Гап унда эмас, ҳамма нарса тўғрисида ёзиш мумкин,— деди хаёлга чўмиб Ваня.— Бизлар, энг яхши ва олийжаноб кишилар авлоди орзу қилиб келган ва бу ҳаёт курашган замонда туғилиб яшар эканмиз, шу ҳаётимизнинг ҳамма тарафи тўғрисида ёзаолармиз, бунга ҳаққимиз ҳам бор, буларнинг бари биз учун қийматли ва бошқа тақдорланмайди ҳам.

— Жон ўртоқ, бир ўқиб бер!— деб яна ялинди Жора.

Кун ниҳоятда дим эди; улар гоҳ кулишиб, бақаришиб, гоҳ шивирлашиб, қўлларини паҳса қилиб борардилар; халта осилган елкалари терлаб-пишиб кетган, чанг босган юзларидаги терни артиб, шуваб юборар эдилар, хабашга ўхшаган қоп-қора Жора ҳам, узун ва офтобдан қорайган юзи чўзиқ Ваня ҳам, ҳатто мўйлаби узун майор ҳам,— ҳаммалари гўлоҳдай қоп-қорайиб кетган эдилар. Аммо шу пайтда бутун олам уларга,— майорга ҳам шундай туюлганлигига шубҳалари йўқ эди,— бутун дунё уларга фақат ўзлари учун яратилгандай эди.

— Ҳўб, майли, ўқисам ўқиб берай...

Ваня ўзини тутиб, ҳовлиқмай, бўғиқ овоз блан уқийбошлади:

Йўқ, бизга ғам блан ғафлат бегона,

Ҳаёт машаққати чўчитмас бизни.

Йўқ, йўқ, хиёнатнинг чиркин туйғуси

Асло доғлайолмас соф кўксимизни.

Бахтиёр ёшликнинг олтин йиллари,

Берин-кетин ўтар, йўлимиз ёруғ.

Юксақдир парвози хаёлимизнинг,

Қувноқ орзу блан қалбимиз тўлиқ.

Умид-ишончямиз маш'алдай порлоқ,

Дилга зўр муҳаббат бахш этган ҳаёт.

Самарасиз, совуқ гумон, тушкинлик
Жўшқин руҳимизга алалабад ёт.

Тинч, роҳат меҳнатнинг завқли йиллари,
Бизни истиқболга чарлайди ҳамон.
Олдинда, муқаддас монзилимизда
Коммуна қуёши порлайди ҳамон.

— Офарин! Сенда талант бор, талант! — деди Жора узининг катта ўртоғига самимий ҳавас блан қараб.

Шу пайтда майор аллақандай қилиб пиқиллади, Ваня блан Жора унга қайрилиб қарадилар.

— Болалар... қандай болалар эканлигингизни ўзларингиз ҳам билмайсизлар! — деди майор овози бўғилиб, унинг қуюқ қошлари ўртасида кўмилиб кетган кўзлари намланган эди. — Эҳ-ҳа! Бундай давлат шу маҳалгача туриш берган эди, бундан буён ҳам қимир этмай туради! — деди бирдан овозини баланд қилиб ва қўлини кўтариб, қора калта бармоғини нимагадир бигиз қилиб ўқталди. — У, бизнинг кувимиз битди деб ўйлайди-ку! — деб давом этарди майор. Чучварани хом санабсан, ука, ҳали тирякмиз! Фарзандларимиз сени бир вабо деб биладилар, — келасану, кетасан, ҳаётимиз, ўқиш ва меҳнат эса ўз йўли блан кетаверади! Ҳаптафаҳм! — деб масхара қиларди майор. — Бизку — абадий яшаймиз-а, у ким? Теп-текис жойга чиққан кичкина бир яра, кўчириб ташладингми, — йўқолди — кетди!.. Теп-текис! Госпитальда ётганимда анча руҳим тушиб кетган эди. Наҳотки унга кучимиз етмаса? дердим. Сизларга қўшилдим, руҳим кўтарилиб кетди. Келатуриб, кўп одамлар бизнинг аскарларимиздан хафа бўлса керак, ўлгудек сўкаётган бўлса керак деб ўйлаб келаман. Нега энди? Тўғри, чекиниб кетаётябмиз, аммо у қандай катта куч тўплади, ахир? Лекин бизнинг ма'навий кучимиз — зўр! Ана буни куч дейдилар! Турган жойдан қимир этмай туриш, жонни фидо қилиш, сизга ўхшаган фарзандлар учун жон ва қонни аямаслик, — бахт-саодат-ку! — дедида, ҳаяжонланиб кетганидан, майорнинг чунаккина гавдаси титраб-титраб кетарди.

Жим бўлиб келган Ваня блан Жора майорга меҳрибон назар блан тикилиб қарардилар.

Майор ичидаги бутун гапини айтдию, юраги ёзилди; кир дастрўмоли блан мўйлабини артди-да, шу жим бўлганидан то кечасигача бир оғиз ҳам гапирмади. Тунга бориб майор бирданига ғайратга кириб кетди-да, машиналар, от-аравалар ва артиллерия обозларидан иборат бўлган катта пробкани уёқ-буёққа саранжомлашга киришиб кетди; Ваня блан Жора уни кўздан йўқотдилар у, шу ондаёқ унутдилар.

Лихаяга икки кечаю, икки кундузда етдилар. Бу ерга етганларида немислар Каменский олгани, жанубда, Новочеркасск ёнида жанг бўлаётгани, Донецнинг нариги томонида, Донец блан Дон дар'ёлари ўртасидаги қирда немисларнинг фронтни ёриб ўтган

танкларни ва моторлаштирилган қисмлари жанг қилиб тургани малум бўлди.

Аммо, одамларнинг айтишича, Донецнинг Белокалитвенская ёнидаги кўприги бизнинг қўлимизда бўлиб, қир йўлларидан ўтиб бориб, Донга бемалол чиқиш ва дар'ёдан ўтиш мумкин эди.

Бирнеча кун давомида, жазирама офтобда йўл юриб, ниҳоят-ҳолдан толган Ваня блан Жора, оёқларида оёқ қолмай, қандайдир бир хуторга етгач, похолга ётиб қотиб ухлаб кетишди. Улар, бомбаларнинг гумбирлаб портлаган товушига уйғондилар.

Ваня блан Жора Донецнинг у томонида, боғлари кўм-кўк, ҳукумат ва мактаб иморатлари кўпгина бўлган катта Станица шаҳарнинг пастроғида тўпланиб турган сонсиз-саноқсиз машиналар, от-аравалар ва одамлар манзилига етиб олганларида офтоб ҳали унча баланд кўтарилмаган эди, аммо бепоён буғдойзорнинг тепаси жазирама иссиқнинг тўлқинида жимир-жимир қилади эди. Осмондан бомбардимон қилинган биноларнинг кўпи ҳали ҳам ёнар, буруқсиб турарди.

Бундан икки ҳафта бурун қарор топган, одамлари келиб-ке-тиб турса ҳам, аммо доимий суратда истиқомат қилучилари ҳам бор бўлган бу катта манзилга янги одамлар, от-аравалар қўшилиб турарди, унинг ўзига яраша тартиби ҳам бор эди.

Бу манзилда — ҳарбий қўшилмалар қолдиғи, идора ва корхона коллективлари, турли машиналар, аравалар, ҳархил ижтимоий табақа қочқинлар, ёш, қари, эркак ва аёл, бола-чақали ва бўйдоқ кишилар йиғиндиси эди. Бу одамларнинг бутун кучи, бутун фикру-ёди тезроқ дар'ё бўйига, Донец устига қурилган сузма кўприкка етиб олишда эди.

Броқ, манзилга тўпланган одамлар зўр бериб кўприкка қараб интилсалар, кўприкни идора қилиб туручи ҳарбийлар эса одамларни кўприкка қўймасликка, даставвал Қизил Армиянинг чекинаётган қисмларини ўтказиб юборишга зўр берар эдилар. Бу қисмларнинг ба'зилари жанубий армияларнинг шимол томонида кўмаклашишига шошилар, ба'зилари эса тезроқ Дондан ўтиб, чекинишга мажбур эдилар.

Манзилда ҳаёт хусусий ва шахсий иродалар блан ҳарбий, ҳукумат режаси ўртасида бўлаётган бу курашда, Донецнинг бу томонида ҳам, у томонида ҳам ҳадемай, ёв пайдо бўлиб қолиш хавфи остида, бад ҳайбат овозалар икки ўртадаги куч ва хирсларни янада кўзғатиб турган бир шароитда ўтиб турарди.

Ўз навбатларини узоқ кутиб қолган ба'зи ташкилотлар ҳатто ўзларига чуқур қазиб ҳам олган эдилар. Ба'зилари чодирлар тиккан, ўчоқ қуриб олган, қозон ҳам осиб қўйган эдилар. Лагеръ тўла бола эди. Донецнинг тор, энсиз кўпригидан кечаю-кундуз машиналар, одамлар, от-аравалар тинмай ўтиб турарди, унинг икки ёнидан эса одамлар сол, қайиқлари блан ўтардилар. Минглаб сигир ва ҳўкизлар, қўй ва эчкилар қирғоқда сиқилишиб-уринишиб сувдан сузиб ўтарди.

Немислар кўприкни ҳар куни бирнеча марта бомбардимон қилар, пулемётлардан ўққа тутарди, уларнинг пайдо бўлиши

бланоқ кўприкни ҳимоя қилиб турган зенит артиллерияси, зенит пулемётлари ҳам отабошлар эди, шунда бутун лагерь бир лаҳзада қирга қочиб кетар; аэропланлар кўздан ғойиб бўлиши блан ҳамма яна ўз жойига қайтиб келар эди.

Ўқ еб, бомба остида қолиб ўлганларга ҳечким қарамас, ҳечким уларни кўммас эди, уларнинг жасадлари иссиқда сасиб, бирнеча кунлаб қолиб кетарди.

Шу лагерьга келиб қолганидан бери Ванянинг Ковалёвлар тушган машинани топиб олишдан бўлак ўйи йўқ эди. Унда икки ҳис бир-бирига қарши курашарди: у хавфнинг нақадар жиддийлигини сезган, шунинг учун Клава ва унинг ота-оналари Донецнинг у ёғида эмас, балки бу ёғида бўлишини истар эди, шунинг блан бирга Клавани шу ерда учратса ҳам кўп хурсанд бўлар эди.

Ваня блан Жора краснодонлиларни қидириб, лагерьда кезиб юрганларида бирдан уларнинг номларини айтиб кимдир чақириб қолди. Шу ондаёқ уларнинг мактабдошлари Олег Кошевой — офтобдан қорайган, аммо ҳарвақтдагидек бежирим, устибоши тоза, серҳаракат, елкаси кенг, олтин киприкли бола ўз ўртоқларини катта қўллари блан кучоқлаб, лабларидан ўпабошлади.

Улар 1-нчи бис кўмир конининг Валько блан Шевцовлар тушган машинага, Уля блан Кошевойнинг қариндошлари тушган аравага, Ваня блан Жоранинг ҳаракати орқасида Краснодондан кўчиб кетган болалар уйига дуч келган эдилар. Болалар уйининг мудираси энди уларни танимади ҳам.

ЎНИНЧИ БОБ

Лагерьнинг Ваня блан Жоралар келиб чиққан жойида 1-нчи бис кўмир кони директори Валько қаттиқ қўллик блан тартиб ўрнатган эди: машиналар ва арвалар бир томонга қатор қилиб тизилган, ҳамма жойда чуқурлар қазилган эди. Конга қарашли машина ёнида эски четанлардан ўтин ҳам ғамлаб қўйилган. Марина келиноий блан Улялар янги карам солиб шўрва пиширмақда эдилар.

Бу кекса лўли Валько чинакам иш биларманд одам эди ўзи. У, ёнига тўрт-бешта ишчи ва комсомол болаларни олиб, ўз қўли блан тартиб-интизом ўрнатмоқ учун кўприк томонга кетатуриб, бир-бирига туташиб кетган қоп-қора қалин қошлари тагидан атрофга хўмрайиб қараганида, ҳамма индамай унга йўл бўшатиб берарди.

Жуда катта миқ'ёсдаги мукамал корхоналарни идора қилиб келган раҳбарларга ўхшаб йўлда учрайдиган борча қийинликларни бартараф қилишни биладиган Валько, Қизил Армиянинг жанубда чекинишига сабаб немислар бу ерда кўп солдат, самолёт ва танк тўплаганидан эмас, балки фронтдаги ҳарбийлар қўллари берилган мукамал ва ажойиб машина ва одамлрни ҳали яхши ишга сола билмаганликларида эканлигини яхши сезар эди. Кўприк ёнида атиги бирнеча минг одам, машина ва арвалар тўпланиб, тўс-тўпалон, бетартиблик қилишининг сабаби ҳам,

Вальконинг фикрича, худди шунда бўлиб бу ерда тартиб ўрнатишга у жони-диля блан киришган эди.

Валько тартиб ва интизом ўрнатабошлаши бланоқ Олег, илгари Каюткинни, ундан ҳам олдин Уляни қандай яхши кўриб қолган бўлса, уни ҳам худди шундай яхши кўриб қолган эди.

Бекор ўтирмай, тинмай ишлаш, қўлидан келганича одамларнинг турмуш ва ишларига аралашиб, уларнинг бу турмушига қандайдир янгилик киритиш, яхшилаш истаги, — ҳали тағига ўзи ҳам яхши тушунмаган, аммо унинг табиатидаги чуқур хислати бўлган руҳий бир куч Олегни ҳаракатга солар эди.

Ваня Земнухов блан бирга Вальконинг кетидан кетатуриб, дерди:

— Бу ерда учрашганимиз қандай яхши бўлди-я, Иван! Мен сени соғиниб қолган эдим. Кўрдингми? Сен бўлсанг ше'р дардида юрибсан, оғайни!.. — Кўзи ва қўли блан олдинда кетаётган Валькони кўрсатди. — Оламда, оғайни, ҳамма ишнинг негизи — ташкилотчилик! — дерди олтин киприкли кўзларини чақнатиб. — Агар у бўлмаса ҳарқанақа иш ҳам бузиларди, барбод бўлиб кетарди. Аммо бош қўшиб, иродангни ишлатдингми, бўлди...

—...Ўзингни ўлгудек дўппослаб урадилар, — деди Валько юзини уларга ўгирмасдан.

Болалар унинг бу оғир ҳазилидан кулиб юборишди.

Фронтнинг кейинги эшелонига тушиб қолган одам олдинги томонда бўлаётган жангнинг нақадар даҳшатли эканлигини билмаганидек, бу ерда ҳам, кўприкдан анча нарида, навбатнинг энг кетида туриб, фалокатнинг нақадар катталигини тасаввур этиш қийин эди.

Улар кўприкка яқинлашганлари сари кўприкдан ўтучиларнинг аҳволи янада баттар, мушкул кўринарди, бирнеча кундан бери давом этиб келаётган, ҳамманинг тинқасини қуришиб, тоқатсиз қилган бу аҳволни қуролли кучдан бошқа ҳечқанақа куч тартибга сололмас эди. Ҳамма — кўприкка чиқиб олишга интиларди, шунинг учун кейинги машиналар олдингиларни зўр бериб итарар, улар тағида ва ён-атрофларида одамлар тиқилишиб юрар эдики, натижада ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетган, одам одамни танимас эди, уларни аста-секин, битта-битталаб олдинга ўтказиб турилмаса тартиб ўрнатишнинг сира иложи йўқ эди.

Жазирама офтобда терлаб, пишиб кетган, бир-бирларини сўқан, ла'натлар ўқиган одамлар шу даражада тажанг бўлиб кетган эдики, бир-бирига тегиб кетса портлаб, ёрилиб кетгудай ҳолга келиб қолган эди. Ҳаммаёқдан ҳақорат эшитиларди, ким-кимни ҳақорат қилаётир, ким-ким блан уришаётир, билиб бўлмас эди.

Кўп кечалар ухламай, уйқусизликдан, ортадан кечгача офтобда туриб, минг-минглаб оёқлар ва машина, арава филдираклари кўтарган чангдан қорайиб кетган, бақиравериб овозлари бўғилиб қолган, кўзлари қип-қизарган, асабийликдан қўл-оёқлари қалтираб турган ҳарбийлар кўприкни ҳамон ўша зайилда идора қилиб турар эдилар.

Бу одамлар қилаётган ишдан бошқа яна бирон нарса қилиш-

нинг иложи йўқлиги аниқ эди, аммо, шунга қарамасдан, Валько кўприк бошига тушди, унинг бўғиқ овози бошқа овозлар, машиналарнинг бўқириши, пишқириши орасида кўмилиб кетди.

Ўртоқлари билан бирга дар'ё бўйига зўрға чиқиболган Олег, сойнинг ботқоқ бўлиб кетган соҳилидан тўла юк ортилган машина ва аравалар, терлаган, кирлаб кетган, хўрланган минг-минг одамларнинг кўприкка томон тушиб келишларига алам ва ҳасрат билан қараб турарди.

Ёшлигидан севган, ўртасигача мактабдошлари билан неча марта балиқ овлагани ва чўмилгани бориб юрган, шу ерга келиб бағри кенгайган Донец дар'ёси эса ҳамон осойишта, лойқаланиб оқиб турарди.

— Бировнинг тумшугига бир тушургим келиб турипти, — деди бирдан Виктор Петров; у, ўзининг жасур кўзларини кўприкка эмас, дар'ёнинг ўртасига тиккан эди. Погорелое хуторида туғилиб ўсган бу бола шу дар'ё бўйида катта бўлган эди.

Сиз урадиган одам аллақачон дар'ёдан ўтиб кетган бўлса керак дейман, — деб ҳазиллашди Ваня.

Боалар пиқиллашиб кулиб юборишди.

— Бу ерда эмас, у ерда тумшукқа тушириш керак, — деди дўппи кийган Анатолий, ғарб томонни кўрсатиб.

— Рост айтасан — деб қувватлади уни Жора.

Шу гапларни энди гапириб бўлишлари билан бирдан.

— Осмон! — деган товуш эшитилди.

Дарҳол зенит тўплар урабошлади, пулемётлар тилга кирди, осмонда моторларнинг овози эшитилди, ташланган бомбалар вишиллаб тушабошлади.

Боалар ерга ётиб олишди. Яқин ва йироққа тушган бомбаларнинг портлаши бутун атрофни ларзага солди, осмондан тупроқ, тараша ёғабошлади, аэропланлар учиб ўтиб кетгандан кейин яна бошқалари, улар кетидан яна бошқалари келиб, бомба ташлайверди, оҳ-воҳ, фар'ёдлар, бомбаларнинг гумбирлаб портлаши, зенит тўплари ҳамда пулемётларнинг овози оламни босиб кетган эди.

Самолётлар ҳам учиб ўтиб кетиб, одамлар энди ердан турабошлаган эди, бирдан Жора билан Ванялар тунда қўнган хутор томондан тўп овозлари эшитилди, шу ондаёқ лагерьнинг қоқ ўртасида ҳаммаёқни кўкка сонуриб замбарак ўқлари ёрилабошлади.

Ердан турган одамларнинг ба'зилари яна ерга ётди, бошқалари эса ўқ ёрилаётган томонга ўгирилиб қарайбошладилар, улар кўприкдан ҳам кўзларини узмас эдилар. Кўприкни идора қилучи ҳарбийларнинг афтидан ва хатти-ҳаракатидан одамлар катта фалокат юз берганини сездилар.

Кўприкни идора қилиб турган ҳарбийлар бир-бирларига қараб олишди, бир пас қулоқ солиб тик туришди; бирдан улардан бири кўприк ёнидаги блиндажга югурганича кириб кетди, бошқаси эса бақяриб командани тўплай бошлади.

Бир ондан сўнг ҳарбий киши блиндаждан бир қўлида икки

пинель, яна бир қўлида юк халталар ушлаганича югуриб чиқди: пккала ҳарбий ва комендант командасига қарашли жангчилар саф тортмасданоқ кўприкка югурдилар, кўприкка ва кўприкда яна ҳаракатга келган машиналар орасидан чошиб кетдилар.

Бундан кейин юз берган нарса шу қадар кутилмаган бўлдики, нимадан бошланганини, олдін нима бўлганини ҳечким айтиб бераолмас эди. Ҳалиги ҳарбийлар кетидан аллақандай одамлар қийқириб югуришди. Кўприк бошида турган машиналар орасида саросималик туғилди: бирнеча машина бирданига кўприкка қараб юрди, улар бир-бирлари блан уришиб тарақа-туруқ қилиб синабошлади, йўл банд бўлсада, кетиндаги машиналар олдиндагиларни итариб, удар ҳам кўприкка интилишди, моторларнинг бўкириши оламни босган эди. Машиналардан бири сувга ағнаб кетди. Унинг кетидан яна бири тушиб кетди, яна бири энди ағнаиб бошлаган эди, шофер шартта тормозни босиб, машинани тўхта-тиб қолди.

Машиналарни ожиз кўзлари блан ҳайрон бўлиб тамоша қилиб турган Ваня Земнухов бирдан:

— Клава! — деб қичқириб юборди-да, кўприкка қараб югурди.

Сувга қулабтушишга оз қолган машина Ковалёвнинг машинаси эди, унда юк устида Ковалёвнинг ўзи, хотини, қизи яна бошқа одамлар ўтирарди.

— Клава! — деб яна бақирди Ваня. Қандай қилиб машинага бориб қолганини ўзи ҳам билмас эди.

Машинадагилар сакраб тушабошладилар. Ваня қўлини узатди, Клава унинг қучоғига сакради.

— Тамом... Онасиникига қараб кетди... — деди Ковалёв, бунинг гапидан Ванянинг юраги шув этиб кетди.

Клава Ваняга қараса ҳам кўрмас, дир-дир қалтирарди.

— Юрабласанми? Айтсангчи, юраоласанми ўзинг? — дерди йиғлоқ овоз блан Ковалёв хотинига; унинг хотини бир қўлини юрагига босиб, сувдан чиққан балиқдай оғзини очиб ҳаво ютарди.

— Ўзинг кетавер, ўзинг кетавер... Улар сени ўлдиршади... — дерди у нафаси бўғилиб.

— Нима бўлди? — сўради Ваня.

— Немислар! — деди Ковалёв.

— Қоч, тезроқ қоч, — дерди Клаванинг онаси.

Ковалёвнинг кўзи жиқ-жиқ ёшга тўлди, у Ванянинг қўлидан ушлаб.

— Ваня! — деди йиғи ичида. — Уларни ёлғиз ташлама, қутқор. Тирик қолсаларинг Нижняя Александровкага боринглар, у ерда қариндошларимиз бор... Ваня! Бутун умидим сен...

Худди кўприк бошига машиналар ўртасига снаряд келиб тушди.

Қирғоқда турган ҳарбийлар ҳам, оддий кишилар ҳам индамасдан кўприкка ёпирилиб тушишди.

Ковалёв, Ванянинг қўлини қўйиб юборди-да, хайрлашмоқчи бўлган бўлса керак, хотини ва қизи томонга интилди, аммо

икки қўлни силкитиб, бошқалар блан сузма кўприкдан чопа кетди.

Олег қирғоқдан Земнуховни чақирарди, ammo Ванянинг қулоғига ҳечнарсa кирмас эди.

— Қани, юринглар, тагин бирон фалокатга йўлиқмайлик, — деди у Клаванинг онасига ва унинг қўлтиғидан ушлади. — Юринг! Юринг, ҳов анави блиндажга кирамиз. Клава, юр орқамдан, эшитдингми? — Мулойим қилиб дерди у.

Блиндажга тушиб кетатуриб у, зенит тўплари ёнидаги жангчиларнинг шошиб-пишиб алланималар қилганини, тўплардан қандайдир оғир бўлақларни ажратиб олиб, кўприкга қараб югурганларини, бир пасдан кейин уларни сувга ирғитганларини кўрди. Дар'ёнинг ҳамма еридан, кўприкнинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам, одамлар ва моллар сувдан сузиб ўтардилар. Ammo Ваня буни кўрмас эди.

Уни ва Валькони йўқотиб қўйган ўртоқлари рўпарадан босиб келаётган одам оқимига дуч келмасликга ҳаракат қилиб, от-аравалари турган жойга қараб югуришди.

— Ҳаммаларимиз бирга бўлайлик, бир-биримиздан ажралмайлик! — дерди. Олег, у, ғазаб ўти блан ёнган кўзларининг ўртоқларига жовдиратиб кучли елкалари блан одамларни туртиб борарди.

Бутун лагерь ҳаракатга келган, тарқалабошлаган эди, — машиналар бир-бирларини итаришар, иложини топганлари эса қирғоқ бўйлаб дар'ёнинг паст томонига ўрмалаб кетабошлаган эди.

Дастлаб самолётлар ҳужум қилиб келиб қолган вақтда Марина келиноий ўчоққа шох-чўп ташлаб ўлтирарди, Коля тоға эса тўпчилар ханжари блан шу чўпларни майдалаб берарди. Уларнинг ёнида майса ўт устида ўтирган Уля хаёлга чўмган, ўйланиб ўтирарди, унинг чеҳрасида, лабларининг икки бурчагида, бурнининг четларида қандайдир зўр куч акс ётарди; у, машинанинг четида ўтириб, кўк кўзли қизчага сут ичириб, энди уни қучоқлаб, қулоғига нималарнидир айтиб бераётган Григорий Ильичдан ва кулиб қотаётган қизчадан кўзини узмас эди. Гулхонадан ўттиз метрча нарида турган машина атрофида, мураббиялар назорати остида болалар ўйнаб юришарди, болалар уйи мудираси эса ҳечнарсa парво қилмай ўтирарди. Петров блан Кошевойларнинг аравалари сингари болалар уйининг аравалари ҳам бошқа аравалар ўртасида қолиб кетган эди.

Самолётлар беҳосдан учиб келиб қолдики, ҳечкимса ўзини ердаги чуқурларга ташлашга улгураолмади, ҳамма турган жойида ерга ётди. Дарров ерга ётиб олган Уля, осмондан тушиб келаётган бомбанинг визиллашини эшитди. Шу ондаёқ момақалдироқдай ёрилган бомбанинг овози унга ёнидан эмас, балки ичидан эшитилгандай сезилди. Тепасидан ҳаво вишиллаб кетди, устига тупроқ ёғилабошлади. Улянинг қулоғига моторларнинг овози ва яна бомбаларнинг визиллаши эшитилди, ammo бу сафар бомбалар анча нарига тушган бўлсада, у ҳамон кўкрагини ерга бериб ётарди.

Қачон турганини ва нима учун турганини билмас эди. Унинг кўзига бутун олам кўринди, юрагидан даҳшатли, алам блан тўлган фар'ёд кўтарилди.

Унинг ёнида турган 1-нчи бис кўмир кони машинаси ҳам, Григорий Ильич ҳам, бояги кўк кўзли қизча ҳам,—ҳечким энди йўқ эди. Машина турган жойда катта ўра пайдо бўлган, ўранинг атрофида машинанинг куйган бўлаклари, болаларнинг жасадлари ётарди. Уядан бирнеча қадам нарида қизил рўмол ўраган, лой ва тупроққа беланган аллақанақа бир нарса талвасаланиб ётарди. Бу нарса болалар уйи мураббияси танасининг юқори қисми эканлигини билди, пайпоқ устидан резинка бота кийган пастки қисми эса бутунлай йўқ эди.

Бошини зўр бериб пастга энгаштирган, икки қўлини орқасига қилган саккиз ёшар бир бола худди сакрамоқчи бўлиб тургандай, бир жойнинг ўзида гир-гир айланарди, чинқириб бақирарди.

Уля эса—ҳушсиз ҳолатда болага ташланди, уни қучоғига олмоқчи бўлган эди, бола баттар чинқириб бақирабошлади. Уля, боланинг бошини кўтариб қараса гўдакнинг бутун юзи қавариб шишиб кетган, кўзлари эса шокасасидан чиқиб кетган эди.

Уля ерга ўтириб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Атрофда ҳамма қочарди, аммо Улянинг кўзига ҳечнарсга кўринмас, қулоғи ҳечнарсани эшитмас эди. У, ёнига Олег Кошевой келгандагина эсига келди. Олег алланималар дерди, ўзининг катта қўллари блан унинг сочларидан силарди, ердан кўтариб қўймоқчи эди ҳам шекилли, аммо Уля ҳамон ўзини йиғидан тўхтатолмас, қўллари блан юзини беркитиб, ҳамон йиғларди. Замбарак овозлари, бомбаларнинг гумбирлаши, пулемётларнинг узоқдан келаётган тарақа-туруғи—қулоғига кирса ҳамки, энди парвойи-фалак эди.

Бирдан Олегнинг ниҳоятда ёш, қалин ва титраган овоз блан: — Немислар... деганини эшитиб қолди.

Бу сўз унга та'сир этди. У йиғидан тўхтади-ю, бир онда қаддини ростлади. Олдида турган Олегни, ўз ўртоқларини, Викторнинг отасини, Коля тоғани, боласини кўтариб олган Маринани, ҳатто Олегларни олиб кетаётган чолни таниди. Улар орасида фақат Ваня Земнухов блан Валько йўқ эди.

Бу одамлар ҳаммаси бир томонга кўзларини тикиб қараб туришарди, Уля ҳам ўша томонга қаради.

Улар қараб турган томонда энди лагерьдан асар ҳам йўқ эди. Уларнинг кўз ўнгида энди қуёшдан қизиган кенг ва бепоён чўл ётарди. Шу очик чўлдан уларнинг устига немисларнинг қурбақага ўхшаб бўялган танклари ёпирилиб келмоқда эди.

(Давоми бор)

МИРМУҲСИН

ДУНАН

Поэма

У, қорача,
 норғул,
 ва новча —
суяклари бузуқ,
 кифти кенг.
Ҳали йиқилмаган курашда,
Қишлоғида йўқдир унга тенг.
Ана!
 ўзи турар,
 дўппи яримта...
Қоши, унинг зулукдек,
 қуюқ.
Белга боғламышди, бўшгина —
зангор,
 сариг...
 тўрт қават қийиқ.
Оёғида баланд пошна этик,
Елкасида янги чопони.
Қишлоғида барча уни дейди,
Унинг номи:
 „Дунан чапани“.

* * *

Лекин,
Дунанвойнинг бағри ёнар эди,
Севги уни қилмиш беқарор...
Узоқ кечаларда,
 Ёрни ўйлар эди,
Юрагида яшар эди ёр.
Пахса девол каби кўкраги,
Ишқ олдида бўлибти юпқа.
Ётар, турар...

Йўқдир ҳаловати,
Гоҳо, ёрдан қиларди упка...
У, туради канал кўпригида,
Тикилади жимир-жимир сувга.
Мана,

биринчи бор,
шу ерда —
Қўл солганди бағрига севги...

* * *

...Сабил қолсин,
нимасига тегай?
Бедонасигами, чопонига?..
Нима бўпти?

битта чойхоначи...
Ким тегарди у чапанига!..
Шундай дебти қиз колхозида
Шундай бўпти унинг жавоби...
Дунан куйди,
Дунан ёнди...
Қизга ёқмай қопти, ҳисоби.
Қишлоғида ҳечбир йигит, бундай —
Эшитмаган эди терс жавоб.
Ҳаммаси ҳам уйланишиб олган;
Қосим — сўтак,

Нажим,
ва Ражаб...
Мундоқ, чаккасини қашлади,
Мана, муҳаббатнинг азоби...
Наҳот шундай дейди,
Наҳот шундай деса?
Наҳот шундай гапирса Зеби?..

* * *

Йиллар ўтди,
Машаққатли йиллар...
Ўтиб кетди кураш,
жангу-жадал.
Дунанвой ҳам қайтди голиб бўлиб;
Кўкрагида олтита медаль.

Йиллар ўтди,
йиллар Дунаннинг —
Мўнлабини чиқарди,
мана!

Ҳамон юрагида ўша Зеби,
Ўша, ишқи бошланган канал...
Жангдан қайтгач,

Кетман олди қўлга.
Қўлга чиқолмади бедона.
Жангар жўжалари,
туллакларя...
Дунанвойга бўлди бегона.

Қоқ пешинда,
Куннинг тифасида,
Келиб қолди ҳаллослаб кампир,
Бир қўлида — чўмич ва товоқ...
Бир қўлида — нон ва қалампир,
Дунан аста кетманни қўйди,
Намлаб олди қақроқ томоғни.
Кампир мошхўрдадан сузди,
Лямиллатиб катта товоқни.
Терга ботиб мошхўрдани ичди,
Чумилгандай бўлди дар'ёда.
Терлаб-пишиб ичсанг,
Мошхўрдадан —
Ширян овқат йўқдир дун'ёда...
Қош қорайгач,

қайтди даладан,
Муздек сувда ювди юзини,
Аввалгидек бели оғримади,
Қушдек енгил сизди ўзини.
Яктагини қоқди,
Этигини артди,
Кетманини олди елкага.
Ғузаларга қараб режа тузиб қўйди,
Режа тузиб қўйди эртага.
Бир оз юргач,

Еш болани кўрди;
Сўқмоқ блан келарди бола.
Яқин келиб тўхтади;
— Юринг,
Сизни чақиради опам-ла.
Танимади —

кимнинг боласи бу?
Тушинмади —

ким чақиради?
Ажабланди —

ким экандир у?..
Жадал юрди —

кимни кўради...
Тол тагида Зеби турар эди...

Дўнан кўриб чўмилди терга.
Кўзлар кўзга тушди...
Қип-қизариб —
Зеби секин қаради ерга.
Бир дақиқа жим қолди иков.
Қовушмасдан қолди лабга-лаб.
Туришарди жимжит,

жимжит,
жимжит...

Чаккасини қашлар,
Қани гап?.....
Зеби укасига қаради:
— Сен кетабер, югур, опўси,
Мен кетингдан бораман, Раим!
„Ҳозир келадилар“ дегин—
Агар сендан сўраса ойим.
Бола чопиб кетди,

навдага миниб,

Ҳа, чу-чу... лаб,
савалаб,
кишнаб...

Ана, узун сўқмоқ,
Ўнг ва сўли гўза,
Кум-кўк дала ётади яшнаб
Иков бирга,

жимжит,
кўзлар ерда,

Иўлдан бир оз чиқишди четга,
Дўнан бўлса, қийиғини ёзди —
Ариқ лабидаги кўк ўтга.
— Йўк, йўк, Дўнан ака, юринг,
Йўл четида ўтирманг, баққа
Хув, нарида қайнар булоқ бордир,
Сув ичамиз,
юринг булоққа...

* * *

Мана,
тяннқ,
муздек,
қайнар булоқ.

Жимир-жимир тагида тоши,
Сунбуланинг сувидек.
Ҳатто —

Илитолмас саратон қуёши.
Тепасида синиқ, яримта —
Тегирмонтош ётар қадимдан.
Бир томонда азим туп сада,

Атроф кўм-кўк гиламдир чимдан.

— Зеби...

деди Дўнан,

Икки кўз —

Жимжит, бир-бирига тикилди.

Кейин, аста ерга боқди Зеби.

Ерга боқди ва пиқ-пиқ кулди.

Бир ниманинг келди шарфаси,

Дик туришди булоқ лабидан...

Аланглашди,

жимжит...

фақат, ана —

Ёлғиз ўтлаб юрар бир бузоқ,

Олдиндачи,

қумни ўйнатиб,

Қайнаб-қайнаб чиқарди булоқ...

1947 йил
Тошкент.

СОДИҚ ҚАЛАНДАР

БИЗ УРОЛДА

*Поэсть**

V

Кишини зериктиручи куз ёмгири бир нафас ҳам тинмай бир зайилда бутун тун бўйи ёғиб чиқди. Тонг отгандан кейин ҳам пасаймади. Фақат бошқа бир томонга қиялаб қуюшда давом этди. Ҳаммаёқ шалаббо бўлиб кетди. Станциянинг юк туширадиган, ўрмон яқинидаги боши берк темирйўлчасида турган очиқ вагонлар устида Ленинграддан кўчирилиб келтирилган заводлардан бирининг брезент блан қопланган асбоб-ускуналари расо увиб ётар эди.

Уйчалардан одамларнинг баланд-баланд гапиришлари, болаларнинг қийқириғи, гўдакларнинг йиғиси эшитилиб туради. Ўрмон ичида болталар тарақлар, аҳ'ён-аҳ'ёнда дарахтлар шақирлаб қулайди.

Бу ерда, вагонлар атрофида ҳам одамлар ғовури; ҳарқаер-ҳарқаерда ғиштдан ўчоқ қилиб, ёки уч ёғочнинг ўртасига котелоклар осиб картошка ва концентратдан бўтқа пиширишмоқда. Вагонлар атрофида тутун буруқсийди. Ҳаммаёқдан картошка блан бўтқанингиси келади.

Бу ўчоқларнинг атрофида тўда-тўда бўлиб ўтиришган одамларнинг ҳарбири, рўзгор ва иссиққина уйни эслатучи бу тутунларга яқинроқ ўтиришга тиришар, шу блан гўё ўз хуморларини тарқатаётгандай эди. Бу тўпларнинг қайбирида битта-иккита аёл ҳам кўршнадди. Бир-бирлари блан қизгин суҳбатда бўлган бу одамларнинг икки кўзи тўғридаги қайин дарахтидан ясалган катта дарвозага тикилган. Кенг тош йўлнинг нариги томонидаги бу дарвоза эшелон турган жойдан 50 метрча узоқда эди. Дарвоза ичкарасида заводнинг узун-узун трубалари, улкан-улкан иморатлари, ойнаклари ва темир-терсақларнинг баланд-баланд уюмлари кўриниб турмоқда.

* Боши журналининг 4-нчи сониди.

— Кўринишидан, жуда катта заводга ухшайди, — деди дарво-
за ичкарисини имо блан кўрсатиб эркаклардан бири.

— Ҳа, жуда катта завод экан, — бемалол жавоб берди иккин-
чиси ва қўлидаги чекиб турган тамакисининг кулғини қоқди. —
Бунинг катталиги шундан ҳам кўриниб турибдики, ана, унга
қара, кун чиқиш ёқдан кирган темир йўл қанча жойдан бориб
чиққан. Мана, бу тошйўл ҳам... Уни қара, заводнинг эшиги ол-
дидан то, ана ўша кичик ўрмоннинг тагигача борар экан, кўр-
дингми?

— Кўрдим-кўрдим. Ҳали бунга бизнинг завод қўшилса, ундан
ҳам катта бўлиб кетади, десангчи.

— Албатта.

— Ўҳў, ундан кейин кўрасан, — деди ма'қуллаб учинчиси.

Заводга борадиган тош йўлдан якка-якка ва тўп-тўп бўлишиб
ишчилар ўтмоқда. Булар юк туширадиган боши берк темир-
йўлда турган эшелонга қизиқиб қарашар, саломлашар, ба'зилар
кетатуриб, шу томонга алланималар деб қичқирившар эди.

— Салом, ўртоқлар! — деди баланд овоз блан ҳалиги ўтаёт-
ган ишчилардан кенг яғринли бир ёш йигит ва бошидан шапка-
сини олди, — келинлар! Бизга келган меҳмонларми?

— Ҳа, сизга келган меҳмонлар, — унга жавоб берган бирнеча
овоз кўтарилди.

— Яхши-яхши. Бемалол! — деди ишчи.

Ёш ишчи йигит шапкасини бошига кийиб, ёнидаги бирга кета-
ётган кексароқ бир ишчига нималарнидир ма'қуллаб, йўлида
давом этди.

— Ёмғирда қолибсизлар-да, — деди паст овоз блан булардан
бир-якки қадам орқада бораётган бир ишчи.

— Нима дедингиз?

— Ёмғирда қолибсизлар дейман, — бу сафар овозини баланд
роқ қилиб гапирди ҳалиги ишчи.

— Ҳа, ёмғирда қолдик.

— Чакки бўлибди-да.

— Чакки ўтибди дейсизми?

— Йўғе, — деди ишчи, — чакки бўлибди дейман. Чакки эмш...
бутун увиб кетибсизларку! Хайр, ҳечқиси йўқ. Ёмғир ҳам беш-ўн
кунлик меҳмон. Ёзда бу ерлар бутунлай яхши бўлиб кетади, —
буларнинг кўнглини кўтарган бўлди ишчи; — ўрмонда қўзиқорин,
маймунжонлар кўп бўлади...

— Раҳмат, аввал жойлашайликчи.

— Албатта, жойлашасизлар. Лекин ёмғирда жуда ивибсизлар-
да. Айниқса, ёш болаларга жуда қийин бўлибди.

— Зарари йўқ, чидайди.

— Нима қилади ахир. Иложи йўқ.

— Уруш...

Энди одамлардан ба'зилари эшелон турган жойдан нарироққа
бориб, аста-секин кўча юзага чиқабошладилар. Булар, шу ер-
лик ишчилар орасидан бирорта таниш ортдиришни ўйлаб ва улар-

дан бу қандай завод эканини, буида қанча ишчи борлигини, завод яхши асбоб-ускуна блан тўла жиҳозланганми — ҳаммасини билишни истар эдилар. Аммо шу вақтда иккита юк машинаси катта пўлдан бурилиб эшелон яқинига бориб тўхтади. Машиналар қизил аскарлар блан лиқ тўла эди. Буни кўрган одамлар куча юзидан аста-аста орқаларига қайтабошладилар.

Биринчи машинанинг кабинасидан бир офицер чиқди. Унинг ёқасидаги петласида учта тўрт бурчак (кубик) бор эди. У, қизил аскарларнинг машиналардан сакраб-сакраб тушишларини бир пас кутиб тургач, бор овози блан қичқирди:

— Рота, менинг командамни эшит! Икки сафга қатор бўл!

Пахталик шим, фуфайка кийиб олган жангчилар югуришиб бир нафасга қатор бўлдилар. Рота командири текис ва қимирламай, ўз қаршиларига қараб қотиб турган сафни айланиб чиқди-да яна баланд овоз блан:

— Вольна! Тарқалмангиз, — деди.

Офицер ўзига хос чаққонлик блан чап ёнига бурилар экан, вагонлар тагида жимгина қараб туришган бир тўда ишчилардан:

— Ўртоқлар, эшелон бошлиғи қаерда? Мени унинг олдига олиб борсанглар, — дея сўради.

— Ана, эшелон бошлиғи, — деди бир ишчи шу томонга шошилиб келаяпти. Уzun бўйли бир кишини кўрсатиб, — ўзи ҳам шу ёққа келаяпти. Ҳамма бирдан ўша томонга қаради. У киши катта-катта қадам ташлаб етиб келди.

— Салом, ўртоқ эшелон бошлиғи! — деди офицер ва худди эски қадрон дўстлардек қўл бериб сўрашди.

— Юкларингизни вагондан туширишга ёрдам бергани бир рота жангчилар келди. Бу ишга раҳбарлик қиладиган одамларингизни ажратсангиз, — деди.

Эшелон бошлиғи саф тортиб турган жангчиларга бир-бир қараб чиқди-да, сўнгра командирга деди:

— Жуда яхши, ёрдамга келганларинг учун раҳмат. Аммо асбоб-ускуналарни тушириш учун аввал эшелонни завод ичкари-сига олиб кириш керак. Лекин буни биз ҳозир қилалмаймиз.

— Нима учун, паровоз йўқми? — шошилиб сўради офицер.

— Йўқ, гап паровозда эмас, бепаровоз ҳам вагонларни итаришиб олиб бораоламиз, — дея совуқина кулди эшелон бошлиғи.

— Бўлмаса нима? — ҳайрон бўлиб сўради офицер.

— Масала шундай, энг аввал одамларни тушириб жойлаштираинг, дейишяпти. Билмайман, буларни тушириб, қаерга жойлаштираимиз? Кўриб турибсиз-ку? — заводгача ва тош йўлининг нариги томонидан ўрмон тагигача чўзилиб ётган бўш, яланг ерни кўрсатиб, қўшиб қўйди, — ёмғир, ҳаво совуқ. Пана жой йўқ. Ҳаммадан ҳам бу болалар совуқ ейди.

У бироз жим қолгач, шикоятмуз яна давом этди:

— Сиз менинг бу ҳақда ҳечқаерга мурожаат қилмапти деб ўйларсиз. Бормаган жойим қолмади, ҳамма ерда бўлдим. Завод дирекциясида бўлдим, ишчилар посёлкасида ҳам бўлдим, ана у ўрмон орқасидаги қишлоқда ҳам бўлдим — ҳечқаердан ҳам иш

чиқмади. У ердагилар нима ҳам қилаоладилар. Утган ҳафта Москвадан кўп ишчиси блан катта бир завод кўчиб келган экан, уйлардаги одамлар худди анор донасидай зич. Анорни биласизми? Мен ўйлайман, сиз ҳам шарқий районлардан бўлсангиз керак? Ҳарҳолда рус эмассиз?

— Ҳа, мен Ўзбекистондан. Ўзбек.

— Ундай бўлса, менинг сўзларимга тушунгандирсиз. Анорнинг донасини кўринг, у уйлардаги одамларни кўринг. Ростини айтаман, бу гапда ҳеч маҳоват йўқ. Ҳатто болалар блан хотинларни жойлаштириш учун бизга бирорта бошпана йўқ. Тўғри, завод дирекцияси бу вазифани ўз зиммасига олди. Лекин олган блан нима ҳам қилаолар эди? Ўзи ҳеч иложи йўқ.

— Агар аҳвол ҳақиқатан шундай бўлса,— деди унинг гапини диққат блан тинглаб турган рота командири,— мен сизга шундай маслаҳат берар эдим. Заводдан толь топиладими?— унинг кўз ости бир-икки марта пирллаб учди.

— Топилса керак,— дея жавоб берди эшелон бошлиғи.

— Ундай бўлса, хотиржам,— сўзида давом этди рота командири,— бизга учта ўткир арра ва учта болта топиб берсангиз бўлди. Уч-тўрт соат ичида уй эмас, катта сарой қуриб берамиз. Сарой! Ана уни кўринг-да тамоша қилинг. Менинг йигитларим ҳаммаси эпчил,— жангчиларга ишора қилиб, давом этди,— бир иморат солиб беришсинки, унда печь ҳам ёқса бўлади.

— Жуда соз! Бизга кераги ҳам шу. Кўнгилдагидай иш бўлар эди,— эшелон бошлиғи бироз енгил тортди ва унинг хафақон бўлган юзлари бир пасда ўзгариб кетди.— Дмитрий Павлович,— мўйлабини қайчилаган кексароқ бир ишчига мурожаат қилди у,— ҳалиги асбобларни дарров тайёрланг. Тез бўлинг!— У буйруқни шундай кескин ва жиддий тусда бердики, Дмитрий Павлович индамай, шу оннинг ўзидаёқ бажаришга киришди.

— Мен ўзим заводга югуриб бориб, толь ёздириб олиб келай,— деди эшелон бошлиғи ва яна юмшоқлик блан офицерга мурожаат қилди,— демак сиз ўзбек, шундайми? Жуда соз, жуда соз, ўзбеклар ҳарбир ишга қобилиятли, ғайратли халқ бўлади.

— Туғилган жойим Фарғона,— деди фахрланиб офицер,— шундай жойни эшитганмисиз?

— Эшитганман. Фарғонанинг та'рифини кўп эшитганман— деди эшелон бошлиғи ва шошилиб, новча гавдасига келишмаган бир лўкиллаш блан заводга қараб югуриб кетди.

Рота командири жангчилар ёنياга келиб, ҳозирча тарқалишга, тамаки чекишга рухсат бергач, сўнгра у ўзидан бир-икки қадам нарида тикка турган бош ва бўйинлари дака блан ўралган бир кишидан:

— Ўртоқ, сиз қаерлик бўласиз?— деб сўради.

— Мен ҳам шу эшелон блан бирга келганман, Ленинграддан,— деди киши ва ўзининг боғланган бўйнини секин тўғрилаб, офицернинг юзига тикилди.

— Ўзбек эмасмисиз?— яна қайтиб сўради офицер.

— Ҳа, ўзбекман,— дея кулди киши.

Унинг кулиб турган юзи офицерга иссиқ кўрипти ва унга:
— Таниш кўринасиз,— деди яқинроқ бориб,— сиз Кўқонлик Умаржон эмасмисиз?..

Киши бирдан жиддий тусга кириб, офицерга қараб қолди. У ҳам буни бирон ерда кўргандай бўлди. Лекин ҳозир ҳеч эслаёлмас эди. У кўзларини қисиб, офицерга диққат блан шундай тикилдик, пешонасида бирқанча чизиклар ҳосил бўлди.

— Ҳа, Умаржонман... кўқонлик... Тўхтанг, тўхтанг, сиз ҳам менинг кўзимга иссиқ кўринаяпсиз. Аммо ҳозир ҳеч эслаёлмаяпман. Бунинг устига яраланганимдан кейин кўзим ҳам анча хира бўлиб қолди.

— Ие, Умаржон, эсингиздан чиқарибсиз-да. 1927 йилда Қорақумда босмачиларга қарши бирга курашганмиз,— деди кулиб старший лейтенант.— Бир эскадронда эдик-ку? Қозоқбойни билмайсизми? Чўлда қудуқдан котелоклаб сув чиқариб, бир эскадроннинг отини суғорганмиз, эсингизда йўқми?

— Ҳа, Қозоқбой,— бирдан қичқириб юборди Умар ва офицерга қараб қучоғини очди.

Икки қадрдон дўст қучоқлашиб, қайтадан сўрашгач, Қозоқбой меҳрибонлик блан ундан сўради:

— Хўш, бахайр? Ярадор бўлибсиз? Фронлда ҳам бўлдингизми?

— Ҳа, Ленинград атрофида... мен кўнгилли отрядда эдим. Ўзим илгари Ленинградда ҳуқуқшунослик институтида ўқир эдим.

— Қани, юринг! Мен сизни ўз жангчиларим блан таништирай деди Қозоқбой ва Умаржонни қўлтиқлаб олди.— Ротамда деярлик ҳаммаси ўбеклар.

— Сиз кўпдан бери шу ердасизми?— сўради Умар.

— Биз август ойининг охирида Свердловскга келган эдик. Бу ерга келганимизга ҳам қариб икки ярим ой бўлиб қолди. Полкимиздаги йигитларимизнинг кўпчилиги Ўрта Осиёдан. Ҳозир бир батальон Қуйи Тагилда, иккинчи батальон Серов деган жойда. Бизлар аса мана бу ерда қолдик.

Қарағай дарахтининг тагида — ёғочлар устида ўтиришган жангчилар, старший лейтенант яқинлашуви блан ўринларидан сакраб-сакраб туришди.

— Взвод ва бўлим командирлари буёққа, менинг ёнимга келсинлар! — буюрди старший лейтенант. Бир пасда жангчиларнинг ичидан югуришиб-югуришиб борган бир неча киши рота командирининг атрофини ўрашди.

— Мана, менинг қадрдон дўстим Умаржон блан танишмиглар. Биз бир вақтлар бу киши блан босмачиларга қарши жанг қилганмиз. Бу тўғрида мен сизларга бирнеча марта гапириб берганман,— деди Қозоқбой. Бўлим командирлари бош ва бўйинлари дака блан ўралган Умарга ҳурмат кўрсатиб, икки қўллаб иссиқ-иссиқ кўршидилар.

Энг охирида Умаржоннинг ёнига узун бўйли жиддий қиёфали бир йигит келди, у ҳам бошқалар сингари честь бериб:

— Бўлим командирга младший сержант Ботирали Собиров, — дея икки қўллаб кўришди.

— Заб йигитларингиз бор экан, — Қозоқбойга мурожаат қилди Умар, — булар блан жангга ҳозир ҳам борса бўлади...

— Биз қачондан бери фронт иштиёқидамиз, — деди Ботир гинали товуш блан, — машқ бўлса қилдик, отишни ҳам ўрганиб олдик. Билмайман, энди бу ерда нима қилиб турибмиз? Немислар бўлса, борган сари Москвага яқинлашмоқда.

— Уралга келганимизга ҳам икки ярим ой бўлди, — деди пас бўйли, миқти бир йигит, — яна қанча турамиз бу малум эмас.

— Тезроқ жангга борсак деймиз-да, жангга! — деди очиқ қилиб Ботир ва бу ишда эски, тажрибакор бўлиб кўринган Умарга ёш солдатнинг қараши блан тикилиб турди.

— Борасизлар, — деди Умар, — аммо аввал ҳамма ишни фронт-часига ўрганиш керак.

— Умаржон ака, — деди бошқа бир жангчи, — Ленинградда аҳволлар қандай, жанг жуда қаттиқ кетаяптими? Сиз қандай ярадор бўлдингиз, гапириб берсангизчи?

— Хўп, кечқурун ҳаммасини гапириб бераман. Ҳозир бу ерда ҳам худди фронтдагидай иш бошланади. Ана уни кўраяпсизларми?

— Ҳамма бирдан Умаржон кўрсатган ёққа қаради. Арава ҳайдаб келаётган Димитрий Павловичнинг ёнида эшелон бошлиғидан бошқа яна бир-икки киши кўринади, булар завод бошлиқлари бўлса керак, дадил-дадил одим ташлаб келаётган эшелон бошлиғига нималарнидир ма'қуллаб келишар эди. Ҳаял ўтмай, арава етиб келиб, булардан сал нарида тўхтади.

Старший лейтенант команда берди, жангчилар икки қаторга тизилдилар. Рота командири буларнинг вазифасини тушунтирди.

Шу ондаёқ эшелон бошлиғининг кўрсатиши блан йўлга тушган араванинг кетидан жангчилар ашула айтиб, ўрмонга қараб жўнадилар. Бир нафасда иш бошланиб кетди, болталар бетўхтов тарақлаб, арралар тез-тез „хиш-хишлай“ бошлади. Бир-бирлари блан қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган одамлар қизғин ишга киришиб кетган эдилар.

Жангчилар шунчалик жон-жаҳдлари блан киришиб ишламоқда эдиларки, буларнинг ҳарбир жанговар ҳаракати ва дадил эшитилаётган овозларидан юракларидаги, очиқ ҳавода бола-чақалари блан совуқ еб ётган одамларга нисбатан ачиниш, раҳм-шафқат ва буларга ёрдам бериш истагининг қанчалик самимий экани сезилиб турар эди.

Иш қизиб борган сари вагонларда ҳам навбатчилардан бошқа ҳечким қолмади. Эркаклар, аёллар, ҳатто болалар ҳам вагонлардан тушиб, буларга кўмаклашакетдилар. Ҳарким ўзига яраша иш топди. Мана иш бошланганда олти-етти соат ўтмай, боши берк темир йўл яқинидаги қарағай ўрмонининг тагида катта-катта иккита уй баланд бўлиб кўтарилди. Томлари фанерь тахта ва толь блан ёпилди. Деворларига ойнаклар ўрнатилиб, ёғоч кроватьлар қилинди, уйларнинг ҳарбирида биттадан-юмалоқ чўян печка ҳам кўйилди.

Жангчилар, вагонлардан Ленинградлиларнинг кўрпа-ястиқларини, сандиқ, чемоданларини, идиш-товоқларини—эвакуация вақтида олиб улгирган нарсаларини вагондан туширишга ҳам ёрдам бердилар. Жангчиларнинг ба'зилари булар кўчиб жойлашгунча печкаларга ўт ёқиб, уйларини қизитиб қўйдилар.

Одамлар саранжом олгандан кейин, жангчилар блан бирга чой ичишга ўтиришди. Йигитларнинг бу ёрдамидан мамнун бўлган меҳмонлар хурсандликларини билдириш, юракларидаги миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилиш учун лойиқ сўз тополмас эдилар. Ба'зи хотинлар ўз миннатдорчиликларини кўз ёши тўкиб билдирдилар.

Скамейкада ўтириб, чуқур чинни истакан блан чой ичаётган Ботирнинг ёнига бола кўтарган бир хотин келди. Ботир қўлидаги стаканини столга қўйишга ва хотиннинг юзига қарашга ҳам улгирмай қолди, ҳалиги хотин бир қўли блан боласини бағрига босиб иккинчи қўли блан Ботирнинг бўйнидан астагина қучоқлади ва миннатдорчилик билдириб, пешонасидан ўпди.

— Раҳмат сизларга! Раҳмат азамат жангчиларимиз,— деди секин хотин кўз ёшларини артиб.

— Ие, опа, бу нима қилганингиз?..— деди Ботир ва уялиб хотинга қаради,— арзимаёди, арзимаёди. Биз бўлмасак бу уйни сизларга бошқа одамлар ҳам солиб бераолар эди, ҳеч нарса эмас. Бу бизнинг бурчимиз... Шундай вақтда бир-биримизга ёрдам беришимиз керак.

— Албатта-албатта... лекин жуда азамат йигитлар экансизлар,— деди хотин. Унинг меҳрибон чеҳрасида энди осойишталик ва билинар-билимас жилмайиш кўринди, — нима ҳаммаларинг ҳам Ўзбекистонликми?

— Ҳа, кўпчилигимиз Ўзбекистонлик.

— Қариндош-уруғларинг бордир? Масалан, сизнинг кимларингиз бор?

— Отам бор, онам бор. Келинингиз бор. Колхозда биринчи стахановчи.

— Ҳай-ҳай, қандай яхши. Оти нима?

— Тўфахон. Тўфахон Нурматова.

— Хат ёзганингизда ҳамма қавми-қариндошларингизга мендан салом айтинг, йўқ, битта мендан эмас, Ленинградлиларнинг ҳаммасидан.

— Ўзингиз ёзсангиз ҳам мумкин. Қайта яна яхшироқ бўлади,— деди Ботир.

— Ёзаман, албатта, ёзаман! Адресларини бering!

Жангчилар чой ичишиб бўлиб, кўчага чиқдилар, эшелонга паровоз тиркалган эди. Булар жанговар ашулаларни баланд кўтариб платформа блан саф тортиб жўнадилар. Паровоз қаттиқ қичқириб, завод дарвозасига тамон юрди.

(Давоми бор)

ИБОХОН

РАҚҚОСА

Хикоя

„Ёшликда ҳар иш ҳам бўлиб ўтар экан“ — деб, ўз саргузашта-сини ҳикоя қилабошлади Гулнор. Бу вақт кеч соат 9 бўлган эди. Раҳимахон, ўртоғининг бошидан кечирганларини эшитиш учун ёстивққа ёнбошлаб, астайидил қулоқ солди.

— Хўш, гапир, нега жим бўлиб кетдинг? — деди у.

— Эй дўстим сен билмайсан, бошимдан кечирганларим кўз олдимдан картина бўлиб ўтди. Уф!.. — деб, хўрсинди Гулнор.

— Қани, гапир бўлмаса.

— Хўп, ҳозир. Мен катта бўлиб, мактаб ёшига етганимда мени мактабга бердилар. Эркинлик блан, шод-хуррамлик блан ўқий бошладим. Биринчи синфдан-оқ ўзимни кўрсата бошладим. Бутун фанлардан а'ло баҳо олдим. Ундан ташқари мактабдаги ба'зи бадний тўгаракларга қатнашдим. Айниқса, ўйин, адабиёт тўгаракларини севиб иштирок этардим. Шундай қилиб мактабда биринчилар қаторида эдим. Ўқитучи ва мураббияларимиз: „Жажжи қиз, ғайратли қиз“ — дейишиб севишарди.

— Отанг анча тушунчали киши экан-да? — деб сўради Раҳимахон.

— Ҳа, отам с/б курсини битирган. Газеталарни ҳам унча-мунча ўқир эди — деди-да, нафаси ичига тушган кишилардек, тўхтади ва кўзларига жиқ ёш олди.

Раҳимахон кулимсиради ва:

— Ие, сен қизиқсан-а, йиғлаяпсанми?.. Тузик қилиқ қил!.. — деди.

— Бундан сўнгги кунларим, фақат ғамдан бошқа нарса эмас эди, — деди ва ўз ҳикоясида давом этди: — Узоқ ўтмади. Онамдан бевақт айрилдим. Отам ёш бўлгани учун, ёри-биродарлари қўй-масдан, уйлантириб қўйдилар. Отам уйланганда 5-синфда эдим.

— Гулнор, ўгай онанг қалай эди...

— Ўгай онам... у бир ўқимаган, онгсиз хотин эди. Дўстим, лекин ўқишда, тўгаракларда давом этабердим. Кейин-кейин отам

айнай бошлади. Бола боқтириш, уй хизматида бўлишимни айтди. Тугаракларга жуда кам юборадиган бўлди. Ўғай онам эса, ўқишга ҳам бормаслигимни, фақат уйда бўлиб, бола боқиш, уйга қарашимни истарди.

Раҳима унга жуда қизиқиб қулоқ соларкан, ора-сра унга савол ташлаб қўярди.

— Уканг ўғаймиди?

— Ҳа, албатта. Ўз онамдан биргина мен қолган эдим. Ҳай Раҳима, диққат блан қулоқ солаясанми?

— Бўлмасамчи, вой сен эй...

— Бир куни мактабимда ҳавоскарлар тугарагининг концерти бўлиб қолди. Раҳбаримиз менинг қолишим кераклигини айтди. Ҳатто Тошкентдан катта артистлар келганини ва уларнинг бизнинг концертни кўриш орзусида эканини та'кидлади. Қолдим. Концерт бўлди. Менга ва яна бир Нафиса деган ўртоғимга жуда узоқ чапак чалдилар. Саҳнадан тушганимда пастда ўтирган артистлар мени чақириб олдилар. Мени Тошкентга олиб кетишга ва артистликка ўқишга қизиқтирабошладилар. Мен қизиқсам ҳам, ҳечқачон отамнинг юбормаслигини билганим учун, рад этдим. Улар менга: „Талантинг зўр экан, кейин пушаймон қиласан қизим“ — дедилар. Мен эса: отамдан бир сўрайчи, дедим. Улар блан хайрлашдим.

Йўлда кетаётсам, бирдан гувуллаб шамол чиқдики, юзи-кўзимни чанг қоплаб олди. Шу куйи уйга бордим.

— Ҳа, шу дамгача қаерда эдинг? — деди отам.

— Мактабда... эдим, — дедим.

— Шу вақтгача-я! Нима қилдинг?! — деди.

— Мактабда нима қиларди, ўйнаб юрганда! — деб ўғай онам гап қўшди.

Мен кўрқа-кўрқа бўлган воқияларни гапириб бердим. Отамнинг баттар жаҳли чиқди. Чунки онам гап ораларида ҳархил пичинглар отиб, отамга та'сир этди. Эртасидан бошлаб отам тунини тескари кийиб олди.

Ёшим 14 га ҳам тўлмаган бир чоқда куёвга беришга урина бошладилар. VI синфга чиққанимда куёвга бердилар.

— Куёвинг тузукмиди? — деди Раҳима.

— Вой, қаёқда дейсан. Қаттиқ қўлли одамга тушдим. У, жувонмарг, боининг ўғли экан. Турмушга керакли аш'ёлари, мен учун тайёрланган кийим-кечаклари беками-кўст жойида эди-ю, менга ҳеч татимасди. Бирёқдан ҳали ёш боламан ахир. Мени унақа нарсалар кўпам қизиқтирмас эди. Унинг устига у мени ёш бола қилиб, назарига илмас эди ҳам. Кунда ичиб келиши-чи, яна мени бўлар-бўлмас баҳоналар блан урарди. Унинг қўлида кўрмаган азобим, емаган калтагим қолмаган, уф...

Ҳикояси шу ерга келганда яна бироз жим қолди. Унинг кўзларидида ғазаб ўтлари чақнаб кетди. Шунда Раҳимахон жовдираган кўзлари блан ўртоғига қаради. Бу ишлар ўтиб кетган бир ҳол эканини унинг эсига қайта тушириш учун:

— Хўш кейин нима бўлди? — деди.

— Ўртоқжоним, агар ёзсачи, икки дафтар камлик қилади.

Эрим ўлгур ҳатто отамникига ҳам жуда кам юборарди. Ўртоқларимникига-ку ҳеч... уларнинг келишларини ҳам ғаш оларди... Ба'зан бирор жойга бориб келишни сўрасам, „ҳа, кўчада нима бор-Хуснингни кўрсатиб келмакчимисан!“ — деб ҳақорат қиларди.

Кунлардан бир кун ҳовлида ўзим ёлғиз қолиб эдим. Эшик бирдан тақиллаб қолди. Шу он юрагим орзиқиб кетди. Югуриб бориб эшикни очдим ва бўсағада кулиб турган Ҳавохон блан Нафисани кўрдим. Улар менинг энг севган ўртоқларим эди. Қара-я, шу кун ёлғиз эдим.

— Уйдагилар-чи? — деб сўради Раҳимахон.

— Улар, қайнанам, қвсиним меҳмонга кетиб эдилар. Эй дўстим, айти муддао эди. Мен ўртоқларимни уйга таклиф қилдим. Улардан биттаси шошилгансимон уёқ-буёққа қарар эди. Мен уларни уйга олиб кирдим. Дастурхон ёзмоқчи эдим Нафиса кўнмади. Ҳавохон эса, менга қараб:

— Тез бўл, вақт ганиматга ўхшайди, бир ерга бориб келамиз — деди. Мен уй ёлғиз деб кўнмадим, броқ улар мени сра ҳол-жонимга қўйишмади.

Хайр, мен ҳам кийиндим. Улар блан бирга кўчага чиқдим. Эшикни беркитиб калидни қўшни қизга бердим-да, мен отамникига кетаяшман деб тайинладим.

Учаламиз бир катта ҳашаматли бино олдида тўхтадик. Броқ бу бинони танимадим. Чунки кўпдан буён кўча юзини кўрмаган эдим. Бу бино янги қурилганми экан деб ўйладим ҳам. Бинони ва ўтган-кетганларни тамоша қилиб туриб эдим:

— Гулнор, мунча анқайиб қолдинг юр,— деган Ҳавохоннинг товушини эшитдим. Сачраб унга қарадим-да, улар блан бирга ҳалиги бинонинг ичига кирдим. Юзимни очгим келади. Нафасим бўғилади. Шу вақт Нафиса менга яқинроқ келиб:

— Гулнор, юзингни оч, девордаги суратларни кўр! — деди — Юзимни дарров очдим. Деворга қарадим. Деворда доҳи Ленин, Сталин ва Крупскаяларнинг суратлари, нарироққа борсам, Навоий, Пушкин каби шоир ва адибларнинг суратлари ҳам бор экан.

— Бу ер қанақа жой? — деб сўрадим.

— Бу ер сенинг севган жойинг — деди Нафиса. Мен ўйлаб топгунимча, ўзи яна:

Бу театр биноси. Яқинда қурилди, — деди.

Узун коридор блан ўнг томондаги уй олдида келиб тўхтадик, Ҳавохон эшикни чертди. Эшик очилиб басавлат бир киши бизни уйга таклиф этди. Бу ерда ундан бошқа кишилар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, бизни қарши олдилар ва тўридан жой кўрсатдилар. Биз ўтирдик. Булардан бир хотин менга:

— Яхши қиз, гапириб ўтиринг, уялмаг, — деди. Лекин мендан жавоб ўрнида бир жилмайиш ишорасини кўргандан сўнг:

— Нафисахон, ўзингиз гапга солмасангиз бўлмайди, сан'актор эканлигингизни бир кўрсатинг — деди. Ораларида яна бир хотин (руслардан экан) менга қайта-қайта тикиларди. Охири:

— Она хорошенькая, интересная девушка — деб қўлиди. Мен гапни аранг тушиндим ва жилмайиб қўйдим. Ўртоқларим эса менга қараганда анча дуруст тушинишарди. Чунки, Ҳавохон педтехникумни битирган, Нафиса эса, 7-нчи синфни битиргач, театрга кириб кетган эди. Булар бизникига борганларида жуда истиҳола қилганларидан баъзан паранжи ҳам ёниниб борардилар. Менинг қайнаналарим жуда диндор эдилар. Агар улар ёлғондан ўзларини тақводор қилиб кўрсатмасалар, уйга киргизмасликлари ҳам мумкин эди. Менинг турмушим ҳақида суҳбат кетди. Менинг оғир шароитда яшаётганимга ачиндилар... Суҳбатимиз қизиб кетган бир пайтда ёнимизда ўтирган ёш йигит ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Ҳечқанча вақт ўтмай-ёқ, қўлида бир чойнак блан тугунча кўтариб кириб келди. Хотинлардан бири унинг қўлидан ҳалигиларни олди. Турли мева-чева, иссиқ нонларни олдимизга тўкиб, бизни меҳмон қилдилар. Шу орада бизни биринчи қарши олган киши:

— Қизим, биз блан кетмайсизми? — деди. Бу савол менинг айни мақсадим бўлса-да, тезда жавоб беришга қийналдим. Фақатгина „отамга қийин бўлади ва мени ҳечким юбормайди“ — дедим.

— Ажаб қизиқсиз қизим, отангиз сизни шунча қийнаб қўйибдику яна... — деди. Мен: „Отаннинг ҳечнарсадан хабари йўқ. Агар айтиб қўйсам эрим ўлдириб қўйиши мумкин“ — дедим.

— Ҳай, ундай бўлса, Тошкентга боргач отангизга хат ёзамиз, чақирамиз, — деди у. Биласанми, дўстим, ҳаммаси ҳам бир-биридан хуш муомала эди.

— Қани ўртоқлар бирор ялла-палла қилайлик — деди яна ўша киши.

— Йўге бирор тамошага чиқайлик, шаҳарни бир айланайлик, — деди ҳалиги ёш йигит. Юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўлди. Бехос: „Йўге, бўлмайди“ — деганимни билмай ҳам қолдим. Менинг ўша топдаги вазиятимни пайқаган хотин уларга қараб бошини чайқаб:

— Йўқ, ҳеч ерга чиқмаймиз, ҳарқанча ўйин бўлса, Тошкентда кўрамиз, — деди ва яна, — қани уста ака чалинг, ўйин қиламиз — деб қўйди. Дутор тилга кирди, ҳалиги аям ўйнади. Нафиса, Ҳавохон, хулласи ҳаммаси ўйнади. Менга ҳам навбат келди. Уяламан...

— Мен бўлсам ўйнаб берардим — деб, ҳиқоясини бўлди Раҳима.

— Шошмай тур, мен ҳам кейинча қизиқиб кетдим. Беихтиёр ўйнаб бердим. Улар мени эркаладилар. Лекин ўзим пушаймон бўлдим. Ваҳимага тушдим. Бордию, эрим келиб эшик тирқишидан қараб турган бўлса, нима бўлади. Худди мени ўлдиради“ — деб, хаёл суриб, кетдим.

Шунча уларнинг илтимоси, қисташларига қарамай, уйимга кетмоқчи бўлдим, чиқиб кетаётганимда улар менга:

— Кейин пушаймон қиласиз — деб қолдилар.

Кўчага чақсам кун кечкириб, намозшом бўлай деб қолибди. Ҳавода эса битта ҳам юлдуз кўринмас эди. Қўрқа-қўрқа уйга кириб бордим. Уйда ҳали ҳам қайнанам йўқ. Эрим ўзи қово-

гидан қор ёғилиб утирган экан. Авзойи бузуқ. Менга қайрилиб ҳам қарамай:

— Қаерда эдинг?! — деб сўради.

— Ўзимизникига борувдим — дедим.

— Уйни ташлаб...

— Ўртоқларим... келган... экан ўйнадим.

— А?! Нима дейсан. Ўйнадим!!! Мана ўйнаш! — деди-да бирам урди!... Оёқ-қўлларим синаёзди. Вой дўстим нимаям жоним бор эди. Унга кучим етмади. Ўзи уриб чарчади ва: — энди уйда ҳеч-ким бўлмаса, сени боғлаб кетаман, — деб кўрқитди.

Йиғладим, куйдим ҳеч иложим йўқ.

— Дод демадингми? — деб қўйди Раҳима.

— Дод дейишга қўймади, оғзимни беркитди, тамоғимдан бўғди, ўлишга оз қолдим...

Охири уйқуга кетди. Мен бошқа жой солиб ётдим. Ташқарида шамол гувуллайдди. Бир қанча вақт қулоқ солиб ётдим. Уйқу қочди. Фақат шамолнинг тинишини кутаман. Бахтимга эрим қотиб ухларди. Ўрнимдан турдим, шу кунимдан кўра ўшалар блан кетганим яхшироқ дедим-да, энг керакли устбошларимни рўмолга тугдим. Паранжимнинг янгисини олиб, секин эшикка чиқдим ва кўчага қараб йўл олдим, абадий у блан видо'лашдим.

Тўғри бориб ҳалиги уйни тақиллатдим. Очдилар. Мени ўз бағриларига қабул қилдилар. Эртаси эрталаб улар блан Тошкентга жўнаб кетдим. Отамга хат ёздим. Броқ отам менга жуда-жуда ёмон жавоб ёзди.

— Хўш нима деб ёзди.

— Нимани ёзарди, „қизим, сендан буни кутмаган эдим, мени шарманда қилдинг, оқ қилдим, кўк қилдим“ — дебди-да!... Шундан сўнг Москвага студияга ўқишга кетдим. Студияни битириб қайтиб келсам, отамнинг келиб кетганини айтишди...

— Отанг блан алоқанг йўқ бўлиб кетдими?

— Йўқ... Бирнеча вақтдан сўнг мен таниқли артисткалардан ҳисобландим. Ёз пайти эди, шаҳримизга гастрольга бордик. Шаҳарга номларимиз ёзилган э'лонлар ёпиштирилди.

Биринчи куни катта концерт бердик. Концертимизга ниҳоят одам кўп келди. Менинг номим ва яна бир икки артистларнинг номлари ҳарқайси афишаларда катта қилиб ёзилгани учун, отам ҳам ўқиган экан, концертимизга келибди. Қачонки мен саҳнага чиққан вақтда, отам сабр қилаолмай, ўрнидан ирғиб турипти-да, менинг олдимга чиқмоқчи бўлибди. Броқ халқдан уялганидан қайтиб жойига ўтирибди.

— Вой, чиқса, сени нима қилар эдикин? — деб Раҳимахон ҳаяжонланиб сўради.

— Ҳа, танаффус вақти эди, отам югурганича кулисга чиқибди. Бир вақт бировнинг: „Гулнор, Гулнор!“ — деган овози эшитилди. Шерикларимдан биттаси „Гулнор, сизни бир қари одам чақираяпти“ — деди. Мен ўзим ҳам ҳалиги овозни эшитишим блан отам эканини пайқаб юрагим ҳовлиқиб кетган эди. Мен бу вақт саҳна кийимларимни ечиб, бошқасини кийиб турган чоғим эди. Дарров

чиқдим. Отам экан, салом бердим. Отам эса, жуда очиқ чирон блан мени бағрига олди. Пешонамдан ўпти. Мен ҳам соғинган эмасманми, беҳад хурсанд бўлдим. Аммо... отамнинг бу хилда меҳрибонликларига ишонмас эдим. Отам блан ўртоқларимни ташништирдим. Отам чиқиб кетишида мени бирга олиб кетишни сўради. Ҳали мен жавоб бергани улгирмасдан-оқ, бошлиғимиз: „Отажон эртага борадилар. Хўпми?“ — деди. Ичимдан, шуни кутиб турган эдим, қувониб кетдим. Чунки кўрқар эдим!.. Отам бўлса ноилож: „Хўп бўлмаса, эртага ҳаммаларингиз боринглар. Албатта ўзингиз бирга олиб борасиз“ — деди. Бошлиғимиз ҳам: „Хўп бўлади“ — деди.

Танаффусдан кейин иккинчи бўлим бошланди. Менга навбат келганда хаёлим ўз жойида эмас эди. Ўзимдан кўрқиб турардим. Чунки бутун хаёлларим отам блан бирга эди. Шунга қарамай, ўз уйинимни муваффақиятли бажарибман шекилли, халқ томонидан тўхтовсиз қарсак блан қарши олинди. Қарсакни тўхтатиш учун кеча бошқаручимиз томонидан: „Хўп ўртоқлар, ҳозир“ деди ва мен яна ўйнадим.

Концерт тамом бўлгач ётар жойимизга жўнадик. Ярим йўлга етганда, „Гулнор, нега бунча жимиб кетдинг. Булбулдек сайрар эдинг?“ — деди бошлиғимиз. Хаёлим бўлиниб кетди-да:

— Кечирасиз, Акбар ака, хаёлга чўмиб кетибман, — дедим.

— Кел энди, хаёлни бир четга қўй. Эртанинг маслаҳатини қилайлик. Совға учун нима олиш керак, шундан кел, — деди у.

— Ие, унақа нарсаларни ўйламанг, эртагача бир гап бўлиб қолар. Ҳали борамизми, йўқми... — шу блан нафасим сиқилиб кетди.

— Нега ундай дейсан, мўйсафид одамнинг сазосини ўлдириш ярамайди. Ахир отанг-ку!

Шу вақт ётар жойимизга етиб қолибмиз. Хотин-кизлар ўз хонамизга, эрлар ҳам ўз хоналарига, кириб кетдик.

Шерикларим чарчаганларидан тез-тез ечинишиб уйқуга кетдилар. Мен бўлсам қаёқда...

— Ҳа, сен нима қилдинг, қоровуллик қилдингми? — деб кулди унга Раҳимахон.

— Меними, мени қўябер. Аллақандай кўрқинчли хаёллар ичида қолдим. Отамнинг сурати кўз олдимдан кетмас, ҳамон гавдаланиб турарди. Тонг отса, отамнига борармиз, меҳмон бўлармиз, ундан сўнг... вой... йўқ, бормайман! Балки пайт топиб ўлдириб қўяр, деб чўчиб-чўчиб кетаман. Эй, менинг бу порлоқ ҳаётим бевақт сўнамасмикин, — деган ваҳимали ўйлар мени еб ташлади. Яна ўйлайман; ахир мен фарзанд-ку. Отам мен блан кўришаётган пайтда жуда хурсандлик блан кўришди... Лекин... бу очиқ чеҳраларига кўнглим ҳеч ишонмади. Боришга ҳам кўрқаман, бормасликка ҳайронман. Бормаслик эса, Акбар акам айтганларидай, ҳурматдан эмас...

Охири шундай хаёллар блан тонг отай деганда жиндак мизғибман. Ҳаммадан аввал турдим. Ойнага қарасам бир кечанинг ичида рангимда анча ўзгариш пайдо бўлиб қолти. Чунки кечаги

Ўй-хаёллар, уйқусизлик та'сир этган бўлса керак. Эндигина ювиниб бўлган эдим, чойга чақирдилар. Чойдан сўнг бироз репетиция қилдик. Акбар акам репетициядан сўнг ёнимга яқинроқ келиб, „Гулнор, рангинг анча оқариб кетибди, касалмисан?“ — деди мен: „— Йўқ, кам уйқуниги“, — дедим.

— Йўқ, сенда бир гап бор. Еки сени биров хафа қилдими? — деб ҳадеб тақиқлайбергач; — „Акбар ака, юринг бўлмаса, бозорга борамиз, йўлда айтиб бераман“ — дедим. Унгача бир-икки ўртоқларим ҳам келиб ҳолимни сўрадилар. Ба'зилари тегажаклик қилиб: „Ҳа, биламиз, Гулнорхон бирортасини севиб қолганга ўхшайди“ дейишиб ҳам қўйдилар.

Биз бозордан анчагина нарса блан қайтдик: синглимга атаб бир шоҳи кўйлак яна бошқа нарсалар олиб келиб турсак, шу чоқ отам ҳам келиб қолди. Яна кўришдик: отам илгаригидай эмас, янги усти-бошлар кийган. Устида костюм блан шим. Шундай бўлса-да, юрагимнинг бир чети ғашит эди. Шунинг учун отам блан совуққина кўришдим. Ҳамон кўнглим ишонмас эди. Акбар акамга кўнглимдагиларни айтганимда у: „Йўқ синглим, ахир, отангиз-ку, наҳотки... — яна орқасидан, — ҳеч чўчиманг, мен ўзим ҳар қадамингиздан хабардор бўламан. Борамиз“ — деди. Ҳарҳолда огоҳлантириб қўйганим яхши бўлди. Шундай эмасми Раҳима?

— Албатта, ҳар эҳтимолга қарши иш кўрган яхши, — деди Раҳимахон.

Отам кутиб турди биз ҳаммамиз кийиниб чиқдик.

— Гастрольга борганларнинг ҳаммаси-я? — деб Раҳимахон ҳайрон бўлиб сўради.

— Йўқ, 4-5 киши бордик. Борсак ҳовли юзлари чиннидек тозаланган. Бир чеккада катта супа. Супага қип-қизил гилам ва шоҳи кўрпачалар тўшалган. Супанинг ёнгинасида мен яхши кўрган жамбул, райхон, намозшом гуллар блан атир гуллар очилиб ётибди. Отам бизнинг олдимишга ўтиб: „Қани юқорига, меҳмонлар“ — деди. Қизларни ичкарига киргизар деб ўйлаб туриб эдим, йўқ, ҳаммамизни ҳам шу супага таклиф қилди. Шу вақт менга бир қаради-ю:

— Қизим, сиз ичкаридагилар блан кўришиб чиқиб кейин ўтирсангиз яхши бўлар эди. Синглингиз бетоб ётибди — деди. Мен дарров Акбар акамга қарадим ва:

— Хўп ҳозир отажон, — дедим.

Акбар акам ҳам бирданига менинг кўзларимдан, рангимнинг ўчганидан, кўрққанимни сездим. Ёнимдаги қизларга қараб туриб:

— Хўп, Гулнорхон, мана нарсаларингизни олинг ва Хайрихон, Лутфихон блан бирга кириб чиқинглар, — деди.

Юрагимга анча далда бўлди, ичкарига кириб кетдик.

Синглим блан кўришдим. Ҳақиқатан у касал ётган экан. Мени у, унча таниёлмади. Бирдан уни кўтариб юрган чоқларим ёдимга тушиб кетди. Қайтадан қучоқлаб юзларидан ўпдим. Онам ҳам (ўгай ойим) ошхонада куйиб-пишиб юрган экан, чопиб келиб кўришди ва:

— Қочоқ, бор экансиз-а, наҳотки эрталабдан бери кўз тутиб эсимиз кетди-я! Синглингиз кеча эшитганидан бери: „Опам қачон келади, тезроқ курсам экан“ — деб эси кетди. Лекин бугун бўлса, бечоранинг иситмаси тутибқолди — деди.

Отам бечора шу қадар кутиб олдики, худди бир тўй берди. Асраб қўйган қўйи бор экан, уни сўйиб берди. Маҳалла-қўй, қўни-қўшнилари, яқиндаги қариндош-уруғлар ҳам келдилар. Ҳаманинг чехраси очиқ, ўйнаган-кулган...

Шу куни то кечгача ўйин-кулги бўлди. Отамнинг, чин кўнгилдан бизни қарши олганлигидан ва бошқа ҳаракатларидан отамга ишондим. Ёмовлик қилмаслиги учун кўнглим таскин топди. Шу кечаси билан ўйин-кулги қилиб, ҳечқанча ухламабмиз. Тонг отиб қолибди.

— Ҳай, ишқилиб энди хурсандмисан? — деди Раҳимахон.

— Албатта... — деди-ю Гулнорнинг гапи бўлинди. Охирги натижани яна тўлароқ эшитмак учун:

— Гулнор, ухляясанми?! Турэ, барибир ҳикоянгни тугатма-гунингча қўймайман, — деди Раҳимахон.

— Ҳа-ҳа дўстим, кечир, чарчабман. Соат ҳам 3 бўлиб қолибди...

— Ҳа, айтмоқчи, ҳалиги Нафиса, Ҳавоҳон деган ўртоқларинг билан алоқанг борми, улар қаерда?

— Албатта. Улар ҳам мен билан Москвада бирга эдилар. Нафиса Хоразм театрини жонлантириш учун юборилган. Яқинда келиб кетди. У ҳам отоқли сан'аткор, Ҳавоҳон бўлса инженер. У Фарғона тўқимачилик фабрикасида ишлаяпти. Тез-тез хат ёзишиб туришамиз.

Мен бўлсам, раққоса... балетни жуда-жуда севаман! Янги-янги ҳаракатлар ижод этгим келади, — деди-да уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Раҳима ҳам ёстиққа бош қўйди.

ГУЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕК СОВЕТ ПОЭЗИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ ЎРНИ

Ўзбекистонда революцион совет адабиётининг қисқа бўлса ҳам шарафли тарихи бор. Унинг биринчи намояндалари кекса шоир ва драматургларимиздан Садриддин Айний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниезийлардир. Улар адабиёт майдонида Октябрь революциясининг биринчи кунларидан бошлаб совет йўли учун қизгин кураш олиб бордилар. Илғор рус адабиётидан мадад олиб, контрреволюцион миллий буржуазия адабиётига қарши курашда чиниққан бу адабий ҳаракатчилик 20-нчи йилларнинг ўрталарига я'ни 24—25-нчи йилларга келиб улғайди, кенгайди. Адабиётда Ойбек, Фафур Гулом, Уйғун, Миртемир каби шоирлар плеядаси етишди. Тетик қадамлар блан адабиётимизга кириб келган ва сўнги даврларда ўзбек совет адабиётининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган бу дастлабки шоирлар отрядининг бири бўлиб Ҳамид Олимжон чиққан эди.

Ҳамид Олимжон ўз ижодий фаолиятини бошлаган даврда республикамызда революцион совет адабиёти мустақкам мавҳи' ишғол қилиб олган давр эди. Партиямиз ва ҳукуматимизнинг маданият ва адабиёт соҳасидаги олиб борган сиёсати совет адабиётининг кун сайин мустақкамланиши ва тараққиёти учун кенг имкониятлар туғдириб турар эди. Лекин кўпдан бери давом этиб келаётган эски адабий мактаблар, ан'аналар традициясига барҳам бериш, контрреволюцион миллий буржуазия адабиётининг қилаётган сўнги хуружларига зарба бериш ҳали бу давр адабий ҳаётининг кун тартибидан тушмаган масала эди. Бу давр адабий ҳаётининг энг муҳим масаласи революцион совет адабиётининг ҳарқандай ёт та'сирлардан тозалаб, унинг ғоявий-тематика жиҳатидан устунлигини та'мин қилиш эди. Ҳамид Олимжон, бу даврда, бошқа ёш шоирларимиз қаторида совет адабиётининг мана шу асосий масаласи учун олиб борилган қизгин курашда қатнашди. Унинг ғалаба қозонишида ўз ҳиссасини қўшди. Ҳамид Олимжоннинг бу даврдаги ше'рлари асосан комсомол, хотин-қизлар

озодлиги, янги турмуш масалалари, революцион байрамлар, революция доҳилари хотираси каби уша даврнинг актуаль-сиёсий масалаларига бағишланган. 1929 йилда нашр қилинган „Кўклам“, 1930 йилда нашр қилинган „Олов сочлар“ тўпламларига кирган „Комсомол келади“, „Янги турмушга“, „Зафар достони“, „Октябрь ўлкасига“, „Қизил Москвага“ ва бошқа шунингдек шеърлари бу давр ижодининг типик намуналаридир.

Адабиётимиз улуғвор турмушимиздан мазмун олиб ўзгаргани, ўсгани сингари шоирларимиз ҳам ўз ижодий фаолиятларида ўсиш, ўзгариш процессини бошларидан кечирдилар.

Ҳамид Олимжон ижодида 1930 йилларнинг бошларида кескин бурилиш юз берди. Шоир ижодий маҳсулоти тематика формаль-стилистик жиҳатдан янгиланди. Умуман, адабиётимизда шу жумладан Ҳамид Олимжон ижодида юз берган бу ўзгариш, юксалиш ўзининг чуқур илдизлари блан турмушга, турмушимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларга бориб боғланар эди.

1930 йиллардаги мамлакатимиз ҳаёти нима блан характерланди?

1930 йилларга келиб мамлакатимиз муҳим тарихий даврга қадам қўйди. Оғир саноатлаштириш, нэп қолдиқларини тугатиш, қишлоқда буюк бурилиш йиллари каби этапларни босиб ўтган ватанимиз Сталинча бешйилликлар даврига кирди. Улуғвор бешйилликлар плани, уларни порлоқ равишда амалга оширилиши, ажойиб қурилишлар, курашлар, бу курашда чиниқиб бун'ёдга келаётган янги одамлар — қаҳрамонлар барқ уриб гуллаётган ҳаёт шоирлар кўз ўнгида янги дун'ё картиналарини гавдалантирди, шоирлар мана шу янги дун'ёнинг қурилиш ва яралишини, янги одамлар — қаҳрамонларнинг кураш ва ғалабасини куйлашга интилдилар. Адабий ҳаётимизда, шоирлар ва ёзувчилар онгида янги тушунча, янги қарашлар туғилди.

Бу даврда партиямиз томонидан адабиёт ҳақида қабул қилинган машҳур қарор адабий ҳаётни яна ҳам тезроқ ва дадилроқ тараққий этишига, ёзувчиларнинг яна ҳам аниқроқ ва равшанроқ йўл тутишига ёрдам ва раҳбарлик қилди. Партиямизнинг 1932 йилдаги тарихий қарори адабиётимиз олдига социализм қурулишини ҳаққоний акс этдириш каби шарафли вазифани қўйди. Адабиётимизда асосий ижодий метод — социалистик реализм методи бўлиб қолди. 1930 йиллар даври ҳаётининг бу социаль мазмунни умуман адабиётимизда, шоирларимиз ижодида, шу жумладан Ҳамид Олимжон ижодида, ўзининг ифодасини топди.

Ҳамид Олимжон ўз ижодий юксалишида янги босқичга қадам қўйиб салобатли бешйилликлар даврининг азамат темаларини ишлашга бошлар экан, бу азамат темалар руҳига мувофиқ келадиган янги форма ҳам ахтарди. Бу янги форма — давримизнинг энг улуғ шоири Владимир Маяковский яратган „Кесик мисра'лар“ ва „Эркин вазн"лар формаси бўлиб чиқди. Ҳамма вақт ҳам улуғ рус адабиётини муҳаббат блан ўрганиб келаётган шоирларимиз, ёзувчиларимиз ўзбек совет адабиётининг юксалишида революцион рус поэзиясидан баракали та'сирландилар. Бу даврда кўп шоир-

ларимиз Владимир Маяковский услубига эргашдилар. Ғафур Ғулом, Шайхзода, Ҳамид Олимжон ва бошқалар. У даврларда Маяковский поэтик мактабининг ўзбек совет поэзиясида етишган талантили муҳиблари сифатида ижод этдилар. Шоир Ғафур Ғулом ўзининг „Динамо“, „Тирик қўшиқлар“ каби ше’рий тўпламларини Маяковский адабий мактаби услубида яратди. Бу тўпламларга кирган „Яловбардорлиққа“, „Турксиб йўллари“ каби ажойиб ше’рлар ҳозиргача ўзбек совет поэзиясининг машҳур намуналаридан ҳисобланади. Шоир Шайхзода яратган „Ўн ше’р“, „Ундашларим“, „Учинчи китоб“ каби ше’р тўпламлари (31-32 йилларда нашр қилинган) ҳам Маяковский та’сирининг натижасида туғилган. Ҳамид Олимжоннинг ҳам „Пойга“ (32 йил), „Ўлим ёвга“ (32 йил) каби ше’рлар тўплами шу давр адабий услубининг меваси ҳисобланади. Бу тўпламларга кирган ше’рлар тематика жиҳатдан саноат ва техника соҳасидаги гигант қурилишларга, пахта мустақиллиги йўлида республикамиз большевиклари—пахтакорлари кўрсатаётган жонбозликларига, уларнинг кураш ва ғалабаларига бағишланган. Ше’рлар формаль-стилистик жиҳатдан риторика-ораторлик принциплари асосида яратилган. Шунинг учун бу ше’рларда такрор, хитоб, уқдириш устун туради. Ше’р гўёки миябарда туриб сўзловчи ораторнинг қайноқ ёлқинли нутқини эсга туширади. Шоир ўз ше’рини гўё декламацияга мўлжаллаб ёзгандек сезилади.

1935/36 йилларга келиб Ҳамид Олимжон ижодида янги интилишлар, ше’рнинг формаль-стилистик масалаларида яна ўзгаришлар майдонга чиқди. Шоир бу даврда нутқдан-лирикага, риторика-ораторликдан ҳаёт қўшиғини куйлашга ўтди. Шоирнинг лирикага қайтиши, албатта, тасодифий ҳодиса эмас. Бунда зийрак шоирнинг ўз ижодига танқидий қараши ва уни камолатга етказиш учун тинмай ишлаши маълум даражада роль ўйнади; шубҳасиз. Лекин шоир ижодий фаоллигида рўй берган муҳим ҳодисанинг чуқурроқ сабаби бор, албатта. У сабаб нимадан иборат?

1930 йилларнинг ўрталарида я’ни Сталинча иккинчи бешйиллик охирида мамлакатимиз социализм жам’иятини қуриш соҳасида буюк тарихий ғалабаларга эришди. Бу давр мамлакатимиз тарихида мисли кўрилмаган гигант қадамлар билан юксалиш даври эди. Ўртоқ Сталин 1946 йил, 9-нчи февраль куни Москвада ўз сайловчилари олдида сўзлаб 13 йиллик вақтни ўз ичига олган бешйилликлар даврига характеристика берар экан, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини „одатдаги оддий ўсиш“ эмас, балки „сакраш“ деб та’рифлади. Ўртоқ Сталин шундай деган эди: „Ишлаб чиқаришнинг шундай мисли кўрилмаган даражада ўсиши мамлакатнинг фақат қолоқликдан тараққиёт сари одатдаги оддий ўсиши деб бўлмайди. Бу, шундай бир сакраш эдики, бунинг орқасида Ватанимиз қолоқ мамлакатдан илғор мамлакатга, деҳқончилик мамлакатидан саноатлашган мамлакатга айланди“.

¹ И. В. Сталин — Москва шахри Сталин сайлов округи сайловчиларининг сайлов олд йиғилишида сўзлаган нутқи, 1946 йил 9-нчи февраль. Ўздавнашр. Тошкент, бет 15.

Гениаль саркарда етакчилигида ўтказилган бу ўсиш — „сакраш“ мамлакатимизни оламшумул ғалабаларга олиб келди. Мамлакатимизда социализм тўлиқ ғалаба қилди. Мамлакат кучланди, экономика, техника, маданият юксалди. Бунинг натижасида халқимизнинг моддий-маданий аҳволи ўсди, халқ турмуши фаровон бўлди.

Ўртоқ Сталин 1935 йилда стахановчиларнинг биринчи кенгашида ижтимоий тузимнинг халқ манфаатига қаратилган бу моҳияти тўғрисида сўзлаб шундай деган эди:

„Революциямизнинг характерли хусусияти шундан иборатки, у халққа озодлик бериши билан бирга моддий саодат ҳам берди. Давлатли ва маданий турмуш имкониятини ҳам берди“¹.

1936 йил VIII — февралда советлар с'ездида янги конституциянинг қабул қилиниши халқимиз эришган бу моддий саодатнинг, давлатли ва маданий турмуш имкониятларининг улуғ тантанаси бўлди. Энди улуғ иттифоқимизда яшовчи барча халқлар ўз бахтлари тўғрисида сўзловчи янги дун'ё конституциясига эга бўлган эдилар. Халқлар доҳиси улуғ Сталин конституцияни қабул қилиниш кунда барча халқларда намоён бўлган қувонч ва севиқчи нафода қилиб шундай деган эди:

„Ўтилган кураш йўли ва машаққатлар натижасида ўз ғалабаларимизнинг мевалари тўғрисида сўйловчи конституциямизга эга бўлиш ёқимли ва қувончлидир“.

Одамларимиз нималар учун курашганлигини ва бутун дун'ё миқ'ёсида тарихий ғалабаларга қандай эришганлигини билиш ёқимли ва қувончлидир“.

Ижтимоий ҳаётимизда бу ўзгариш, бутун дун'ё миқ'ёсида аҳамиятга эга бўлган бу тарихий ғалабалар адабиётимизда ақс этиши табиий ҳол эди. Бу давр адабиётимизда, айниқса, поэзиямизда бахт мотиви, қувонч шодлик мотиви, бундай бахтли ва қувончли турмуш яратган давримизни улуғлаш мотиви кенг тарқалди. Поэзиямизда ғолиб халқимизнинг қувончи — бахтини нафода қилуви қатор асарлар яратилди.

Ҳамид Олимжон ўз ижодий тараққиётининг учинчи этапида мана шу оламшумул тарихий ғалабаларимизни куйловчи шоир сифатида майдонга чиқди. Бу даврда шоир поэзияси ўзининг нозик ва сезгир томирлари билан мана шу қувноқ ва жонбахш ҳаётимиздан озиқланади. Шоирнинг бу даврга келиб оташин нутқдан лирикага, реторикадан туйғу ҳислар тараннумига ўтишининг сабаби ҳам шунда эди. Чунки шоир ўзини ғолиб халқ шоири, халқ ҳаётидаги „шодлик ва бахт“ куйчиси ҳисобларди:

— Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни,
Куйламаклик зўр саодатим.

(„Шодликни куйлаганимнинг сабаби“)

Ҳамид Олимжоннинг 35-36 йиллардан кейин ёзган ҳамма асарларида мана шу асосий руҳ ўз нафодасини топди. 36-37-нчи йил-

¹ И. В. Сталин — Ленинизм масалалари. Тошкент, 1940 йил. бет 479.

лардаги ше'рларни ўз ичига олган „Ўлка“ тўплами, ше'рлар китоби „Бахт“, „Зайнаб ва Омон“ достони (39 йил), „Икки қиз ҳикояси“ сарлавҳали баллада (37 йил), „Семурғ“ (38 йил), „Ойгул ва Бахтиёр“ (37 йил) эртаклари, ше'рлар тўплами „Ишонч“ (43 йил) ва бошқаларда давримизнинг мана шу шодиёна ҳаёт: натижасида туғилган қувноқ туйғулар ҳукмронлик қилади.

Ҳамид Олимжоннинг бу давр поэзиясида бахт мотиви маркази ўринини ишғол қилади. Шоир бу темада „бахт тўғрисида“, „Бахтимиз тарихига“ каби махсус ше'рлар ёзганидек, ўзининг қатор лирик асарларида ҳам бу суюкли темага такрор-такрор қайтди ва ҳар гал уни ўзгача бўёқ, ўзгача ҳис-туйғу билан бойитди. Айтиш мумкинки, Ҳамид Олимжон поэзияси бахт фалсафасининг ше'рий ифодасидир. Жаҳон адабиётининг доимо тирик бу темаси Ҳамид Олимжон поэзиясида қандай ҳал бўлди? Шоир бахт деб нимани тушинди?

Шоир тушунишича асл бахт шахсий интилиш, шахсий истак билан давр, замон оқимининг гармоник муносабатда келишида эди. Шахснинг бахтиёр бўлиши учун унинг хусусий интилиши, армон ва умидлари халқ манфаати, умум манфаати билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Шахснинг бахтиёр бўлиши учун у, халқ билан бирга яшасин, халқ бахти билан қувонсин, қайғусига ўртоқлашсин. Чин бахт, ҳақиқий саодат шундадир. Шундагина шахс бахтиёр ҳисобланади, унга толе' ёр бўлади.

Толе'им шулким, ватанда бир гулистон танладим,
Бахтни топган эл билан жондош бўлиб отдим одим,
Йўлдан озганларга ҳечбир бўлмадим мен қайғудош,
Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиш қуёш.

Чиндан ҳам шахснинг халқ тақдири билан ўз тақдирини боғлаши зўр саодат. Халқ иши учун, кишилик тараққиёти учун бутун умрларини сарф қилиш улуғ шараф. Сон-саноксиз тарихий фактлар, буюк тарихий шахслар ҳаёти шунини кўрсатади. Лекин бахтиёр халқ тақдири билан ўз тақдирини боғлашлик, асрий бўғовларни парчалаб ўзи учун азамат турмуш қураётган озод халқ тақдири билан ўз тақдирини боғлашлик яна ҳам улуғроқ шараф, яна ҳам каттароқ саодатдир. Шоир Ҳамид Олимжон мана шундай шарафга, мана шундай саодатга муяссар бўлган шоир эди. Тарихнинг бахтли оқими, замонларнинг чиройлик тўқумаси уни озод, бахтиёр халқ шоири қилиб етиштирган эди. Шунинг учун шоир чексиз қувончга тўлди:

Қувонч шулким, толе' ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўрардим,
Асрларнинг қайғусин қарғаб,
Шодлик ва бахт куйини чалдим.

Шоир қувончга тўлиб-тошишда ва ўзига толе' ёр эканини алоҳида та'кидлашда минг марта ҳақли эди. Чунки:

Охири мен ўсган эл, яксон этиб ғам тоғини,
Барча тилсимларни очди, топди роҳат боғини.

(„Бахтимиз тарихига“ 37 йил).

Узоқ-узоқ асрлар давомида халқлар орзу қилиб келган бахтли турмуш ҳақидаги хаёллар бизнинг давримизга келиб ҳақиқатга айланди, бизнинг улуғ ватанимизда халқлар ўз орзу-умидларига етдилар, уларнинг бахтлари мангу барқарор бўлди:

Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим,
Ҳар кун ортар кўзларимда нур,
Шунинг учун йўқ асло ғамим.

Чунки элим қайғуни билмас,
Чунки йўқдир ватанда мотам,
Озод халқим бошига келмас,
Энди сра мусибат ва ғам.

(„Шодликни куйлаганимнинг сабаби“ 1938 йил).

Шоир Ҳамид Олимжондаги шодлик, қувонч, оптимистик руҳ шунинг учун ҳам яна чуқурланади, яна зўр куч блан оловланадики, бу толе' тарихда шоирларга кам муяссар бўлган ҳолдир, буни шоир жуда яхши англай ва ҳаяжонланиб бундан бахс этар эди:

Бенаво танҳо Фузулий зор бирла оҳидан,
Ўртаниб қоврилди доим қайғу оташ гоҳида.
Навоий бир умр айрилмади фарҳодидин,
Барча оламини ўртантирди унинг ҳар додидин.
Ҳам қаро кунлар қаро томуғида ёнган китоб,
Қайғу йўлдошининг бўлур деб доимо қилди хитоб.

У даврларда китоб қора кунларнинг қора томуғида ёнар, шоирларга эса замон доимо „қайғу йўлдошининг бўлур“ деб хитоб қилиб турар эди. Чунки эксплуатация, зулм, тенгсизлик асосига қурилган ўтмиш жамиятларда адабиёт, сўз, китоб кишанланган, тутқун эди. Шунинг учун жаҳон адабиётининг буюк намояндалари доимо халқ қайғуси блан фар'ёд чекдилар, адабиёт халқ ҳаёти фожиаларига гувоҳ бўлиб яшади. Ҳамид Олимжон ўтмишдаги буюк шоирларни, мутафаккирларни, шарқ ва ғарб классикларини Пушкин, Навоий, Ҳофиз, Лермонтов, Шекспир, Низомий, Хайём, Фузулийларни ўқиди ва уларнинг ҳарбирида замон туғдирган кўз ёшини кўрди:

Шоирларни ўқиб чиқдим,
Билмаганим қолди жуда кам.
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,
Кўрабериб ҳаммасида ғам.

Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фар'ёд блан урнидан турди.

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб олдим Ҳофизни,
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Хайём:
„Чунки ғамга ошнодир ҳол
Қайғу блан тўлуғдир айём“.

Шоирнинг борлигини ўраб олган бу кечинмалар, тушунчалар-отоқли халқ шоиримиз Фозил Йулдош ўғлига бағишлаб ёзган „Куйчининг хаёли“ сарлавҳали машҳур ше'рида яна кенгроқ шоирона ифодасини топди. Бу чиройли хаёллар яратучи ше'рининг биринчи қисмида шоир гўё куйнинг тарихини яратмоқчи бўлганидек унинг ўтмишдаги ҳоли ҳақида гапиради.

Куй кўлдир, аламлар бутун бир олам,
Уни ташучилар яшар саҳрода,
Куйларда қақшайди фақирлик ва ғам,
Куйнинг тингловчиси ҳайдайдди пода.

Куй кўпдир ҳар юрак сақлайди армон,
Куй айтиб доимо қушлар чийиллар.
Куй берар юракка ҳордуқ ва дармон,
Куй айтиб учади беватан еллар.

Шоир та'бири блан айтганимизда ўтмишда „мажруҳ-бетоб бўлган куй бизнинг давримизга келиб эркин қувнади. Сўз, китоб, адабиёт, „қора кунларнинг қора томуғидай“ қутилди. Энди бу ўлкада шоир эркин куйлаш ҳуқуқига эгагина эмас, балки шоир тўқиган қўшиққа ўлканинг ўзи жўр бўлади, улуғ мамлакат куйида яшайди:

Далалар, саҳролар, чўллар бахтиёр,
Куй айтиб яшайди манзиллар, эллар,
Тинмасдан куй айтар суюкли днёр,
Қўшиқдан осмонлар, тоғлар, гумбурлар.

Куй айтар булутлар ичида осмон,
Куй керак мардона, жувон ҳаётга,
Куй айтар лочинлар ўлкаси—осмон,
Ота, қўшиқ айтган етар муродга.

(„Куйчининг хаёли“ 1976 йил)

Ҳамид Олимжон поэзиясида ифода қилинган бахт фалсафасининг маъноси шу эди.

Шоир бахт деб социализм замонида озод ва қувноқ халқ билан бирга яшаш шарафига муяссар бўлганини тушунди. Шоир бахт деб осмонларни, тоғларни гумбурлатиб куй айтучи улуғ ўлкага жўр бўлиб қўшиқ тўқиш имкониятига эга бўлганини айтди.

Ўзбек совет поэзиясида шоир Ҳамид Олимжон алоҳида ўрин ишғол қилади. У ўзидаги бу алоҳидалик билан поэзиямизнинг бошқа пешқадам вакиллари — Фафур Гулом, Уйғун, Шайхзодалардан ажралиб туради.

Поэзиямизнинг энг донгдор ва талантли намояндаси, шубҳасиз, шоир Фафур Гуломдир. Фафур Гулом шарқ адабиётини жуда чуқур ўрганган шоир. У, рус ва ғарб адабиётидаги ҳаётилик билан шарқ адабиётидаги рангдорликни усталик билан ўзида сингдирди. Унинг мазмундор бугунги поэзиясидан шарқ адабиётининг ҳидлари бурқиб келиб туради. Уйғун ҳассос ва лирик шоир. Унинг поэзиясида табиат лавҳалари, инсон кечинмалари назик ифодаларда тасвирланади. Шайхзодада эса ҳисдан кўра фикр, эмоциядан кўра идора устун туради. Шайхзода оригиналь фикрлар, оригиналь формалар яратучи шоирдир. Бу шоирлар плеядаси ичида Ҳамид Олимжоннинг уз ўрни бор. У яратган поэзия турмушимизнинг бевосита акс садосидир. Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик куйчидир.

Бахтимизнинг ижодчиси улуғ Сталин образини яратиш, она— Ватанга муҳаббат, халқлар дўстлиги каби масалалар адабиётимизнинг муқаддас мавзулари ҳисобланади. Бу мавзулар, айниқса, поэзиямизда зўр муваффақият билан ишланди, сиёсий лирика яратилди. Ҳамид Олимжон поэзиясида сиёсий лириканинг яратучиларидан бири сифатида ажойиб асарлар берди. Шоир ўзининг бу темада ёзилган кўп шеърларидан бирида улуғ доҳимизни башар қуёшига — инсоният қуёшига ўхшатар экан, унга бўлган халқнинг чуқур ҳурматини шундай ифодалади:

Сен тоғларни йиққан баҳодир,
Сенинг ўзинг ҳар ишга қодир.
Номинг билан чайқалур кўллар,
Номинг билан гул бўлур чўллар.
Номинг билан йўқолур зулм,
Номинг билан йўқолур ўлим,
Сен тарихнинг томрида қон,
Сен сламнинг тавидаги жон.

(„Башар қуёшига“ 37 йил).

Ватанга муҳаббат—патриотизм руҳида шоир кўп шеърлар ёзди. У ўз ижодий фаолиятининг биринчи даврларидан тортиб, то сўнги кунларигача бу суюкли темада ишлаб келди. Шоир ўз ватани Ўзбекистонини қандай ҳароратли муҳаббат билан севса, улуғ Иттифоқимизни ҳам шундай севади. У ўзининг „Россия“ сарлавҳали шеърда:

Россия, Россия менинг ватаним,
Мен сенинг ўглингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

Сатрларини яратиб, зўр фахрланиш блан бу улуг ўлканинг ўгли эканини таъкидлади. Шоир бу фахрланишда, ҳақли эди.

Адабиётимизда мазмундор сиёсий поэзия яратган Ҳамид Олимжон интим лирик шеърлар ҳам ёзди. Бу шеърлар асосан 1936 йилда ёз ойларида шоирнинг Кавказга қилган саёҳати вақтида, 1937 йил ёз ойларида яна Кавказ ва Ўзбекистон курортларида яшаган даврида яратилган. Бу шеърларни шартли равишда бир гуруҳга тўплаш ва „Курорт серияси“ деб аташ мумкин. Бу шеърлар шоирнинг ички борлигидан бизга хабар берадилар ва тор интим-лирика характерга эгадилар. Масалан: „Хаёлингда ўтадир кунлар“, „Қора денгиз бўйида“, „Ишим бордур ўша оҳуда“, „Хулкарнинг шеъри“, „Дар’ё тиниқ осмон беғубор“, „Дун’ё гўзал кўринар санга“ ва бошқалар. Кўришиб турадики, бу шеърлар характер, тематика ва мотив эътибори блан шоир ички дун’ёсининг ҳолатига оиддир.

„Курорт серияси“га кирган шеърлар кўз ўнгимизда ҳарқандай руҳий фожиалардан, ички қарама-қаршилиқлардан холи бўлган оптимист шоирни гавдалантиради. Шоир хоҳ шахсий ҳаётида бўлсин, хоҳ муҳаббатда бўлсин, хоҳ кўнглидаги орзу-армонларида бўлсин шикасталик, дардмандлик сезмайди. Шоирнинг бу руҳий ҳолатини яна ҳам очиқроқ кўриш учун унинг „Ишим бордур ўша оҳуда“ сарлавҳали „Илҳом париси“га бағишлаб ёзган шеърини кўриш kifоя. Маълумки, рус, ва Европа адабиётида „Муза“ деб юргизиладиган „Илҳом париси“ мотиви дун’ё адабиётида машҳур мотивдир. Неча-неча шоирлар, бахтли этакларини тутқизмай яширинучи „Илҳом париси“дан волиб, қанчалаб шикоятли шеърлар ёзганлар. Уларнинг „Илҳом париси“дан зорланишлари ижодий бахтсизлик белгиси ҳисобланиб келди. Шоир Ҳамид Олимжон ҳам бу „пари“га бағишлаб шеър ёзди. Лекин Ҳамид Олимжон тасвир қилган бу „пари“ шоирдан, турмушдан, табиатдан ташқарида парвоз қилучи асов куч эмас, балки шу турмуш, табиат борлиқ ичнда яшовчи ва шоирга жилмайиб боқучи қувватдир. Бу—ҳаёт қудратидир. Шбир мана шу қувватни, мана шу ҳаёт қудратини „Илҳом париси“ деб атади ва унга ўз шеърини бағишлади:

У юрганда очилар гуллар,
Баҳмалга бурканар баҳорий чўллар,
У бор ерда жонланар ҳаёт,
Уни курса, чайқалур кўллар,
Ишим бордур ўша оҳуда.

Қўшиғини тинглар қашқа тоғ,
Оғушида мангудур баҳор,
Чиройида зарра йўқдир доғ,
Даласида ёзда ухлар қор,
Ишим бордур ўша оҳуда.

1937 йил ўзбек совет адабиёти тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. 1937 йилда улуғ рус шоири А. С. Пушкин юбилейини утказилиши, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий юбилейига тайёргарликни бошланиши адабий ҳаётимизнинг яна бойишига сабаб бўлди. А. С. Пушкиннинг гўзал лирикаси қаторида „Евгений Онегин“, „Русалка“, „Боқча сарой фантани“, „Бекат назоратчиси“ каби шоҳ асарлари таржима қилиниб ўзбек адабиёти мулкига айланди. М. Ю. Лермонтов ижодининг энг яхши намуналари ҳам шу даврда таржима қилинди. Навоий юбилейига тайёргарлик, бой адабий меросимизни ўрганиш учун прогрессив традицияларида совет адабиёти тараққиёти йулида фойдаланиш масаласида катта натижалар берди. Адабий меросимизни эгаллаш блан бир вақтда туганмас бойликга эга бўлган халқ ижодини ўрганишга қизғин киришилди. Натижада „Алпомиш“, „Қундуз блан Юлдуз“, „Ширин блан Шакар“, „Кун тугмиш“ каби, фольклорнинг монументаль намуналари нашр этилди. Адабий ҳаётнинг муҳим ва мас’улиятлик соҳаларида муваффақият блан ишлаб келган шоир ва ёзучиларимиз ижодий ишда чинқииб етук фигура сифатида майдонга чиқабошладилар. Ўзбек совет адабиётининг 1937 нчи йилдан кейинги даври ижодий балоғат даври деб ҳисобланади. Бу даврда ўзбек совет адабиёти иттифоқимизнинг илғор миллий адабиётлари қаторига кўтарилди. Адабиётнинг ҳамма асосий жанрлари бўйича йирик асарлар майдонга келди. Поэзияда кичик лирик шеърлар қаторида „Йосиф Сталин“, „Украина ерлари“, „Бахтигул Соғиндиқ“, „Ўч“ дostonлари, прозада бир қанча новеллалар қаторида „Қутлуқ қон“, „Навоий“, „Қўш чинор“ романлари, драмада „Бургутнинг парвози“, „Муҳаббат“, „Ҳаёт қўшиғи“ каби оригиналь асарлар яратилди.

Ўзбек совет адабиётининг бу умумий юксалишида шоир Ҳамид Олимжон ўзининг гўзал асарлари блан иштирок этди.

Ҳамид Олимжон бу даврда элик шоир сифатида „Зайнаб ва Омон“ (39 йил), „Ойгул блан Бахтиёр“ (37 йил), „Семурғ“ (38 йил) каби дostonларини, „Икки қизнинг ҳикояси“ (37 йил), „Жангчи Турсун“ (42 йил); „Раксананинг кўз ёшлари“ (44 йил) каби балладаларини, „Муқанна“ (43 йил) каби драматик асарларини ёзди. Бу дostonлар, балладалар, драматик асарларда — Ҳамид Олимжон поэзиясида куйланган ассий мазмун — бахтиёр давримизнинг қувноқ руҳини акс этди. Ҳамид Олимжон „Зайнаб ва Омон“ дostonини муҳаббат проблемасига бағишлади. Совет қишлоғида ижодий меҳнат қўйнида яшовчи колхозчилардан Зайнаб блан Омоннинг самимий инсонни муҳаббатлари орқали шоир социализм жамияти шароитида шахсий эркинликнинг, орзу-армонларнинг тантана қилишини кўрсатди. „Зайнаб ва Омон“ дostonи эркин муҳаббат мадҳиясидир.

Ҳамид Олимжоннинг „Ойгул ва Бахтиёр“ блан „Семурғ“ дostonлари халқ бадий ижоди хазинасидан фойдаланиш заминига туғилди. Бу шеърӣ дostonлар асосан халқ эртаклари сюжети асосида ишланиб халқ ижодидаги фантастик-романтик — эпизод-

лар, мифик образлар фонида давом этса ҳам лекин халқ эртакларида бўлган реалистик мазмун, демократик идеялар шоир томонидан алоҳида диққат ва муҳаббат билан парвариш қилинган. „Ойгул билан Бахтиёр“ дostonидаги қуллар исёнига оид эпизодлар, Қулбобо Дорхон, унинг қизи Ойгул образлари, „Семурғ“ дostonидаги подачи Бун’ёд образи шоир олдинга сурган демократик идеяларни яққол ифодаловчи моментлардир.

Ҳамид Олимжон ёзган балладалар ўзбек совет адабиётини янги жанр намуналари билан бойитди.

Адабиётимизда кейинги вақтларгача бўлмаган Европа жанрларининг янги формалари тарихий драма, трагедия, комедиялар кириб келмакда. Ҳамид Олимжоннинг 1943 йилда ёзган „Муқанна“ асари шоирнинг драматургия соҳасидаги биринчи тажрибасидан ҳосил бўлган тарихий романтик драматир. Бу драмада, шоир Улуғ Ватан уруши йилларида халқимизнинг героик ўтмишидан олинган тарихий ҳодисалар асосида ватанпарварлик ва душманга нисбатан ғазаб-нафрат идеяларини тарғиб қилади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойлари ва йилларида „Қўлингга қурол ол“ ше’рлар тўпламини нашр этиб, адабиётимизда муҳим бўлган ватанпарварлик чақириқларига кўпроқ интилган шоир, аста-секин лирикага ўтабошлади. Унинг ше’рлари фронт қаҳрамони, унинг мардликлари, кечинмалари билан, меҳнат фронтитидаги ғзаметларнинг жонбозликлари, душман устидан ғалаба қозонишга бўлган ишончлари, умидлари, истаклари билан безанабошлади. Улуғ фронтга айланган мамлакатимиздаги шиддатли ва жанговар ҳаёт лирик ше’рларда ўз ифодасини топабошлади. „Ишонч“ тўпламига кирган „Сен туғилган кун“, „Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой“, „Шинель“, „Севги“, „Учрашув“ каби ше’рлар бу даврда Ҳамид Олимжон яратган лириканинг гўзал намуналаридир. Бу ше’рлар ичида „Севги“ чуқур лиризмаси билан ажралиб туради. Бу ше’рда шоир энг азиз инсоний туйғулардан бири бўлган севги ва унинг жанг шароитидаги тақдири ҳақида сўзлайди. Малумки, Улуғ Ватан уруши йиллари совет кишилари ўз ҳаётларинигина эмас, балки жонидан азиз муҳаббатларини, юрак армонларини ҳам она Ватанга бағишладилар. Буни улуғ жанг йилларида рўй берган сон-саноксиз далиллари бор. Шоир севги ше’рида мана шундай ҳақиқий совет патриотизмасининг тимсолини яратди.

Ўз севгилиси орқасидан фронтга жўнаган қиз жанг майдонида даҳшатли оловлар ичида севган элини душмандан қутқариш учун жонбозлик қилиб юрак экан, кўнглида яширган севгисининг тақдири ҳақида бир нафас ўйлаб қолди. Халқ ва мамлакат ҳаёт-мамоти ҳал қилинаётган бу майдонда туриб шу муқаддас тупроқнинг иккинчи ерида паҳлавонларча курашаётган ёрига видо’лашув хатини ёзди:

Балки, учрашмасмиз биз энди мангу,
Бўсамиз ҳам қолар балки саргардон.

Дун'ёда, албатта, бир ўлмак борку,
Ҳеч ажаб эмасдур ўлсак жанг аро.
Ёв блан курашда оқса қонимиз,
Бўлмай эл олдида юзимиз қаро.

Ўлимдан қўрқмаган эрлар қонидан
Жуда табаррукдир қизарса тупроқ.
Ўша қон дўстларнинг ёритиб юзин,
Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Кичкина қалбида шундай буюк ҳис сақлаган бу муборак қиз
тушунчасида ундан ҳам муқаддасроқ фикр ётар эди:

Гўзал Украина далаларида,
Яна аввалгидай табиат гуллар.
Буюк Россиянинг ўрмонларида,
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Ҳамид Олимжон лирикаси кейинги йилларда фикрий тўлуғлик,
бадий иҳота жиҳатидан яна такомилга эришди. Шоир олган те-
масини атрофлича ишлаш, ўқучида теран таассурот туғдириш,
улуғвор ўйлар, хаёллар яратишга интилди ва бу йўлда катта
муваффақиятлар қозонди.

Шоир Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан уруши йилларида қаламини
найзадек ўткур қилиб, сўзларини қилич дамидай товлаб ҳам шоир,
ҳам публисист ҳам драматург ҳам очеркист ҳам пропагандист
ҳам олим сифатида ишлади. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири
Алишер Навоий ижодини популарлаштириш, бутун иттифоқимиз
халқларига танитиш учун илмий мақолалар ёзди.

Ҳамид Олимжон ўзбек адабиёти ва маданиятининг юксалишида
астайидил ишловчи ғамхўрларидан бири эди. Бу соҳадаги хизмат-
лари блан ҳукуратимиз олдида маданият арбоби сифатида танил-
ди, халқимиз ҳурматига сазовор бўлди. У, Ўзбекистон ёзучилар-
нинг амалий ижодий ишларига умрининг охиригича бошчилик
қилиб келди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси та'сис
этилиши муносабати блан Академиянинг корреспондент а'зоси
сифатида унга сайланди.

Шоир Ҳамид Олимжон ўзбек совет адабиёти учун кўп хиз-
матлар қилиб, энди ижодий жиҳатдан балоғатга етган вақтида
тасодифий ҳалокат натижасида қурбон бўлди. Оташин ватанпар-
вар большевик шоир Ҳамид Олимжон қисқа муддатлик ҳаётида
бепоён халқ умрининг бир лавҳасини — геройк курашлар, социал-
лизм ғалабаси даврини сўз сан'ати блан тамғалаб қолдирди. Шу-
нинг учун халқимиз уни ўз тарихидаги энг бахтиёр давр бўлган
социализм даврининг куйчиси сифатида эслайди.

ШАРОФ РАШИД

ЯНГИ ИЖОДИЙ ИНТИЛИШНИНГ ТҶЎНҒИЧ МЕВАСИ*

Ленин ва Сталиннинг янги жамият қуриш ҳақидаги та'лимоти ишчилар синфини ва миллион-миллион меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан қуроолантирди, уларнинг истиқболини ёрқин кўрсатиб берди, коммунизмнинг ғалабасига бўлган ишончини оширди ва уларни қаҳрамонона меҳнатга илҳомлантирди. Совет кишилари большевиклар партияси кўрсатган йўлдан бориб, ғоявий сиёсий жиҳатдан тарбияланган, чиниққан, илғор кишилар бўлиб етишдилар, халқ ва давлат манфаатларини тўла тушиниш даражасидаги юксакликка кўтарилдилар. Бизда оддий кишилар янги ҳаёт яратиб ўз мамлакатининг тақдирини ўзлари ҳал қиладиган бўлиб қолдилар. Ўртоқ Жданов халқимизнинг ма'навий-сиёсий қиёфаси бутунлай ўзгариб кетганлиги ҳақида гапириб бундай деган эди: „Утган ҳаркун халқимизни тобора юксалтирмоқда. Бизлар бугун кечагидек эмасмиз, эртага бугунгидан ҳам бошқа бўламиз. Бизлар 1917 йилдан аввалги руслар эмасмиз, Рус эли ҳам аввалгидек эмас, бизнинг фе'л-атворимиз ҳам энди бошқача. Мамлакатимизни томир-томиридан ўзгартган янгиликлар блан бирга бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик, ўсдик“.

Улуғ совет халқи коммунизм ғоялари блан руҳланган ва илҳомланган ҳолда бир тан бўлиб, бир жон бўлиб ишонч блан илгарига бормоқда. Унинг бу йўли Ленин—Сталин партияси томонидан кўрсатилган бирдан-бир тўғри йўлдир. Халқимиз Ленин—Сталин партияси теварагига янада мустаҳкам жиплашган ҳолда улуғ коммунизмнинг биносини қураётир.

Халқимизнинг меҳнатга янгича, коммунистик муносабатда бўлиши янги му'жизалар кўрсатмоқда. Шон-шараф ва шуҳрат ишига айланган ана шу меҳнат замонамизнинг илғор кишиларини, ижодкор новаторларини яратиб бермоқда. Буларнинг ҳарбири адабиётимизнинг юраги, ёзучиларимизнинг битмас-туганмас илҳом бўлиши керак.

* Мирмуҳсин — „Уста Ғиёс“ — поэма, „Шарқ Юлдузи“ журнали 1947 йил 1, 2—3 сонлар.

„Совет кишиларининг бу янги хислаг ва фазилатларини кўрсатмоқ, — деган эди ўртоқ Жданов — халқимизнинг бугунги аҳволини кўрсатибгина қолмай, балки унинг келажаги, эртаги кунда бўладиган ҳолига ҳам назар ташламоқ, унинг илгарига босиб бораётган йўлини маш’ал блан ёритиб, унга ёрдам бермоқ — ҳарбир виждонли совет ёзучисининг вазифасидир“. Ёзучиларимиз ВКП(б) Марказий Комитети кўрсатган йўлдан бориб, ҳалигача кўрилмаган катта ижодий бурилиш йўлига кирдилар. Адабиётимиз эса, совет воқ’лигидан олиб ёзидган юксак ғоявий-сиёсий савияга эга бўлган янги асарлар блан бойитилди.

Ёш шоир Мирмуҳсин янги поэма ёзар экан, унга мамлакатимиз ҳаётида юз берган улуғвор воқиялар, халқимиз ўртасидаги янги меҳнат кўтаришқилиги ва совет кишисининг олижаноб фазилатлари илҳом багишлайди. У, ўзи кичик ишда, аммо мамлакатимиз учун, совет халқи ҳаётининг фаровонлиги учун жуда катта иш қилаётган ажойиб киши образини яратади.

Халқимиз ҳалол ва фидокорона меҳнати блан, жонажон Ватанга бўлган муҳаббати блан, Ленин — Сталин партиясига абадий содиқлиги блан характерли бўлган янги ва илғор халқдир. Мирмуҳсиннинг Уста Ғиёси ана шу халқимизнинг бир вакилидир. Шоир Мирмуҳсин Уста Ғиёс образида меҳнатга, колхоз қурилишига, улуғ Ватанга содиқ бўлган оддий ўзбек деҳқонининг портретини чизиб беради. Бундай деҳқон — пахтакор республикамизнинг ҳарбир колхозида бор. Шунинг учун ҳам Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“ини ўқир экансиз унинг бош қаҳрамони сизга таниш, юлдузи иссиқ, ҳурматингизга сазовор, азиз ва қадрдон бўлиб кўринади. Унга бўлган илиқ муҳаббат юрагингизнинг энг теран жойларидан ўрин олганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Чунки; бизнинг давлатли турмушимиз, иззат ва обруларимиз ана шу му’табар деҳқон етиштирган ҳосилга боғлиқдир.

„Уста Ғиёс“даги воқиа колхозда, уруш йилларининг қийин кунларидан бошланади. Колхозда от-улов — асбоб-ускуна етишмайди. Меҳнат азаматлари урушга кетган. Аммо колхознинг олдида катта вазифалар турипти, ҳосилни ошириш ва шунинг блан фронтни кўплаб озиқ-овқат блан та’мин этиш керак. Колхознинг асосий экинни пахта, қандай қилиб бўлса ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш лозим. Бунинг учун янги ерлар очишга киришадилар. Уста Ғиёс бошлиқ бўлган звено эса кўриқ очади. Бу энг қийин иш, асарнинг бош қаҳрамони Уста Ғиёснинг бутун фазилатлари ана шу қийинчиликни енгиш учун бошланган курашда очилади.

Колхозчилар фидокорона меҳнат қиладилар. Улар колхоз ишидаги қийинчиликларни мардонавор енгиш учун жон куйдириб ишлайдилар. Чунки улар ўзларининг тақдири, она Ватаннинг тақдири блан, жонажон колхознинг тақдири блан чамбарчасть боғланганини яхши биладилар. Поэмада улар ҳақида бундай дейилади:

Изгиринда ёрилар қўллар,
Ачишади, оғрир ҳарнафас.
Теримчига бу ҳечгап,
Фақат —
Намгарчилик бошланмаса бас!

ёки:

Тера-тера толар...
Мунда ҳам,
Бир чаноқни қолдирмас чала,
Бас у учун, фақат иш чоғи,
Бошланмаса ёмғуру жала.
Изгиринда кўқарар юзи,
Совуқ шамол беради озор,
Булар бари ҳечгапдир.
Чунки —
Юрагида Ватан ишқи бор.

Уста Ғиёс колхоз ҳаётидаги ҳамма масалаларга кўз-қулоқ бўлиб туради ва бу масалаларни ҳал қилишда маслаҳат беради, Уста Ғиёс колхоз ишини ўз иши деб, колхоз турмушини ўз турмуши деб ҳис қилади. Шунинг учун у, колхозда қаттиқ меҳнат интизоми ўрнатишни талаб қилади ва бу соҳада колхоз раҳбарларига жиддий танбеҳ беради. Уста Ғиёс колхоз иши учун фидокор ва жонкуяр киши. Унинг бу олижаноб фазилати поэманинг „Туруқ ҳақида“ деган бўлимида усталик блан тасвирланади. У колхоз мулкини ўз мулки, ўз меҳнати ҳисобига барпо қилганини яхши тушинади. Шунинг учун ҳам у, колхоз отига жабр қилган иш ёқмас аравакаш Болтабойдан қаттиқ норози бўлади.

— Ҳой Болтавой нега қамчилайсан?
От уволи ургур гўрсўхта!
Сен ўзингни керак савалаш!
Қўлингни торт, ноинсоф, тўхта!

Унинг виждони соф ва олижанобдир. Отга бу хил жабр қилинишига чидай олмайди ва дарҳол ўзи лойга тушиб уни озод қилади, унга ачинади, колхозники, ўзиники бўлгани учун ачинади. Бу колхозчиларимиздаги энг олижаноб фазилат — колхоз мулкига бўлган жонкуярлик фазилатидир. Партия ва ҳукумати-миз худди ана шундай — колхозчи-деҳқонларимизни колхоз ҳаётининг бирдан-бир хўжайинлари деб колхоз мулкини кўз қора-чиғидай сақлаш руҳида тарбиялаб келмоқда.

Уста Ғиёс меҳнат севар киши, гарчи у анча қариб қолган бўлса ҳам, ҳаммага меҳнат намунасини кўрсатади ва звено аъзоларини ана шундай ишлашга чақиради, уларга оталарча маслаҳат бериб тарбия қилади. Масалан, илгари Уста Ғиёс бошлиқ бўлган звенода ишлаган ва баъзи қийинчиликларга бардош беролмай

кетиб қолган Ашур Устанинг насиҳати блан яна колхозга қайтиб келади. Устанинг Ашурга қарата айтган сўзлари чиндан ҳам ҳаққоний, та'сирли насиҳатлар эдики, бу сўзлар илгари „Туф деганман қайтиб олмайман“ — деб ўжарлик қилиб юрган Ашурни нотўғри йўлидан қайтишга мажбур қилади:

Якка-якка чиқиб ва'да қилдик,
Ўшанда ҳам ўзингмидинг Ашур?!
Иккитами юзинг ҳали? Ким —
Давлат блан бундоқ ўйнашур?!

ёки:

Ҳой!
Бир киши ариқ қазийди,
Мингта одам ундан сув ичар,
Ниятимиз эмасмиди шундай!
Ва'да қилдинг, ҳа, уни бажар!

Асарнинг „Уста Ғиёс оғриб қолди“ деган бўлимида унинг — колхоз иши учун нақадар жонкуяр эканлиги — бутун ички дун'ёси яхши тасвирланган. Уста оғриб қолади, бирнеча кун ишга чиқолмайди, звеносидаги ишларни ўз кўзи блан кўролмайди. Бу эса уни ташвишга солади. Худди шу касаллигидаги психологик кечирмалари унинг бутун олижаноб қиёфасини очиб беради. Устанинг касали қанчалик зўрайиб борса, унинг звено иши ҳақидаги ўй-хаёли ҳам шунча зўраяди. У звенодан, ундаги меҳнатдан ташқари ўз ҳаётини тасаввур қилаолмайди. Шунинг учун унинг фикри-зикрини банд қилган ягона интилиш — меҳнатга, колхозга бўлган интилишдир. Шоир ўз қаҳрамонида бўлган ана шу фазилатни унинг кечирмалари орқали яхши тасвирлайди.

Пешонаси мисдек қизийди,
Писанд қилмас, дард-ла олишар.

Уста ана шу касаллик азобига бардош бериб ҳечкимнинг сўзига қулоқ солмай звенога чиқиб кетади, аммо касаллик далага етганда уни йиқитади, ҳолдан кетади. Уста қалбидаги меҳнатга, колхозга бўлган битмас-туганмас муҳаббат совет кишисини энг яхши фазилатларидан биридир.

Поэманинг қаҳрамони шу қишлоқнинг отоқли ва ҳурматли деҳқонидир. У ўзи ҳақида гапириб бундай дейди:

Асли ўзим деҳқон боласиман,
Пахта экиб кўтарганман қад.

Уста колхоз қишлоғи учун жуда кўп меҳнати сингган киши. У янги молхона, мактаб, клуб ва тегиримон қурган. Электростанция қурилишининг ташаббускори бўлган, темирчилик қилиб

колхоз учун кетман, ўроқ ясаб берган кишидир. Бу меҳнат намуналарининг ҳаммаси халқ юрагида Устага бўлган меҳр-муҳаббатни оширди. У, энг азиз, обрули ва отоқли киши бўлиб қолди.

Шоир ўз қахрамонини ана шу иш процессида ўсган, чиниққан, янги савия-тушунчаларга эга бўлган қилиб тасвирлайди. Уста Ғиёс оддий кетманчиликдан звено бошлиқлиғи, звено бошлиқлиғидан колхознинг ҳосилотлик даражасига кўтарилади. Колхозчиларнинг ишончли раҳбари бўлиб қолади. Бу процессларнинг ҳаммаси Уста учун янги меҳнат ва муносабат жараёнида катта фикрий юксалиш, мукаммаллашиш процесси бўлди.

Уста меҳнаткаш, ақлли, камтар кишидир. У мухбир блан қилган суҳбатда ҳали колхозда мақташга арирлик ҳечқандай янгилик йўқлигини айтади. Янги қурилишлар, тўқай очиб ғўза ўстиришлар, ажойиб меҳнат кўтаринкилиги — буларнинг ҳаммаси Устани ҳовлиқтирмайди. Унинг талаби колхозни янада юксалтириш ва юқори даражага кўтаришдир. Ана шу ишларни қилмагунча газетага ёзилишига ҳам рози эмас.

Энди ука, ҳали колхозимиз,
Ўйлаганингиздек эмас сизнинг
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг.

Йўқ чироғим, ҳали бизни ёзманг,
Келган эмас ҳали ёзар чоғ.
Турсуноининг колхозини кўринг,
Колхоз деган бўлипти бундоғ.

Уста колхозни юксалтириш учун бошланган ҳаракатнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб етишди. У, бу соҳада колхозчилар ва колхоз активларига маслаҳатлар беради, янги режалар тузиб келгуси ишларда муваффақият қозониш учун далда беради. У энди республика пахтакорлар қурултойларида иштирок этган, республикада пахтакорларнинг энг илғорлари блан сўзлашган, пахтачиликдаги бутун янгиликларни билган, янги фикрий ва тажрибалар камолатига эришган ажойиб раҳбар бўлиб етишди.

Шоир ўз асарларида жиддий бир катта воқияни олиб, қахрамонини ана шу воқия процессида кўрсатмайди. Балки асардаги қахрамоннинг бутун фазилатлари колхоздаги оддий ва кичик воқиялар орқали очиб берилади. Асардаги воқияларнинг изчил бир чизиғи бўлмаганлиги ёки қахрамоннинг бутун ҳаёти маълум кичик эпизодлар орқали берилганлиги бу асарнинг жиддий нуқсони деб бўлмайди. Чунки шоир Уста Ғиёснинг бутун фазилатларини ана шу воқий эпизодларда (колхоз ҳаёти учун жуда характерли бўлган) ҳаққоний қилиб очиб бергандир.

Асарнинг тили жуда содда, равон, ҳамма учун тушинарли. Асардаги кишиларнинг ҳаммаси оддий колхозчилар, уларнинг тилини тушинилиши қийин бўлган араб, форс сўзлари блан тўлган ибораларда бериш ғайри-табиий бўлар эди. Шоир бу ерда

гузал, турмушдан узоқ сўзлар теришдан, абстракт иборалар ва араб-форс сўзларини қўшишдан қочиб анча ютуққа эришган. Мирмуҳсин содда, лекин чиройли бўлган халқ тили бойлигидан самарали фойдаланган. Бу эса „Уста Ғиёс“нинг тил жиҳатидан муваффақиятли чиққанига гаров.

Биз юқорида Мирмуҳсиннинг бу поэмасини янги ижодий интилишнинг тўнғич мевасидир деб атадик. Бу асар ўзининг катта ҳажмда бўлиши эʼтибори билан Мирмуҳсин ижодида тўнғич асардир. Шундай экан унда камчиликлар бўлиши ҳам табиийдир.

Асарнинг асосий нуқсони шундаки; унда шоир колхоз тузилгандан буён колхоз қишлоғида содир бўлган буюк ўзгаришларни кўрмайди. Маʼлумки бу вақт ичида колхоз қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Колхозларимиз ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландилар, колхозчиларимиз бадавлат ва маданий янги ҳаёт қурдилар, улар маʼнавий-сиёсий жиҳатдан чиниққан, тушинган, етук бўлиб қолдилар. Уларнинг фикрий доиралари мамлакатда юз берган буюк воқиялар билан кенгайди, ўсди, уларнинг савияси умумхалқ, давлат манфаатларини тўла тушуниш даражасидаги юксакликка кўтарилди.

Шоир колхоз қишлоғида ўсган, улгайган, вояга етган, ана шу ажойиб кишиларни кўрмайди, кўрса ҳам улар (фақат Уста Ғиёсни мустасно қилганда) шоирнинг эʼтиборидан четда қоладилар. Шоир Уста Ғиёсдай жонкуяр, ташкилотчи, Ватанга ва улуғ партиямизга содиқ кишиларни тарбиялаб чиқарган колхоз ҳаётини чуқур ўрганмаган. Натижада Уста Ғиёс шу колхоздаги кўпларнинг бири бўлмай, кўплардан узиб олинган ягона қаҳрамон бўлиб қолган. Унинг ёнида у билан бирга бўлган, бирга ўсган бирорта йўбой образнинг бўртдириб берилмагани асарнинг катта нуқсонидир.

Мирмуҳсин колхоз ҳақида нотўғри тасаввур қилади, уни бузиб тасвирлайди. Шоир колхоз ҳақида Уста Ғиёс тилидан бундай дейди:

Колхоз худди йўртмачоқ боладек,
Неча қулаб, неча бор турди.

Бизда „йўртмачоқ боладек“ қулаб кетадиган колхоз бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Колхоз тузимининг ташкилий асослари шоир ўйлаганча ва тасаввур қилганча эмас. Тўғри, бизда айрим қолоқ колхозлар бор. Партия ва ҳукуватимиз ана шу қолоқ колхозларга ёрдам бериш, уларни илғор колхозлар даражасига кўтариш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди ва ғамхўрлик қилмоқда. Аммо бу колхозларни ёш боладек йиқилиб тураверадиган — бузилиб тузилаверадиган қилиб кўрсатиш — ҳақиқатни кўра билмаслик бўлар эди!

Мирмуҳсин колхоз қишлоғи ҳақида реал бўлмаган тушунчалар беради.

М колхоз қишлоғида:

Уркач-уркач пахса деворлар,
Пасту-баланд томлар, мўрилар...

Мўрилардан тутун бурқади,
Ёнар эди ҳўл гўзапоя.

.....

ларнигина кўради ва буни қайта-қайта такрор қилади. Автор мўрилар, „пасту-баланд томлар“ — ёки доимо тутуни бурқсиб ётган „мўрилар“ни колхоз қишлоғи учун характерли деб ўйласа керак, шундай тушунча билан уни қайта-қайта такрор қилиш колхоз қишлоғини бузиб тасвирлашдан бошқа нарса эмас!

Бугина эмас, шоир колхоз идорасини тасвирлаганда ҳам бошқаларга ибрат бўларли бирон яхши нарсани тополмайди. Наҳотки шоир колхозларимиздаги маданият ҳақида, ажойиб колхоз қишлоқлари ҳақида ана шундай тасвирда бўлса?

Мирмуҳсин колхозчи-деҳқонларнинг бутун қийинчиликларни енгиб, фидокорона ишлаётганлигини, уларнинг меҳнатдаги пафосини етарли ёритиб бермаган. Уларнинг меҳнат самаралари кўрсатилмайди. Бунинг ўрнига колхозчиларни „тинкаси қуриган“ қилиб тасвирлайди. Яна шуниси ачинарлики асарда иштирок қилаётган кўпчилик колхозчилар нос чекадилар, нос чекканларида ҳам ўқучининг жонига тегадиган даражада кўп чекадилар, ҳар воқида уларнинг „оғзидаги носи“ айтилади. Бунинг ҳечқандай зарурати ҳам йўқ ва колхозчиларнинг ўтакетган носкаш қилиб кўрсатишга ҳам ҳечқандан эҳтиёж йўқ эди.

Асардаги баъзи моментлар анча ишончсиз қилиб тасвирланганки буни алоҳида кўрсатмасдан бўлмайди. Уста ўзининг бир сўзида бундай дейди:

Қирқ центнер деб лоф урмайман,
Кимга керак буиндоқ қуруқ ва'да,
Ўн саккизта бераман гектаридан,
Қўл қўйганман шундай деб, ҳа-да...

Буни ўқиган ўқучида Уста ўз звеносидаги гўзадан 18 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган ва у 40 центнердан бераман деса „лоф урган“ деб тушинади.

Уста, йилнинг охирида, пахтакорларнинг қурултойида сўзлаб бундай дейди:

Юзцентнер! деб лоф урмайман,
Кимга керак бундай қуруқ ва'да.
Қирқ центнер бераман гектаридан,
Сўз бераман шундай деб ҳа-да...

Уста Фиёс ростгўй ва тўғри одам. Брок у йилнинг бошланишида звеноси бўйича 18 центнердан ҳосил беришга ва'да қилган бўлса, энди колхоз бўйича 40 центнердан ҳосил беришга ва'да, қилди.

Бу ерда укучи 40 центнер блан 18 центнер ўртасидаги фарқни яхши билади, биз бу ерда контракция плани ҳақида ҳеч нарса билмаймиз, шу блан бирга Уста Фиёс яратмоқчи бўлган „му-жиза“га ҳам ишониш мумкин эмас, чунки бунинг учун бир неча йил керак.

Иккинчидан асарнинг 2—3 ерида колхоз қишлоғининг тасвири берилганда:

„Гувуллайди тегирмон ва сой“ деган сатрни учратиш мумкин. Киши бу сатрни қайта - қайта ўқиркан (чунки бу сатр қайта-қайта такрор қилинади) қишлоқда колхоз тегирмони бор деб ўйлайди, албатта, ва тўғри ўйлайди. Аммо Уста Фиёс ўз сўзида:

„Токай қидирамиз тегирмон“

дейди. Ажабо шоир айтган тегирмон кимники?! Ёки бу қишлоқда бошқа колхознинг тегирмони бормиди?! Асарнинг ба'зи ўринларида ана шундай бир-бирига чалкаш бўлган сатрларни учратамиз ва шундай қилиб тасвирланажак воқиалардаги изчилликни йўқолганини кўрамиз.


Асарнинг тили ҳақида гапириб, ундаги ютуқни кўрсатган эдик. Ана шу ютуқлар ичида камчиликлар ҳам бордир. Бу эса асарда бадий жиҳатдан қўпол ёзилган сатрларнинг ба'зи-ба'зида учраб туришидир. Агар шоир юқорида айтилган хато ва камчиликларни қунт блан тузатса асар яна ҳам қимматли, яна ҳам яхши бир асар бўлиб қолажак. Шунинг э'тироф қилиш керакки колхоз темаси адабиётимизда ҳал қилучи темадир. Аммо ўзбек адабиётида колхоз тузуми ҳақида, колхоз тузуми етиштириб берган ажойиб меҳнат қаҳрамонлари ҳақида бадий ва ғоявий жиҳатдан юксак асарлар жуда оз даражададир. Бу жиҳатдан қараганда шоир Мирмуҳсин катта хизмат қилган ва анча муваффақиятга эришган.

МУНДАРИЖА

	Бет
Уйғун — Ҳаёт кўшиги. Пьеса	3
А. Қаҳқор — Қўшчибор. Роман	25
А. Фадеев — Ёш гвардия. Роман	39
Мирмуҳсин — Дуяан. Поэма	51
С. Қаландар — Биз Уралла. Повесъ	56
Ибоҳон — Раққоса Ҳикоя	63

Танқид ва библиография

Ғ. Каримов — Ўзбек совет поэзиясининг тараққиётида Ҳамид Олимжоннинг ўрни	71
Ш. Рашидов — Янги ижодий интилишнинг тўнғич меваси	83



РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Оббек (мас'ул муҳаррир), Гафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Самил Абдуллаев. Мас'ул секретарь: Ма'руф Ҳаким.*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 8

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“

Ташкент—1947


„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

**Босмашга рухсат этилди 16/IX-47 й. Р 05326. Қозоқ формати 60х92/16. Босма листи 5,75
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. № 627. Баҳоси 5 сўм.**

Ташкент, „Қизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмаҳонаси. Заказ 1401.

462339



5c.